O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 17-dekabr, chorshanba | № 101 (7606)

Da'vat

Odamga bolalikdan singdirilgan odatlar yosh daraxt tanasiga o'yib yozilgan harflarga o'xshaydiki, ular daraxt bilan birga o'sadi, tana qo'yadi, uning ajralmas qismiga aylanib qoladi.

Viktor GYUGO

Ibrat

Urganch tumanidagi o'nta shirkat xo'jaligi rahbarlari o'zaro kelishib, qishloqlarda bolalar sportini rivojlantirishni hamjihatlikda amalga oshirishga bel bog'ladilar. Ayni paytda Oxunboboyev nomidagi shirkat xo'jaligida zamonaviy o'yingoh qurilmoqda. Keyingi navbatda Sh.Rashidov nomidagi va "O'zbekiston" shirkat xo'jaliklarida stadion qurilishi rejalashtirilgan.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

16 декабрь куни халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, Олий Мажлисга Самарқанд вилоятидан сайланган депутатлар иштирок этди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Ҳаммангизга маълум, яқинда Президент фармони билан Самарқанд вилояти ҳокими вазифасида ишлаб келган Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тайинланди. Бу ҳақдаги фармон Олий Мажлиснинг ўтган ҳафтада бўлиб ўтган ўн учинчи сессиясида кенг муҳокама қилиниб, тасдиқланди, деди Президентимиз.

Мана шундай қарорга келишимизга сабаб бўлган асосий бир масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Ўйлайманки, барчамиз бир ҳақиқатни яхши тушунамиз: мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, ислоҳотларни кенг кўламда ва изчил жорий этиш, янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида учрайдиган кўпгина муаммоларни ечишда, авваламбор, давлат бошқарувида ҳар қайси идора, ҳар қайси бўғин, қоларверса, ҳар қайси раҳбар ўз ўрни ва масъулиятини чуқур англаган ҳолда ишлаши, ўз ваколати доирасида ўз вазифасини самарали адо этиши зарур.

Бундай талаб, авваламбор, юқори поғона, яъни Марказда фаолият кўрсатаётган ҳукумат аъзолари ва ҳукумат идораларига, уларнинг раҳбарларига, бугун ҳаётимизда ўтказилаётган ислоҳотларга бош-қош бўлаётган ва катта ваколатга эга бўлган мутасадди шахсларга тегишли десак, хато бўлмайди. Яъни ҳар қайси туман, ҳар қайси вилоят манфаатини, ҳудудлар олдида турган вазифаларни инкор этмаган ҳолда, энг юқори бўғиндаги бошқарув идораларининг фаолиятини кучайтириш, уларни жойлардаги аҳвол ва муаммоларни чуқур биладиган етук кадрлар билан мустаҳкамлаш масаласига биз устувор аҳамият беришимиз зарур, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Содда қилиб айтганда, давлат ва жамият, элни бошқарадиган ҳар қайси вазифада албатта ишнинг негизини биладиган, ҳаётнинг бугунги талабларига жавоб бера оладиган, Амир Темур бобомиз таъбири билан айтганда, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби бўлган, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр одамларнинг ишлаши катта аҳамиятга эга.

Буни ҳаммамиз яхши тушунамиз, лекин айни вақтда, ҳар қайси вилоят, ҳар қайси туман ва жойларда ўз фаолияти билан халқ орасида ҳурмат-эҳтиром қозонган етакчиларни, ҳаёт талаб қилса, юксак вазифаларга йўллашни, уларга оқ фотиҳа беришни шу ерда хизмат қилаётган жамоатчилик ўзи учун шараф, ҳам қарз, ҳам фарз деб билиши лозим, деб ҳисоблайман.

Президент сессия қатнашчилари эътиборини яна бир масалага қаратди.

Бугунги кунда ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, ислоҳотлар, аввало, инсон учун, деган ғояни биз ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйганимизни ҳаммамиз яхши биламиз.

Ҳозирги вақтда халқимизнинг асосий қисми, яъни қарийб 60 фоизи қишлоқда яшайди. Бинобарин, қишлоқ аҳолисининг ташвишмуаммолари, эҳтиёжларидан хабардор бўлиш ва уларни ўз вақтида ҳал қилиш - барча раҳбарлар, халқ ишонч билдирган сиз, депутатлар ва фаолларнинг асосий бурчи экани ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Айни вақтда бугун қишлоқ хўжалигидаги вазият - аввало, кейинги йилларда мамлакат бўйича тупроқ унумдорлиги сезиларли даражада пасайиб, суғориладиган майдонларнинг 50 фоизидан кўпроғи турли даражада шўрланганги, умуман, экологиямиз бузилиб бораётгани ва шу каби бошқа оғир муаммолар соҳа ривожига нақадар салбий таъсир ўтказаётгани ҳам барчангизга яхши аён.

Табиий қийинчиликлар, об-ҳаво инжиқликлари ўз йўли билан, аммо бизнинг ишимизга халақит бераётган яна бир қанча субъектив сабаблар, ғов-тўсиқлар ҳам борки, бу муаммоларни ечиш учун жойлардаги аҳволни яхши биладиган, минтақаларнинг дарди билан яқиндан таниш бўлган раҳбар ва мутахассисларни жалб қилишимиз керак.

Ўз-ўзидан равшанки, қишлоқ хўжалигидаги бундай мураккаб вазиятни ўнглаш учун бу масъулиятли вазифа топширилган одамларга тегишли ваколат ҳам берилиши лозим.

Ҳаёт-мамотимизни белгилайдиган мазкур соҳани бошқариш, қабул қилинган қарорларни изчиллик ва қатъиятлик билан ҳаётга жорий этиш учун бошқариш тизимининг энг юқори поғонасидан энг қуйи лавозимигача ишни ана шундай хусусиятларга эга бўлган инсонларга топширишимиз зарур.

Босиб ўтган йўлимиз, тажрибамиз шуни кўрсатмоқдаки, ҳукуматни бошқарадиган одам бевосита жойларда, минтақа ва ҳудудларда бўлиб, мавжуд аҳволни, у ерлардаги ечилмаган муаммоларни чуқур билиши, уларни ўз ҳаёти, ўз юрагидан ўтказиши, лўнда қилиб айтганда, шу муаммоларнинг қозонида қайнаган бўлиши керак. Ва бундай билим ва тажриба ана шу масалаларни ечишда ҳал қилувчи роль ўйнаши, шубҳасиз.

Юқорида зикр этилган мана шу омиллар, фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, бу борадаги бугунги ҳукумат сиёсатини ҳақиқатан ҳам кескин ўзгартириш, уни минтақа ва ҳудудларнинг муаммоларига яқинлаштириш масаласини инобатга оладиган бўлсак, шу талабларга жавоб берадиган ҳукумат раҳбарининг айнан минтақадан қўйилишини табиий қонуният, деб қабул қилиш ўринли бўлади.

Шу маънода, Шавкат Мирзиёев ҳақида гапирадиган бўлсак, сизлар яхши биласизки, дастлаб у Тошкент шаҳрида бир неча йил туман ҳокими вазифасини бажарди. Кейин эса Жиззах вилоятининг биринчи раҳбари лавозимида ҳам фаол иш олиб борди. Мирзиёев билан Жиззахда бирга меҳнат қилган одамлар унинг вилоят миқёсида каттакатта ишларга бош-қош бўлганини ҳалибери яхши эслайди.

Кейинги икки йил давомида у Самарқанд вилоятини бошқариб келди ва шу қисқа давр ичида воҳа ҳаётида - нафақат ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида, балки одамлар билан тил топишиш, эл-юртнинг кўнглига етиб бориш ва уларнинг бошини қовуштиришда, кўп-кўп ижобий бунёдкорлик ишларини — бу қурилиш ёки ободончилик, тиббиёт ёки таълим соҳаси бўладими - умуман, халқнинг кайфиятига ижобий таъсир қиладиган ишларни амалга оширишда Самарқанд аҳли унинг раҳбарлигида катта ютуқларга эришди.

Биргина қишлоқ хўжалигини оладиган бўлсак, бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, вилоят меҳнаткашлари қаттиқ меҳнат қилиб, пахта ва ғалла бўйича шартнома режаларини бажаришга эришганини айтиш кифоя, деб таъкидлади Президентимиз.

Бундай жиддий ўзгаришларни бошқа жабҳаларда, жумладан, ижтимоий соҳа ривожида ҳам кузатиш мумкин. Мисол учун, сўнгги пайтда аҳоли турмуш шароитини яхшилашнинг асоси бўлган табиий газ ва ичимлик суви таъминоти масаласида салмоқли натижалар қўлга киритилди. Охирги икки йил мобайнида 800 километрдан зиёд газ тармоғи тортилиб, 100 дан ортиқ қишлоқ табиий газ билан, шунингдек, қарийб 400 километрлик сув тармоғи барпо этилиб, 115 та

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Р.И.Холмуродовни Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/12-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Рустам Ибрагимович Холмуродов Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 16 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ш.М.Мирзиёевни Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Шавкат Миромонович Мирзиёев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 16 декабрь

МУАЛЛИМ МЕҲНАТИ МАҲСУЛДОР БЎЛСИН!

Муаллимнинг машаққатли меҳнати маҳсули— дарс. «Йил ўқитувчиси—2003» республика кўрик-танловининг пойтахтимиздаги 110-мактабда ўтказилган якунловчи босқичида иштирок этган муаллимлар мазкур таълим муассасаси ўқувчиларига ўтган дарсларда ўзларининг бор маҳоратларини кўрсатишга интилишди. Хусусан, Андижон вилояти Марҳамат туманидаги 5-мактаб ўқитувчиси Рашида Умарова 11-синф ўқувчиларига ҳуқуқ фанидан вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги мавзусида дарс ўтганида машғулотда вояга етмаганлар назоратчиси(ВЕН) ҳам иштирок этди ва муаллим унинг «вояга етмаганларни катталардек жазолаш керакми», деган саволига атрофлича жавоб берди. Видеолавҳаларда кўрсатилган олтита жиноят турига ўқувчиларнинг дарс мавзусидан келиб чиққан ҳолда жазо белгилай олишгани ҳам ўқитувчининг мақсадга эришганини билдирарди. Навоий вилояти вакили, Навоий шаҳридаги 17-мактаб ўқитувчиси Гулноз Сатторованинг баҳс-мунозара усулида ўтказган «Лайли ва Мажнун» достони таҳлилига бағишланган дарс ҳам ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Синф ўқувчиларининг «Лайли», «Мажнун», «Тадқиқотчилар» гуруҳларига бўлингани дарснинг жонли ўтишини таъминлади.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 17-мактаб инглиз тили ўқитувчиси Гулнора Зайнутдинованинг 11-синфда ўтказган «Она замин — бизнинг умумий уйимиз, уни муҳофаза қилиш бизнинг бурчимиз» мавзусидаги инновацион дарсида эса, экологияга оид ЮНЕСКО материалларидан фойдаланилди. Мавзуга доир яна кўплаб маълумотларга эга бўлган ўқувчиларнинг фаоллиги дарснинг муваффақиятли якунланишига асос бўлди. Айниқса, Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги 24-мактабнинг она тили ва адабиёти муаллимаси Дилфуза Ҳакимованинг 6-синф ўқувчиларига Ўткир Ҳошимовнинг «Урушнинг сўнгги қурбони» асари мавзу қилиб олинган дарси бугунги кунда такомиллашиб улгурмаган модель усулида ташкиллаштирилгани билан аҳамиятли бўлди. Пешкулик муаллима — Дилафрўз Абдуллаева ҳам она тилидан ўтган дарси билан 7-«И» синф ўқувчилари меҳрини қозона олди. Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари вакиллари—Фароғат Маматова ҳамда Фарида Хўжаева ҳам ёш мутахассис бўлишларига қарамай муаллимлик синоатларини тобора ўзлаштириб боришаётганини намойиш этишди.

(Давоми 3-бетда)

«Yil o'qituvchisi—2003»

Суратда: «Йил ўқитувчиси — 2003» Республика кўрик-танловининг 1-даражали дипломи соҳибаси, Юнусобод туманидаги 17-мактаб инглиз тили ўқитувчиси Гулнора Зайнутдинова.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ЯНГИ ЙИЛНИ ҚАНДАЙ ҚАРШИЛАЙМИЗ? 3-бет

«ДАРРОВ ТОПИНГ, БАЛЛ ОЛИНГ ҲАЛОЛ» 3-бет

КУТУБХОНА ТАЛАБАНИНГ КЎМАКЧИСИ 5-бет

ЭКОЛОГИК САВОДХОНЛИК
У ЁШЛАР ОНГИГА МУНТАЗАМ СИНГДИРИЛИШИ ШАРТ 6-бет

ЎЗИНИ ЎРГАНГАН ФАЙЛАСУФ 8-бет

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

FARMOYISH

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Mehr va muruvvat yili» dasturini ishlab chiqish va amalga oshirish bo'yicha Respublika komissiyasini tuzish to'g'risida»gi farmoyishi matbuotda e'lon qilindi.

(Davomi 2-betda)

МАКТАБДА ОЛТИ ЁШЛИ ЎҚУВЧИ:

у таълим-тарбия жараёнига мослаша олаяптими?

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунига асосан умумий ўрта таълим мактабларига болалар 6-7 ёшдан қабул қилина бошланганига 5 йил тўлди. Шу йиллар давомида олти ёшли болалар ҳам тиббий, психологик-педагогик ташхис натижалари асосида мактабга қабул қилиниб, уларга таълим ва тарбия берилмоқда.

Маълумки, мактабгача ёшдаги болалар учун асосий фаолият тури — ўйин ҳисобланади. Албатта, олти ёшли болада (кўпроқ мактабгача таълим муассасаларига тортилган болаларда) илк ўқув мотивлари шаклланган бўлади. Шунга қарамасдан, олти ёшли болаларни ўйин фаолиятидан ўқув фаолиятига жисмоний, ақлий зўриқишсиз, силлиқ ўтишини ва мослашувини таъминлаш борасида қатор ишларни амалга ошириш керак. Шунинг учун ҳам, 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб, олти ёшдан мактабга қабул қилинган болалар учун 1-2-чорак давомида амалий психологлар, ўқитувчилар томонидан "Психологик саломатлик мактаби" коррекцион-ривожлантириш машғулотлари ўтказилмоқда. Бундан ташқари, 1—9-синф ўқувчилари учун юритилаётган "Психологик-педагогик ташхис дафтари"га болаларнинг ривожланиш даражаси узлуксиз ўрганилиб, қайд этиб борилмоқда. Психологик-педагогик ташхис комиссияларининг бевосита мактабларнинг ўзида фаолият кўрсатиши ҳам жисмоний, ақлий жиҳатдан етук, ўқишга ижтимоий-психологик тайёр олти ёшли болаларни мактабга саралаб олиш сифатини анча оширди. Шунга қарамасдан, олти ёшли болаларни тиббий, психологик-педагогик кўрикдан ўтказиш, мактабга қабул қилинганларини эса ўқув фаолиятига мослаштириш, уларнинг ривожланиш даражасини узлуксиз ўрганиб бориш ишларида қатор муаммолар мавжуд. Эътиборингизни мазкур муаммолар ва олти ёшли болаларнинг ўзига хос хусусиятларига қаратмоқчимиз.

Кўпинча ота-оналар олти ёшли фарзандларини психологик-педагогик ташхисга олиб келишар экан, "Болам ўз тенгдошлари билан кўп ҳам ўйнайвермайди, боғчага бормайман, деб хархаша қила бошлади, олдин ундай эмас эди. Вақтини кўпроқ китоблар билан ўтказади, ака-опалари дарс тайёрлаётган вақтда улар олдидан жилмайди, китобларни ўқишга ҳаракат қилади, чизишга, ёзишга қизиқади" ва ҳоказо сўзларни рўкач қилиб, болани мактабга қабул қилиш кераклигини илтимос қилишади. Тўғри, бу ёшдаги болада катталарга тақлид қилиш, уларнинг фаолиятини бажаришга ҳаракат қилиш истаги кучли бўлади. Кўпгина тадқиқотчиларнинг (Э.Қозиев, Л.Столяренко, М.Расулова ва бошқалар) таъкидлашларича, олти ёшли боланинг муҳим хусусиятларидан бири, унда ўзига хос эҳтиёжларнинг мавжудлигидир.

(Давоми 6-бетда)

Inson hech qachon jinoyatchi bo'lib tug'ilmaydi. Shuningdek, birdaniga tarbiyali va bilimli ham bo'lib qolmaydi.

Olimlar qatorida maktab muallimining hammuallif bo'lishi e'tiborga molik voqelikdir.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

HAMDARDLIK IZHORI

15-dekabr kuni O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov O'zarbo'yjonning mamlakatimizdagi elchixonasiga tashrif buyurib, xalqimiz va hukumatimiz nomidan ushbu davlat sobiq prezidenti Haydar Aliyevning vafoti munosabati bilan Ozarboyjon xalqi va hukumatiga chuqur hamdardlik izhor etdi. Xotira kitobiga hamdardlik so'zlarini yozdi.

YANGI SHIFOXONA

Chimboy tumanidagi "Kenges" ovulida ellik o'rinli yangi shifo maskani foydalanishga topshirildi.

KREDIT BITIMI

O'zbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy faoliyat Milliy banki va Yaponiya Xalqaro hamkorlik banki (JBIC) o'rtasida "Turon-Tekstil" qo'shma korxonasi loyihasi bo'yicha kredit bitimi imzolandi.

YANGI ELEKTROPOYEZD TIZIMI

Poytaxtimizni boshqa shaharlar bilan bog'laydigan elektropoyezdlar qatnovi bundan roppa-rosa yigirma yil muqaddam boshlangan edi. Chingeldi — Xovos yo'nalishi to'liq elektrlashgach, Toshkent — Sirdaryo qatnovi tashkil etildi. Bugun elektropoyezdlar Toshkentdan Xo'jakent, Xovos, Sirdaryo, Jizzax, Guliston hamda Samarqand shaharlarigacha qatnab, yo'lovchilar uzog'ini yaqin qilmoqda.

QO'SHMA KORXONA

Toshkent viloyatida salqin ichimliklar ishlab chiqa-rishga ixtisoslashgan yangi korxona tashkil etildi. Bu yerda Italiya va Germaniyaning zamonaviy asbob-anjomlari hisobiga yiliga 4 million shisha ichimlik ishlab chiqarish rejalashtirilmoqda.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

қишлоқ тоза ичимлик суви билан таъминланганги бунинг амалий тасдиғи бўла олади.

Шулар қаторида вилоят шаҳар ва қишлоқларида 90 та маҳалла гузари, 31 та қишлоқ-врачлик пункти, 6 та ихтисослашган шифохона, 880 минг квадрат метр уй-жой қурилгани, ўнлаб янги мактаб, лицей-коллежлар, маданий-маиший ва спорт иншоотлари барпо этилгани ҳам бу ерда кейинги йилларда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини кўрсатади.

Нафақат Самарқанд шаҳри, балки бутун вилоят қиёфасини ўзгартириб юборган бундай қурилиш ва ободончилик ишлари ҳақида узоқ гапириш мумкин.

Албатта, бундай улкан ишларни ва режаларни амалга оширишда аввало шу юртнинг ватанпарварлари, фидоийлари, бутун Самарқанд элининг хизмати ва меҳнати борлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Лекин буларнинг барчасини бошқариш, одамларни катта марраларга, керак бўлса, зафарларга чорлаш, уларни ўз кучи ва қудратига ишонтириш - бу ҳар қандай раҳбарнинг ҳам қўлидан келмайди, десам, бу ҳам ҳақиқат.

Шунинг учун ҳам ишга муносабати, ташкилотчилик қобилияти билан ўзини кўрсатган Шавкат Мирзиёев номзодини Бош вазир лавозимига таклиф қилдик ва Олий Мажлисимиз сессияси бу таклифни қўллаб-қувватлади.

Вилоятнинг янги раҳбарини тайинлаш ҳақида гапирганда, деди давлатимиз раҳбари, аввало, шуни айтиш керакки, Самарқанд аҳли - бу туман ёки вилоят маркази бўладими, узоқ ва чекка қишлоқлар бўладими - бугун ҳамма жойда катта, баланд руҳ билан меҳнат қилмоқда. Вилоят меҳнаткашларининг иқтисодиётни юксалтириш, ўз маҳалласи, ўз юртини янада обод қилиш мақсадида янги-янги уфқларга интилиб, улкан ишларни амалга ошираётганини бутун Ўзбекистон кўриб турибди, десак, асло хато бўлмайди.

Янги раҳбарга биринчи талаб шуки, у одамлардаги мана шундай кўтаринки руҳни, катта ишларга бел боғлаган Самарқанд аҳлининг орзу-интилишлари ва азму шижоатини сўндирмасдан, камайтирмасдан, шу элга етакчи бўлиб, бошқош бўлиб, уни янги мақсад ва марралар сари бошлаши керак.

Иккинчи талаб — вилоят раҳбари халқ ичидан чиққан, унинг табиатини яхши тушунадиган инсон бўлиши, шаҳар ва қишлоқ аҳлининг муаммоларини чуқур англаши, ёрдамга муҳтож одамларнинг дардига малҳам бўла олиши, ёшми-қарими, зиёлими, ишчими, уларнинг интилишларига ҳамоҳанг бўлиб, ўз фаолиятини эл-юрт ҳаёти билан чамбарчас боғлай олиши зарур.

Барчамиз шуни унутмаслигимиз лозимки, инсон фақат бугунги кун билан яшамайди. Шунинг учун ҳам бу вилоятни бошқарадиган одамга учинчи талаб - шу ҳақиқатни яхши англаб, авваламбор мана шу ерда ҳаёт кечирадиган халқнинг эртанги кунини, истиқболини ҳар томонлама кўзлаб иш олиб бориши даркор, деди Президентимиз.

Истиқбол деганда, биз аввало мана шу Самарқанд заминида яшаётган 2 миллион 800 мингдан зиёд аҳолининг турмуш даражасини кўтаришни, ёш авлод иқболини ўйлаб, ёруғ келажакни яқинлаштириш йўлида бутун борлиғини сафарбар этиб, фидокорона меҳнат қилишни тушунамиз.

Истиқбол деганда, биз биринчи галда бунёдкорликни, одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишга қаратилган ишларни, айниқса, мактаб-маориф, тиббий ва коммунал хизмат, аҳолини иш билан банд қилиш, газ ва сув таъминоти каби ҳаётий муҳим масалаларни ўз вақтида ҳал этишни назарда тутамиз.

Шу билан бирга, янги-янги корхоналарни барпо этиш, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни олиб келиш, сифатли ва экспортбол маҳсулот ишлаб чиқариш, саноатда замонавий технологияларни жорий этиш, кичик ва ўрта бизнесни ҳар томонлама ривожлантириш вазифалари ҳам бизнинг келажак режаларимизда асосий ўрин тутиши лозим.

Истиқбол деганда, биз аввало қишлоқ хўжалигида янгича мулкий муносабатларни шакллантириш, одамларда ерга эгалик туйғусини қарор топтириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, соҳани замонавий техника воситалари ва юксак технология билан таъминлаш, тобора кучга кириб бораётган фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу тариқа қишлоқ халқининг фаровонлигини ошириш сингари устувор вазифаларни тасаввур қиламиз.

Бугун шиддат билан ўзгараётган замон ҳар биримиздан ўз фаолиятимизни танқидий баҳолаб, уни тубдан ўзгартиришни, янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Шу борада янги раҳбар ва унинг хусусият ва фазилатлари ҳақида гапирар эканмиз, бир масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Шу ерда яшаётган, истиқомат қилаётган халқни янги уфқларга даъват қилиш учун янги ҳоким биринчи галда қуйи, ўрта ва юқори бўғинларда ўтирган барча раҳбар ва мутасаддилар билан тил топишиб ишлаши, оддий одамларнинг ҳурматига муносиб бўлиши айниқса муҳим. Бунинг маъноси шуки, янги раҳбар вилоятдаги катта-кичик етакчиларда - у туман ҳокимими, ширкат хўжалиги ёки ташкилот бошлиғими, бундан қатъи назар, фақат ижрочилик билан чекланиб қолмасдан, уларда ташаббускорлик ва тадбиркорлик аломатларини, изланувчанлик фазилатларини уйғотиши ва рағбатлантириши даркор.

Энг муҳими, вилоят ҳокимлигининг идорасида ҳам, туманларда ҳам ўзаро ишонч, бир-бирини тўғри тушуниш, умумий иш учун жон куйдириш руҳи устун бўлиши керак.

Аксинча, янги раҳбар ўзига ёқадиган, ўзига мос бўлган, ўзига шахсий садоқат кўрсатадиган одамларни амалга ўтказишдек номақбул кайфиятларга берилмаслиги, маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, уруғ-аймоқчилик ва қабилабозлик каби иллатлардан узоқ бўлиб, кадрларни ўзгартириш масаласида жуда эҳтиёткорлик билан иш олиб бориши зарур.

Бу фикрни урғу бериб айтаётганимнинг сабаби шуки, деб қайд этди мамлакатимиз раҳбари, биз кўпгина туман ва вилоят раҳбарларини бу ҳақда огоҳлантирганимизга қарамасдан, бундай эски асоратлардан ҳали-бери жудо бўлолмаяпмиз. Мен бу ҳақиқатни афсус билан таъкидлашга мажбурман.

Бу масалага тўғри, холисона ёндашиш, етти ўлчаб бир кесиш, ишнинг негизини биладиган, юқори малакага эга бўлган, ҳалол ва тажрибали ходимларни, мутахассисларни асраб-авайлаш, тарбиялаш керак. Содда қилиб айтганда, яхши кадрларни асрайдиган раҳбар, аввало, ўзини асрайди, муҳитнинг доимо барқарор бўлиб қолишига хизмат қилади.

Шуларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, мен вилоят ҳокими лавозимига Самарқанд давлат университети ректори вазифасида ишлаб келган Рустам Иброҳимович Холмуродов номзодини таклиф этаман.

Шу ўринда Президентимиз йиғилганлар эътиборини яна бир масалага қаратди.

Самарқанд диёри умумбашарият цивилизациясининг Рим сингари қадимий бешикларидан бири сифатида бутун ер юзида тан олиниши, унинг беқиёс табиати, кенг маънодаги унумдор замини, номлари жаҳон тарихига зарҳал харфлар билан ёзилган мумтоз зотларни бергани билан барчамиз чексиз фахрланамиз. Самарқанд замини Имом Бухорий ва Имом Мотуридий, Хожа Аҳрор ва Мавлоно Аъзам каби мусулмон оламида машҳур бўлган алломалар, азиз-авлиёларнинг ҳоки ётган табаррук масканлари билан ҳам мўътабардир.

Соҳибқирон Амир Темур ўз салтанатининг пойтахти этиб танлаган, нафақат буюк тарихий обидалари, балки Улуғбек ва Али Қушчи каби улуғ мутафаккирлар ўзининг дунёни ҳайратга солган ўлмас кашфиётларини яратган бу юртни бетакрор мўъжиза десак, асло хато бўлмайди. Шу боис асрлар давомида маърифат зиёсини таратиб келган Самарқанддаги илму фан ўчоқлари, қадимий мадрасаларда яратилган буюк мерос ҳар биримизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Самарқанд бугунги кунда ҳам ўзининг илмий кашфиёт ва ютуқлари орқали жаҳонга танилган ўнлаб олий ўқув юртлари ва илм-фан даргоҳлари билан, ўзининг истеъдодли зиёлилари, юксак салоҳиятга эга бўлган илмий жамоатчилиги билан дунёда обрў-эътибор топмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳеч шубҳасиз, вилоят ҳокимлигига номзод ҳақида гапирар эканмиз, унинг хусусият ва фазилатлари ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг мана шундай юксак маърифий ҳаёт билан ҳамоҳанг бўлиб яшашга қурби, билими ва савияси етадиган инсон бўлиши кераклигини ҳаммамиз яхши тушунамиз, деб ўйлайман.

Бир сўз билан айтганда, бу раҳбар шу тупроқда униб-ўсган, шу заминни муқаддас деб қабул қиладиган, шу ерда яшайдиган халқнинг табиатини, феъл-атвори ва орзу-умидларини юрагидан ҳис эта оладиган, шу эзгу интилишларни рўёбга чиқаришга астойдил бел боғлаган одам бўлиши зарур, деб таъкидлади Президентимиз.

Ишончим комилки, вилоятнинг меҳнаткаш, мард ва ориятли халқи Самарқанд заминининг катта салоҳияти ва имкониятларини рўёбга чиқариш, Самарқанднинг шуҳратини янада юксалтириш учун бир тан, бир жон бўлиб, ўзини аямай меҳнат қилади, деди пировардида Президентимиз.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тайинланган муносабати билан Самарқанд вилояти ҳокими вазифасидан озод этилди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан Самарқанд давлат университети ректори лавозимида ишлаб келаётган Рустам Холмуродов Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Пахтачи туманидаги А.Оллоёров номидаги ширкат хўжалиги раиси Ф.Тўхтапўлатова, Нарпай тумани ҳокими А.Жамилов, Ургут тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Х.Нуруллаев, Каттақўрғон туманидаги 2-ўрта мактаб директори О.Ўроқова, «Зарафшон» нашриёти директори Х.Бобомуродова ва бошқалар вилоят аҳли Президентимизнинг нутқида қўйилган вазифаларни амалга ошириш, Самарқанд заминининг катта салоҳияти ва имкониятларини рўёбга чиқариш, унинг шуҳратини янада юксалтириш учун ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилишини таъкидлади.

ЎзА

МАКТАБ ЎҚИТУВЧИСИ — ДАРСЛИК МУАЛЛИФИ

Tadbir

Мактабда бошланғич таълим ўқитувчидан алоҳида тайёргарлик ва билим, айни дамда соддалик ва қизиқтира билиш қобилиятини талаб этади. Буни тўғри тушунган муаллифлар бошланғич синф учун дарслик ва қўлланмаларни болажонлар ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда яратмоқдалар. Маманазар Жумаев ва Набияхон Абдураҳмонова ёзган «Matematika» (1-синф учун) дарслиги юзасидан айрим мулоҳаза ҳамда таклифлар билдирилаётгани учун Юнусобод туманидаги Саиджон Калонов номидаги 96-мактабда дарслик муаллифларидан бири, ушбу мактаб ўқитувчиси Н.Абдураҳмонова билан тумандаги бошланғич синф ўқитувчиларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда РТМ бошланғич таълим шўъбаси бошлиғи Назира Аҳмедова, Юнусобод ТХТБ бошланғич таълим услубчиси Фотима Тиллахўжаева ҳамда ўқитувчилар сўзга чиқиб, дарслик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Дарслик муаллифи Н.Абдураҳмонованинг ўзи етарли тажрибага, бой кўргазмали куролларга эга. Ҳар бир дарсида тарқатма материаллардан, ўйин турларидан кенг фойдаланиб боради. «Matematika» дарслигидаги ҳар қайси бўлим учун алоҳида дидактик материаллари бор, — дейди мактаб директори Рустам Ҳикматов. — Бугунги анжумандан ҳам ўқитувчилар ўз муаммоларига ечим топиб кетаётганларидан, дарслик муаллифи жамоамиз фахри эканидан қувондик.

Дарҳақиқат, олимлар қаторида мактаб муаллимининг ҳаммуаллиф бўлиши эътиборга молик воқеликдир.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Anjuman

Маълумки, ҳар йили Ер курасининг турли тараққийпарвар ва демократик давлатларида АҚШнинг Давлат департаменти томонидан қўллаб-қувватланадиган Халқаро таълим ҳафталиклари ўтказиб борилади. Ушбу тадбирда ривожланган давлатларнинг таълим соҳасида қўлга киритаётган ютуқлари ўрганилиши баробарида, ривожланаётган давлатларда истиқомат қилаётган минглаб ёшларнинг турли тараққий этган мамлакатлардаги таълим муассасаларида таҳсил олиш имкониятлари намойиш қилинади. Шунингдек, турли мавзуларда маърузалар ўқилиб, баҳс-мунозаралар олиб борилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ТАЪЛИМ ҲАФТАЛИГИ

Жорий йилда мамлакатимизда беш кун давомида таълим соҳаси ходимлари ҳамда инглиз тили ўқитувчилари, юзлаб талабалар иштирокида муваффақият билан ўтган халқаро таълим ҳафталиги АҚШнинг АКСЕЛС таълим ташкилоти томонидан ташкил қилинди. Ҳафталик иштирокчилари биринчи иш кунида "Таълим алмашинуви, малака ошириш ва илмий изланиш имкониятлари" мавзусида гуруҳлараро мунозара олиб бордилар. Бунда АҚШнинг етакчи мактаб, коллеж ва университетларида таҳсил олиб қайтган ватандошларимиз АҚШ таълим тизими ва у ерда орттирган малакалари хусусида қатнашчиларга сўзлаб бердилар. Иккинчи иш кунида Қўшма Штатларнинг "Таълим алоқалари академияси"дан ташриф буюрган профессор Филипп Баттерфильд йиғилганларга ўзи фаолият кўрсатадиган академия ҳамда Ўзбекистонда бундан икки йил муқаддам ташкил қилинган Ўзбек-Америка академиясининг бугунги фаолияти ва икки томонлама таълим соҳасида амалга оширилаётган ҳамкорлик алоқаларининг истиқболлари хусусида маъруза қилди. Тадбирнинг учинчи кунида қатнашчилар эътиборига Тошкент давлат иқтисодиёт университети Халқаро бизнес мактабининг "Келажак илми" талабалари томонидан ишлаб чиқилган "Талабалар ҳокимияти" дастурининг тақдимоти ўтказилди. Шунингдек, иштирокчилар шу куни Америка таълим тизими ютуқларини мамлакатимиз таълим тизимига татбиқ қилиш масалалари хусусида ўзаро фикр алмашдилар.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолияти ҳамда Ўзбекистондаги бугунги сиёсий вазиятга бағишланган тўртинчи иш кунида йиғилганлар қизиқарли маъруза тинглаб, ўзаро баҳс-мунозара олиб бордилар.

Анжуманнинг сўнгги куни айниқса қизиқарли ўтди. Унда АҚШнинг турли таълим дастурларида иштирок этиб, ғолибликка эришган талаба ва ўқитувчилар ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ

Seminar

РАҲБАР МУОВИНЛАРИ АНЖУМАНИ

Яқинда Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан ЎМКҲТ ривожлантириш институтининг малака ошириш факультетида "Касб-ҳунар коллежлари ўқув ишлари бўйича раҳбар ўринбосари фаолияти ва унинг зарур меъёрий ҳужжатлари" мавзусида ўқув семинари бўлиб ўтди. Ўқув семинарида: "Касб-ҳунар таълими муассасаларини бошқаришнинг илмий асослари", "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими стандартларини такомиллаштириш ва татбиқ этиш йўллари", "Ўқув жараёнларини режалаштириш ва ташкил этиш", "Янги педагогик технологиялар ва уларни таълим жараёнида қўллаш", "Ўқув жараёнини назорат қилиш", "Ўқув ишлари бўйича раҳбар муовинининг асосий ҳужжатлари", "Ўқув машғулотлар журналлари юритилишини назорат қилиш", "Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилиши. Ўқув ишлари бўйича раҳбар муовинининг асосий вазифалари" каби мавзуларда маърузалар ўқилди.

Ушбу маърузалардан кейин ўқув ишлари бўйича раҳбар муовинларининг йиллик иш режаси тўғрисида давра суҳбати ўтказилди. Ўқув ишлари бўйича раҳбар муовинларининг ўқув жараёнидаги ўрни, вазифалари, ҳужжатлари, мақсад ва вазифалари, режалари, камчиликлари ва ютуқлари тўғрисида кўрсатмалар берилди.

Насиба ЙЎЛДОШЕВА

ТРАНСПОРТ , ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК

Anjuman

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан «1999—2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитини муҳофаза қилиш саъй-ҳаракатлари дастури» тасдиқланган эди. Дастурда атмосферани автомобиллардан чиқаётган зararли моддалардан муҳофаза қилиш масаласи етакчи ўринни эгаллади. Ҳозирги вақтда атмосферанинг ифлосланишида транспорт воситаларининг улуши 80 фоизни ташкил этар экан. Ушбу омил эса инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш масалаларини муҳокама қилиш мақсадида «Экосан» халқаро жамғармаси, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси ва Тошкент автомобиль йўллари институти ҳамкорликда «Транспорт, экология ва саломатлик» мавзуида «Шератон—Тошкент» меҳмонхонасида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияда ўтказилди. Унда конференцияда вазирлик ва идоралар, автомобиль транспортирувчи, атмосфера ҳавоси ҳолатини, автотранспорт воситаларини эксплуатация қилиш қоидаларини назорат қилувчи ташкилотлар раҳбар ходимлари ҳамда дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, журналистлар иштирок этдилар. Анжуманда таъкидланишича, автомобиль транспортидан атмосферага чиқаётган зararли моддаларнинг умумий ҳажми 67 фоизни, катта шаҳарларда эса 90 фоизни ташкил этар экан.

Конференция иштирокчилари юқоридаги каби салбий ҳолатларни эътиборга олиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқдилар. Шунингдек, конференцияда мамлакатимизда эксплуатация қилинаётган автотранспорт воситалари намуналари, атмосфера ҳавоси сифатини текширишда қўлланиладиган замонавий асбоб-ускуналар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Азиз НОРҚУЛОВ

Mulohaza

ЖАМИЯТ. ЁШЛАР. ҚОНУН

Ёш авлод тарбияси билан шуғулланадиган барча кишиларни ҳаяжонлантирадиган педагогик муаммолар орасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлари кишини ташвишга солади.

Ёш авлод тарбияси билан шуғулланадиган педагоглар ўғил-қизларимизнинг улуғ аждодлари каби мард, жасур, билимдон, оқил бўлишлари учун эътибор бермоқлари керак.

Ҳозирги вақтда кўпинча ота-оналар болаларни савдога қизиқтириб, ҳуқуқ бузишга ўзлари жалб қилмоқдалар. Бозор ўзининг алдамчи ташқи қиёфасига—пул топиш имкониятига мафтун этади. Ҳар бир оила ҳам ўтиш даври қийинчиликларига дош бераверсин. Бундай тижорат эртага болаларимиз учун қанчалик қимматга тушишини ўйлаб кўрсак бўларди. Бизнинг жамиятимизда одим ташлаётган, маданий жиҳатдан ривожланган бозорда фақат етарли маълумотга эга бўлган, юксак тоифали касб эгаларигина рақобатлашадилар. Буни ота-оналар фарзандларига ўз вақтида тушунтириб қўйсалар, чакки бўлмас эди.

Инсон ҳеч қачон жиноятчи бўлиб туғилмайди. Шунингдек, бирданига тарбияли ва билимли ҳам бўлиб қолмайди. Ўқувчиларни мунтазам равишда Ўзбекистон Республикаси «Жиноят кодекси» билан таништириб бормоқ лозим. Масалан, ушбу кодекснинг 277-моддасида: «Безорилик, яъни жамоат жойларида жамоат тартиби қоидаларига қасддан ҳурматсизлик қилиш, ориш-дўппослаш, баданга енгил тан жароҳати етказиш ёхуд нобуд қилиш, жиддий зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса, энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади» дейилади. Ёки яна «Жиноят кодекси»нинг 140-моддасида кўрсатилишича, бир одамнинг обрўсини тўкадиган сўз айтиш, беибо сўзлар билан аташ инсон шахсини ҳақоратлаш бўлади ва бундай ишни қилган одам қилмиши учун энг кам ойлик иш ҳақининг 25 бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача муддатга қамоқ билан жазоланишини тушунтириб бермоқ, ҳаётий мисолларда ифодалаш жоиз.

Ҳозирда умумтаълим мактабларида бошланғич синфлардан бошлаб «Конституция оламига саёҳат» дарси давлат ўқув режасига киритилган. Бу мавзудаги қўшимча қўлланмалардан фойдаланган ўқитувчи эса ўз ўқувчилари онгини анча кенгайтиришга эришади. Мактаб ихтиёрига берилган соатлардан 10—11-синфлар учун ажратилган ҳуқуқ дарслари ўқитилиши учун шароит яратиб бериш, келгусида бу дарслар юзасидан кенг қамровли семинарлар ўтказиш, саҳна кўринишлари тайёрлаш, тарбиявий ишларда оммавий ахборот воситаларида берилиадиган инсон ва ҳуқуқ мавзусидаги чиқишлар туркумидан, ҳуқуқшуносларнинг гурунги ва шу кабилардан фойдаланиб, ўқувчилар ўртасида ҳуқуқ-тартиботни кучайтириш талаб қилинади. Синф раҳбарлари тарбиявий иш дастурларига ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласини киритиши лозим. Ўқувчиларнинг оилаларини эътибор билан ўрганиб, уларнинг ота-оналари характери, касб-кори, маълумоти, эътиқоди, маънавий қиёфаси, моддий таъминланганлиги ва умуман, ўз фарзандларига муносабатини ҳар бир синф раҳбари билиб, маълумотлар базасини яратиб олсин.

«Ўзбекистон» телеканали орқали кўрсатилаётган «Ҳуқуқингизни биласизми?» ва «Ёшлар» телеканалида намойиш этилаётган «Қилни қирқ ёриб...» кўрсатувлари ҳақидаги ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини билиб бориш ҳам ижобий натижа бериши мумкин.

Ҳар йили анъанага айланган умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг ўтказилиши вояга етмаган ўсмирларни ҳаётда тўғри ва мустақил ўринга эга бўлишларида ўз самарасини бермоқда.

Бугун мактаб, оила, маҳалла бир тан, бир жон бўлиши керак. Ўқувчилар орасида қонунбузарлик ва жиноятнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш, бунинг учун эса умумий ҳамкорликни ҳар қачонгидан яхшилаш талаб этилмоқда. Ўқувчиларнинг қонунни қуруқ ёдлаб олишлари билан мақсадга эришиб бўлмайди. Уни ҳаётда қаерда ва қандай қўллаш йўлларини мисоллар билан тушунтириш лозим. Ички ишлар, прокуратура ва суд ходимларининг мактабларга тез-тез ташриф буюриб туришлари ҳам фойдадан холи бўлмас эди.

Г.ИБРАГИМОВА,
З.АШИРБОЕВА,
РТМ маънавий-маърифий ишлар бўлими ходимлари

КОЛЛЕЖДА МИНИ БАНК

Yangilik

Урганч иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида мини ўқув банки ташкил қилинди. Бундан кўзланган мақсад — банк тизими соҳаси бўлғуси мутахассисларининг ўқув машғулотлари давомида назарий билимларини амалиёт билан боғлашдан иборатдир.

Хоразм вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига банк хизматини кўрсатиш, тадбиркорлик, айниқса, ўрта ва кичик бизнес соҳасидаги фаолиятни қўллаб-қувватлашни режалаштирган мини банк шартнома асосида ўқийдиган талабалар учун имтиёзли кредитлар беради, юридик ва жисмоний шахсларга банк операцияларининг барча турлари бўйича хизмат кўрсатади.

— Республика марказий банкининг бевосита қўллаб-қувватлаши ва вилоят марказий банки ҳамда вилоят Тадбиркор банкининг ҳамкорлиги асосида ташкил қилинган ўқув даргоҳимиздаги мини банк фаолиятидан кўпчилик хурсанд, — дейди касб-ҳунар коллежи директори, профессор Т.Дўстжонов. — Мини банк қошида банкнинг амалий фаолиятига боғлиқ бўлимлар ташкил қилиш билан бирга зарур жиҳозлар, компьютер ва техника воситалари билан таъминланди.

Мини банкда нафақат ушбу таълим муассасаси, балки бутун вилоятдаги ўрта махсус таълим тизимининг банк мутахассисларини тайёрлайдиган коллежлари ўқувчилари ҳам амалиёт машғулотларини ўташлари режалаштирилган.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА

Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

САВОЛ: 1.Ўзбекистонда яшаб, Киргиз—Ўзбек дўстлик университетини тамомлаганлар Ўзбекистонда ишлай олишадими? 2. Ўқишни Ўзбекистонга кўчириш мумкинми?

Ф.УСМОНОВА,
Андижон вилояти Улуғнор туманидаги 17-ўрта мактаб ўқитувчиси

ЖАВОБ: 1. Хориж давлатлари олий ўқув юртларида ўқиб қайтган мутахассислар ишлари Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-қарори билан тасдиқланган «Хорижий давлатларда таълим олганлиги ҳақидаги ҳужжатларни тан олиш ва эквивалентликни қайд этиш» (нострификациялаш) Низоми билан тартибга солинади. Шу Низом асосида давлат Тест маркази таркибидаги кадрлар тайёрлаш, сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасининг нострификация бўлими бу масала билан шуғулланади. Хорижий давлатлар ўқув юртини битирганлик ҳақида берилган дипломларни нострификациялаш (қайд этиш) учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак бўлади: ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат(диплом)нинг асли ва нусхаси, диплом иловасининг асли (ўтилган фанларнинг соати кўрсатилган бўлиши шарт) ва нусхаси, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат ва унинг иловасининг Ўзбекистон давлат тилига нотариал тасдиқланган таржимаси, давлат тест маркази ҳисоб рақамига 15664 сўм ўтказилганлик ҳақидаги чипта, иш жойидан маълумотнома, паспортнинг нусхаси.

Берилган ариза йўналишлар бўйича эксперт комиссияси томонидан бир ой муддат ичида кўриб чиқилиб, тест имтиҳонлари қаерда ўтилиши ҳақида маълумот берилади. Тест имтиҳонларидан ўтгач, сиз ишлаш ҳуқуқига эга бўласиз.

2. Талабалар(ўқувчилар) ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш идоравий тасарруфликдан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси қошидаги талабалар ўқишини кўчириш ва тиклаш идоралараро комиссияси қарори билан амалга оширилади:

— талабалар(ўқувчилар) ўқишини бошқа давлатлар таълим муассасаларидан республика таълим муассасаларига кўчириш ёки қайта тиклаш;

— бир таълим муассасаси доирасида талаба(ўқувчи) ўқишини турдош бўлмаган таълим йўналишига кўчириш ёки қайта тиклаш;

— талаба(ўқувчи) ўқишини идоравий тасарруфликдан қатъий назар бир таълим муассасасидан бошқа таълим муассасасига мувофиқ турдош ва турдош бўлмаган таълим йўналишига кўчириш ва қайта тиклаш.

Й.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

Archa o'yinchoqlari ham mehnat darslarida tayyorlatilsa, o'quvchilar o'z mehnati "hosil"ini ko'm-ko'k yashnab turgan archada ko'rsalar qanday yaxshi. Fonogrammadan foydalanilmay, jonli ovozda qo'shiq aytgan o'quvchilar rag'batlantirilsa, "Eng yaxshi qo'shiq ijrochisi", "Eng jozibali raqqosa" kabi nishonlar Qorbobo tomonidan topshirilsa, ayni muddao bo'lardi.

O'quvchilarning fikrlari, yangiliklari, qarashlari va, nihoyat, ularning orzulari asosida ajoyib bayram senariysini tayyorlash mumkin.

МУАЛЛИМ МЕҲНАТИ МАҲСУЛДОР БЎЛСИН!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Лекин дарсларни кузатиш жараёнида шу нарса ҳам кўзга ташландики, айрим пайтларда ўқитувчлар вақтни тўғри сарфлаб билишмадими, ҳар ҳолда ўқувчиларга уй вазифаларини танаффусга қўнғироқ чалингандан кейин берган бўлишса, баъзида тажриба етарли бўлмагани боисми машғулот жараёнида ўқувчилар фаоллиги кам кузатилди. Балки бунга дарснинг ҳаяжон билан, қолаверса, нотаниш синф ва ўқувчилар қуршовида ўтилгани сабаб бўлгандир. Нима бўлганда ҳам "Йил ўқитувчиси — 2003" кўрик-танлови иштирокчилари ўз маҳоратларини очиқ дарслар-

«Маърифат»чилар меҳрини қозонган ўқитувчи — қорақалпоғистонлик ўқитувчи Ойша Сапарбоева газетанинг қимматбаҳо совғаси (Ўзбекистон Миллий энциклопедиясининг 5 томлиги)га эга бўлди.

да намойиш эта олишди.

13 декабрь куни республика Таълим марказида кўрик-танлов қатнашчиларининг касбий ва бадиий маҳоратларининг саҳнадаги намойиши кузатилиб, баҳоланди. Муаллимларнинг касбий маҳоратини аниқлаш учун ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳар бир иштирокчига дарс жараёнида юзага келиши мумкин бўлган педагогик-психологик вазиятлар битилган саволларни тақдим этишди. Барча муаллим турли саволдаги турли вазиятни турлича талқин қилишиб, жавоб беришди ва турли баҳоларни қўлга киритишди. Энг сўнгги шарт—қатнашчиларнинг бадиий маҳорати, яъни дарс машғулотларидан бўшаган маҳалдаги вақтини қай тарзда ўтказиши ва нималарга бағишлаши хусусида бўлди. Мазкур шарт бўйича кимдир ўзининг қўшиқ айтиш маҳоратини кўрсатган бўлса, яна кимдир рақс санъатини намойиш этди. Бошқаси ўз ижодидан намуналар айтган бўлса, яна кимдир қай даражада нотиқликдан бохабар эканини кўрсатишга интилди. Айниқса, ўзга тилда айтилган "Ёр-ёр" ва "Алла" қўшиғи ҳамда тикувчилик, пазандалик маҳсулотларининг намойиш этилиши ҳакамлар ҳайъати аъзолари ва томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Ниҳоят, "Йил ўқитувчиси—2003" республика кўрик-танловининг якунловчи босқичи сўнгги шарти ҳам ниҳоялангач, ҳакамлар ҳайъати аъзолари барча шартлардан олинган балларни умумлаштириб, ўтаётган йилнинг энг яхши ўқитувчиси номини эълон қилишди. Умумий натижага кўра, Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 17-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Гулнора Зайнутдинова "Йил ўқитувчиси—2003" республика кўрик-танловининг 1-даражали диплом соҳибаси деб топилди ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди. 2-даражали диплом эса, Навоий, Қашқадарё, Бухоро вилоятидан келган муаллимларга насиб этди. Самарқанд, Андижон, Наманган, Фарғона, Хоразм ва сурхондарёлик ўқитувчилар 3-даражали дипломга сазовор бўлишди. Бошқа муаллимлар ҳам барча шартлар бўйича ўз маҳоратларини намойиш этгани боис уларга эсдалик совғалари топширилди. Энг муҳими, барча қатнашчиларга Халқ таълими вазирлиги томонидан "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони топширилди. Ушбу нишонлар билан муаллимларни қутлар экан, халқ таълими вазирининг ўринбосари Усмонали Мусаев шундай деди:

— Ҳар қандай астойдил қилинган меҳнат, албатта, ўз самарасини беради. Уч кун давом этган танловда иштирок этган ўқитувчилар бунгача ҳам меҳнати маҳсули — шогирдлар камолини кўрган ва кўрмоқда деб ўйлайман. Аммо яна бир жиҳатга эътибор бериш лозим — ушбу танловда қатнашган ҳар бир ўқитувчи бугун меҳнатининг яна бир маҳсулини кўрди. Бу барчангизга муборак бўлсин, дейман. Бундай зафарларингиз давомий бўлсин.

Сўнгра танлов иштирокчиларига таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳамда "Ma'rifat" газетаси таҳририятининг эсдалик совғалари топширилди.

Танлов якунлангач, ғолиблар, иштирокчилар, уларнинг ўқувчиларидан таассуротларини ўртоқлашишини сўрадик.

— Бугун ҳаётимдаги энг бахтли кунларимдан бири. Чунки севган касбимнинг самарасини кўриб турибман, — дейди 1-даражали диплом соҳибаси Г.Зайнутдинова.

— Ўқитувчимизнинг ютуғи бизни роса қувонтирди, — дейишди унинг ўқувчилари Комила Ҳамидова ҳамда Бобур Мирахмедов. — Энди муаллимамиз бизга янада меҳр билан сабоқ беради ва биз ҳам янада меҳр билан ўқишни давом эттирамиз.

2-даражали дипломни қўлга киритган бухоролик Дилафрўз Абдуллаеванинг ҳам қувончи чексиз.

— Рости, бу ўринни олишимни кутмовдим, — дейди у. — Ҳакамлар бу ҳақда билдиришгач, шунча меҳнатим зое кетмаганини англадим. Барчага раҳмат.

— Зиёли оиласида туғилганман ва бу касбни давом эттираётганимдан мамнунман, — дейди "Йил ўқитувчиси — 2003" танловининг энг ёш иштирокчиси, 3-даражали диплом соҳибаси Фарида Хўжаева. — Бугунги ютуқни эса энг катта зафар сифатида қабул қилдим.

Танлов якунланди. Лекин ўқитувчилар ўтадиган дарслар ҳали давом этади. Чунки ҳаётнинг ўзи синовки, муаллимлар ундан ҳам сабоқ олишади, ҳам сабоқ беришади. Бу узлуксиз жараёндир.

Шерали МАҲМАРАЙИМ ўғли,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

Суратларда танлов жараёнидан лавҳалар акс этган.

Бурҳон РИЗО олган суратлар.

Ta'kid

— Қорбобони яхши кўрасизми?

— Албатта, — дейди болажонлар. Ахир, Янги йилда Қорбобо ва Қорқиз бўлмаса файзсиз бўлиб қолади-ку?! Қанийди, Қорбобо бой бўлса, ҳаммага совға улашса... Янги йил кечасида Қорбобо қўнғироғимизни чалиб, уйимизга кириб келса...

Дарвоқе, бу ҳар бир боланинг орзусига айланиб бўлган. Тўғрироғи, бу орзуни ота-оналар фарзандларига сингдиришган. Ҳозирги кун боласини алдаш қийин, улар Қорбобо совғаси ҳам, ташрифи ҳам «беминнат» эмас, маблағли эканини яхши билишади. Бу яхшими, ёмонми, билмадик-у, аммо Қорбобо, Қорқиз кийимлари ижарага берилишини билганлари яхши эмас, назаримизда.

Маълумки, II чорак янги йил кириб келишига саноқли кунлар қолганда якунланади. Демак, ўқувчилар бу вақтда дарсларга жиддий тайёргарлик кўриб, тўплай олмаган балларни йиғиш учун ҳаракат қилишлари, юқори синф ўқувчилари эса назорат диктанти ва текширув иншоларидан яхши баҳо олиш учун қўшимча манбаларни ўқишлари керак.

Мактабларда ҳозирги кунда аҳвол қандай? Ўйлаймизки, юқоридаги тайёргарликни кам кўрамиз. Сабаби, ўқувчилар Янги йил карнавалини ўтказиш учун жиддий ҳозирлик кўрмоқдалар. Дарслик, дафтар,

ЭНГ ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛСА...

ручка учун баъзан топилмайдиган маблағ костюм ва маскалар учун осон топилади. Ўқувчилар Қорбобо, Қорқиз кийимларини топиш учун оворайи сарсон. Гоҳ театр, гоҳ маданият саройлари қошида кийим ижарасидан чарчамайдилар. Айримлари овоз кучайтиргич, минидискет изласа, айримлари бирор эстрада хонандаси ёки унинг альбомини топиш билан машғул.

Байрам ўтказиладиган залларни деворий газеталар билан жиҳозлаш, турли танловлар уюштириш каби фойдали анъаналар қаторига бефойда бир дахмаза қўшилаяптики, бунга ҳайрон қоласиз. «Ўзбегим шарлари»нинг турли рангдаги шарлари билан зални безатиш шартми? Унинг ўрнига ўқувчилар Қорбобо кийимини ижарага олиш, зални безатиш учун маблағ сарфламай, ўзлари Қорбобо, Қорқиз бўлсалар, айни муддао бўларди. Улар орасида санъатга қизиқувчилар ҳам кўплаб топилади. Тўғарак раҳбарлари ва устозлари бошчилигида саҳналаштирилган томошалар уюштириб, Янги йил байрамини кўнгилдагидек ўтказишлари мумкин. Арча ўйинчоқлари ҳам меҳнат дарсларида тайёрлатилса, ўқувчилар ўз меҳнати-«ҳосил»ини кўм-кўк яшнаб турган арчада кўрсалар, қандай яхши. Фонограммадан фойдаланилмай, жонли овозда қўшиқ айтган ўқувчилар рағбатлантирилса, «Энг яхши қўшиқ ижрочиси», «Энг жозибали раққоса» каби нишонлар Қорбобо томонидан топширилса, айни муддао бўларди. Ўйлаймизки, устоз ва ўқувчилар ҳамкорлигида уюштириладиган бундай тадбирлар ортиқча маблағ талаб этмайди.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи

ЯНГИ ЙИЛНИ ҚАНДАЙ ҚАРШИЛАЙМИЗ?

Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг қишки таътилини ўтказиш бўйича методик тавсия

Поёнига етаётган 2003 йил ўзининг кўп қирралиги ва сермазмунлиги билан ўтмишга кузатилмоқда. Ҳадемай йилнинг сўнгги кунларида умумтаълим мактаб ўқувчиларининг энг севимли ва мароқли қишки таътили эълон қилинади.

Ўтиб кетаётган 2003 йилни сарҳисоб қиладиган бўлсак, унда мамлакатимизда ҳамда кундалик ҳаётимизнинг барча жабҳаларида сезиларли ўзгаришлар юз берди. «Обод маҳалла йили» муносабати билан ўқувчилар ўз маҳаллалари ҳақида кўпгина маълумотларни билиб олдилар. Маҳаллалараро ўтказилган қатор тадбирларда фаол қатнашдилар. Айниқса, спорт йўналишларида ўтказилган мусобақалар болаларни янада бир-бирлари билан яқинлаштирди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллиги нишонланган тантанали тадбирда Юртбошимиз томонидан 2004 йил «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинди.

Халқимиз қадим-қадимдан кексаларга, ногиронларга, етим-есир, бева-бечораларга меҳр-мурувват кўрсатган. Уларга ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ёрдам бериб келган. Айниқса, мактаб ўқувчилари, жумладан, ўлкашунослик тўгарагининг аъзолари мактаб ҳудуди атрофидаги ёлғиз оилаларга, ногиронларга, Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилишда ҳалок бўлган зобитларимизнинг оилаларига яқиндан ёрдам бериб келишмоқда. Ўйлаймизки, 2004 йилнинг дастлабки кунлариданоқ ўқувчилар ёрдамга муҳтож оилалар ва ногиронларга ўз ёрдамларини аямайдилар.

Tavsiya

Маълумки, мактаб ўқитувчилари, ота-оналар ўқувчиларнинг қишки таътилларини ҳам мазмунли ўтказишга ҳаракат қиладилар. Шу ўринда умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг таътилга кузатилишидан олдин ўтказиладиган тадбирларда нималарга эътибор бермоқ лозим бўлиши мактаб маъмурияти олдида турган муҳим масалалардандир. Зеро, айни тадбирлар ўқувчиларнинг таътил давомидаги, қолаверса, таътилдан сўнгги кайфиятларини белгилайди.

Байрам кечаси ўтказилаётган жойни жиҳозлаш учун дастлаб мактаб ўқувчилари ўртасида деворий газеталар, апплекациядан ясалган ўйинчоқлар, энг яхши балмаскарад ниқобларидан тайёрланган кўргазмаларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Саҳна кўринишлари танловида совринли ўринларни олган энг яхши чиқишларни ҳам намойиш қилиш ёмон натижа бермайди.

Таътилнинг ҳар бир кунини мазмунли ўтказиш учун мактабнинг маънавий ва маърифий ишлар бўлими ҳамда илм маскани етакчиси томонидан ҳар томонлама келишилган пухта режа ва чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозим. Режаларни амалга ошириш учун синф раҳбарлари, жисмоний тарбия ўқитувчилари, ЧЁТ раҳбарлари, мусиқа тўгараги, қўғирчоқ театри тўгараги раҳбарлари яқиндан ёрдам берадилар.

Байрам тартиботини қизиқарли тайёрлаш мақсадида ўқувчилар билан анкета саволларини ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Унда ўқувчиларга: «Сиз бу йилги янги йил кечасини қандай ўтишини истар эдингиз?» рукни остида қуйидаги саволлар берилади.

— Қандай тадбирларни ўтказсак, кечамиз мазмунли ўтарди?

— Кечамиз қатнашчилари тадбирга турли хил эртак ва фантастик қаҳрамонлар либоси ва ниқобда келишига нима дейсиз?

— Байрамни Қорбобо ва Қорқизларсиз ўтказиш мумкинми?

— Ўқувчилар ўртасида «Қувноқ лотерея» ўйинлари ўтказиш ҳақидаги фикрингиз?

— Тадбирдан сиз нималарни кутаяпсиз? — мазмунидаги ўқувчилар фикр-мулоҳазаларини билишга доир саволларнинг берилиши мақсадга мувофиқдир. Уларнинг фикрлари асосида тадбир тузилса, кеча сиз ўйлагандан ҳам муваффақиятли ўтади.

Ўқувчиларнинг фикрлари, янгиликлари, қарашлари ва, ниҳоят, уларнинг орзулари асосида ажойиб байрам сценарийсини тайёрлаш мумкин. Ҳозирги аксарият ёшларимизнинг дунёқарашлари кенг, чуқур мушоҳада юритадиган, зукко, фикрлаш доираси кенгдир.

Бошланғич ва ўрта синфлар учун эса, ажойиб эртаклар мамлакатига саёҳатга ундовчи саҳна кўринишлари асосида шеър ва қўшиқлар, расмлар, ўйинчоқлар, эртак қаҳрамонларининг ниқоблари кўргазмаси уйғунлигида қатор тадбирларни ўтказиш ҳамда мактабларо спорт мусобақаларини ташкил этиш фойдадан холи бўлмайди.

Юқоридаги номи зикр этилган ва шунга ўхшаш тадбирларни ўтказиш ҳақида РТМнинг «Маънавий ва маърифий ишлар» бўлими томонидан бир неча методик тавсиялар «Маърифат» газетасида чоп этилган. Чунончи, янги иш бошлаган директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамда етакчилар учун «Маърифат» газетасининг 2001 йил 26 декабрдаги 102-сони, 2002 йил 11 декабрдаги 98-сонли ҳамда республика Таълим маркази томонидан 2003 йилда чоп этилган «Хотира уйғонса, гўзалдир» номли рисоласидаги мазкур тадбирга оид тавсия, йўриқнома ва байрам сценарийларидан фойдаланишни тавсия этамиз.

Ф.ХОЛМИРЗАЕВА,
РТМ «Маънавий ва маърифий ишлар» бўлими бош методисти

ИМКОНИЯТ + ИСТЕЪДОД + РАҒБАТ = САМАРА

Мамлакатимиз келажагини бугунги ёш авлод бунёд этади ва мустаҳкамлайди десак, муболаға бўлмайди. Айниқса, ёрқин келажак сари одимлаётган юртимиз учун сўнгги йиллар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Негаки, ҳозирда қўйилаётган тамал тоши Ватанимиз имораттининг мустаҳкамлигини таъминлайди. Айнан шу тикланиш жараёнининг бошланғич омилларидан бири бўлган умумтаълим муассасаларида ҳам ислоҳотлар жадал тарзда олиб борилмоқда. Бунинг ёрқин мисолини Шаҳрисабз туманидаги Мирзо Бедил номидаги 100-мактаб фаолиятида кўриш мумкин.

Мажмуа жамоасининг ташаббускорлиги, ижодкорлиги ўқув тарбия ишларини бугунги кун талаблари асосида ташкил этаётгани, ёш авлод таълим-тарбияси йўлида изланишлари ва қўлга киритаётган ютуқларида кўринаётир. Чунки мактаб-мажмуада соғлом муҳит, ҳамжиҳатлик, ўз касбининг усталари кўплиги, таълим-тарбия сифатига алоҳида эътибор билан қараш мавжуд.

Мактаб мажмуада икки сменада таълим-тарбия олувчи 2598 нафар ўғил-қизга 156 нафар педагог кадр (шундан 124 нафари олий маълумотли, 22 нафари олий тоифали, 26 нафари 1-тоифали ўқитувчилар) сабоқ бериб келмоқда. Уларнинг орасида бир нафар 1-даражали "Соғлом авлод учун" ордени ва бир неча "Шуҳрат" медали совриндорлари мавжудлиги мактаб илмий салоҳиятининг юқори эканини англатади.

Мактаб йиғилишлари ва мактаб-мажмуа педагогик кенгашларида аввалдан режалаштирилган долзарб масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, чора-тадбирлар белгиланиб борилиши ҳам ютуқлар омили бўлмоқда. Жумладан, йиғилишларда "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури масалалари муҳокама қилиниб, ишлаб чиқилган тадбирлар изчил рўёбга чиқарилаяпти. Шу боис 1997 йилда мактаб қошида 4-ихтисослашган мактаб-интернат ташкил этилган эди. Бу илм маскани 320 ўринли бўлиб, ҳозирда Республиканинг турли вилоятлари ва вилоятнинг турли туманларидан келган 275 нафар иқтидорли ўқувчи-ёшлар таълим-тарбия олишмоқда. "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда Миллий дастурни рўёбга чиқариш борасида махсус ижодий гуруҳ тузилган бўлиб, беш йилдан буён самарали фаолият кўрсатмоқдаки, тинимсиз изланишлар, самарали фаолият натижасида мактаб-мажмуа жамоаси туман халқ таълими бўлими мониторингида доимий равишда 1-ўринни эгаллаб келмоқда.

Илм масканида ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда асосан чет тилларни мукаммал ўргатишга алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг самараси ўлароқ, мактаб-мажмуани аъло баҳоларда битирган собиқ ўқувчиларнинг бир гуруҳи олий ўқув юртларини муваффақиятли тугатиб, ҳозирги кунда халқ хўжалигининг турли тармоқларида фаолият кўрсатмоқдалар. Баъзи собиқ ўқувчилар эса АҚШ ва Европа давлатларида таҳсил олган ва ўқишаяпти.

Мактаб-мажмуа фаолиятини равнақ топтиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар ҳам ўз самарасини бермоқда. 1997 йилда мактаб-мажмуанинг республика "ТАСИС" лойиҳасини тузиш аъзолигига қабул қилиниши жамоани янада руҳлантирди ва унга муваффақиятли қатнашиш учун замин яратди. Натижада илм маскани халқаро интернет тармоғига уланди ва у орқали жаҳоннинг кўпгина ўқув юртлари тажрибалари, халқаро олимпиада саволлари, жаҳон сиёсий ҳаётига оид маълумотлар олиб, таълим-тарбия тизимига татбиқ этиш имкони туғилди. Энг қувончлиси, мактаб-мажмуа жамоаси жорий йил август ойида АҚШнинг таълим ва маданият ишлари бўйича давлат департаментига қарашли IREX компанияси томонидан ўтказилган танловда иштирок этиб, финал босқичига йўлланма олишди.

Maktablar hayotidan

Болага бериладиган сабоқларнинг бир қаноти таълим бўлса, бир қаноти тарбиядир. Инсон ҳаётида таълимдан ҳам тарбия устувороқ туради. Тарбия кўрмаган одамга таълим бериш ҳам ўта мушкул вазифадир. Шу жиҳатдан қараганда мактаб-мажмуа жамоаси ҳам ана шу мақсадда изчил изланиш олиб бормоқда. Аввалам-бор, илм масканида ўқувчи ёшларни ҳар томонлама етук, баркамол этиб тарбиялаш учун дарсдан ташқари қўшимча машғулотлар, тўғарак ва гуруҳ марказлари ишини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Энг эътиборлиси шундаки, ўқувчи-ёшлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш, иқтидорли ўқувчиларни танлаш, улар билан алоҳида иш олиб бориш мақсадида "Кичик академия", "Заковат" клуби, "Олимпиада заҳиралари маркази", "Тил маркази", "Сиз ҳуқуқингизни биласизми?" интеллектуал ўйини гуруҳлари ташкил этилиб, улар ўртасида турли тадбирлар уюштириб борилаяпти.

Бундан ташқари, жамоада илмий кенгаш фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, ижодкор ўқитувчиларнинг янги қирраларини очиб беришга имкон яратилмоқда. Умуман, жамоада ижодкор ўқитувчилар кўп, уларнинг ижод соҳалари ҳам хилма-хил: адабиёт, санъат, илмий-педагогик тадқиқот устида самарали изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада ўқувчиларни ҳам ижодкорликка ундаш ўз самарасини бераётир. Хусусан, мактаб-мажмуанинг ижодкор ўқувчиси Санжар Хусаинов "Дунё болалар нигоҳида" республика ёш рассомлар кўрик-танловида 1-ўринни эгаллаб, Беҳзод номидаги республика рассомчилик мактабига ўқишга қабул қилинди.

Шунингдек, "Ёш йўл назоратчилари" тўгараги аъзолари 2002 йил Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Яшил чироқ" мусобақасида қатнашиб совриндорликни қўлга киритишди. 2002 йил июнь ойида эса Хоразмда бўлиб ўтган "Йўл ҳаракати ёш назоратчилар Республика слёти"да совринли ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлишди.

Мактаб-мажмуада соғлом авлодни тарбиялаш йўлида ҳам кўпгина эзгу амалий ишларга қўл урилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Мажмуадаги "Умид ниҳоллари" мусобақаларига тайёргарлик бўйича амалга оширилаётган ишлар вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан намунали деб топилиб, жорий йилнинг август ойида Республика амалий анжумани ўтказилганлиги бунинг исботидир.

2-синф ўқувчиси Султонмурод Кенжаев каратэ бўйича республикада 2-ўринни эгаллаб, кумуш медаль соҳиби бўлган бўлса, 6-синф ўқувчиси Отабек Бойматов 2003 йил март ойида АҚШнинг Атланта шаҳрида каратэ бўйича бўлиб ўтган халқаро мусобақада иштирок этиб, кумуш медаль соҳиби бўлиб қайтиши барчани қувонтирди.

Мактаб-мажмуадаги фан кабинетлари ўқувчи-ёшлар учун фаннинг сеҳрли олами ҳисобланади. Уларнинг ҳар бирини кўздан кечираркансиз, ҳар бир фаннинг ўз кўрки, чиройи, маънавий жамоли борлигига ишонч ҳосил қиласиз. Барча фан ўқитувчилари кабинет системасининг афзалликларини тўла ҳис этиб, унинг ашёвий базасини йилдан-йилга мустаҳкамлаб борадилар. Ҳозирда мажмуада 52 та фан кабинети мавжуд. Бу ўқув хоналарида икки навбатда 92 та синф машғулот ўтади. Барча синфхона жиҳозларини аввалдан асрашга ўқувчилар кўникма ҳосил қилишган. Кейинги уч йил мобайнида мактаб маъмуриятининг бевосита раҳбарлигида билим масканининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш ишлари авж олдирилди. Натижада бир синф учун мўлжалланган "PENTIUM" компьютери ишлаб турибди. Бу компьютер интернет тармоғига ҳам уланган, шунингдек, 36 турдаги техника воситалари ўқитувчиларга дарс самарадорлигини оширишда қўл келмоқда.

Ўз ишини пухта билган, бозор иқтисоди муносабатларини тушуниб етган раҳбар (Шарафиддин Зайниддинов) билим масканининг ўз маблағи бўлиши йўлида ҳам тадбиркорлик билан иш юритмоқда. Ўтган уч йил давомида илм масканининг ўз тажриба майдони ҳамда қўшимча маблағ топиш ҳисобидан 7 млн.200 минг соф фойда олинди. Сармоядан ташқари маблағ ишлаб топиш таълим-тарбия жараёнида ижобий самара бермоқда. Бу борада биринчи навбатда илғор педагогик жамоа аъзоларини ўз вақтида рағбатлантириб бориш асосий ўрин тутади. Зеро, келажак бугундан бошланар экан, жамоа ана шу порлоқ келажак учун хизмат қилишга астойдил бел боғлаган...

Шерали НИШОНОВ

Sinab ko'ring

Бошланғич таълим Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишда муҳим босқич ҳисобланади ва унда она тилини ўқитиш асосий ўрин эгаллайди. Бинобарин, тил инсониятнинг маънавият, маданияти ибтидосидир. Кўнгилларнинг сурури, кўрар кўзларнинг нури, ўқув ва билимларнинг тилмочи, дил таржимони ҳам тил саналиши бежиз эмас. Ўқувчига маърифат туйғуларини жо этиш эса, азиз устозларнинг бош вазифаси. Маърифатнинг мўътабар даргоҳига кириб келишнинг ўзи муаллимдан жуда олис, машақатли сўқмоқларни босиб ўтишини тақозо этади. Муаллим ўз меҳнат фаолияти давомида тинимсиз изланиб, ўқувчиларга чуқур билим бериб боришга интилиши, ижодкорликка ўргата бориши ўқувчининг ўқитувчига бўлган меҳрини орттиради. Шу боис муаллимлар дарсларда ўқувчилар ижодий тафаккурини ўстириш учун ўзига хос йўналишларни танлаб, дарс ташкиллаштиришлари лозим.

Она тили дарсларида мақоллар, турли ҳикматли иборалар, адабиёт дарсларида эса, тез айтиш ва топишмоқларни топиш ҳамда таҳлил қилиш дарснинг кириш қисми сифатида олиб борилиши кўп жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Яъни бунда бир ўқувчи томонидан айтилган мақол бир неча ўқувчи томонидан фикрлар баёни асосида таҳлил этилади. "Устоз отангдай улуғ" мақолини изоҳлаш орқали ўқувчилар устозларга бўлган меҳр-муҳаббатларини баён этсалар, "Ватанни севмоқ иймондандир!" ҳадисини таҳлил этиш орқали инсонларнинг Ватанга бўлган чексиз садоқатлари изоҳланади.

Шу ўринда иймон, эътиқод сўзларининг асосий маънолари ҳақида ҳам фикр юритилади.

Ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятлари ва нутқларини ўстириш мақсадида 4-синф она тили дарслиги асосида "Бир зумда" ўйинини ҳам ташкил қилиш мумкин. Ўйлаймизки, эътиборингизга ҳавола этилаётган бу усул Сизнинг ҳам дарсни қизиқарли тарзда ташкиллаштиришингизга қўл келади. Бунда 5 нафар ўқувчи тартиб билан сўзга сўз қўшиб, гаплар ҳосил қилади.

1. Мен.
2. Мен келдим.
3. Мен мактабга келдим.
4. Мен мактабга Раъно билан келдим.
5. Мен мактабга дугонам Раъно билан келдим.

Бу тартиб бир неча бор давом эттирилиб, тўхтаб қолган ўқувчи ўйиндан четлаштирилади. Ўйин якунига етиб борган ўқувчи "Бир зумда топқир" номига эга бўлади.

Дарс олиб боришнинг "Газета дарс" усулидан фойдаланиш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Бунда дарс мавзуси газета саҳифалари каби тартибланади.

Дарс кўпроқ оғзаки сўзлашиш, суҳбат шаклида олиб борилади.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИ

1. Янгиликлар. 2. Мавзуларга муносабат. 3. Адабиёт. 4. Санъат. 5. Гўзаллик. 6. Мухбирлар саҳифаси. 7. "Келгуси сонда" саҳифаси.

Синф ўқувчилари уч гуруҳга бўлиниб, саҳифалар тартибида газеталарини безайдилар. Бу дарсда гуруҳлар кўпроқ маълумот бериш учун рақобатлашишади. Унда кўпроқ дарсликдан ташқари маълумотлар берган гуруҳ ғолиб саналади.

Ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини оширишда синфдан ташқари ишлар ва тўгарак ишларини йўлга қўйишнинг ҳам аҳамияти катта.

Муаллимлар "Ёш ижодкор", "Ёш қаламкаш" каби тўгаракларни ташкил этиб, унинг фаолиятини мунтазам равишда олиб боришлари лозим. Унда тўгаракка аъзо ўқувчилар ўзларининг ижодий изланишларини мустаҳкамлайдилар. Эртак, шеър ва кичик ҳикоялар машқ қиладилар. Бу, албатта, дарсларда ҳам қўл келади. Яъни ўқувчилар янги дарс мавзусини мустаҳкамлаш учун мавзу асосида шеър, ҳикоя ёки эртак жорий этишлари айтиб ўтилади ва ўқувчи ўз маҳоратини кўрсатади. Масалан, 4-синф ўқувчиси Ораста Аббосованинг қуйидаги шеърий топишмоғи ҳавола этилади.

«ДАРРОВ ТОПИНГ, БАЛЛ ОЛИНГ ҲАЛОЛ»

Дўстлар, сизга жумбоқли савол,
Дарров топинг,
балл олинг ҳалол.
Бир асар бор севиб ўқиймиз,
Қаҳрамони лоқайд, бемалол.
Қизиқувчи, доно, шўх бола,
Хом хаёли сизга ҳавола.
Шоирликни роса дўндирган,
Дўконлардан туроқ қидирган.

Бу болажонларнинг севимли ёзувчиси Х.Тўхтабоевнинг "Сариқ девни миниб" асари қаҳрамони Ҳошимжон эканлигини ўқувчилар дарров топадилар.

Дарс шу тарзда ташкиллаштирилса, ўқувчилар ҳар бир мавзу ўтилиши билан бирга ана шу мавзуга боғлаб шеър, ҳикоя ёки эртак тўқишга ҳаракат қиладилар.

Бу, албатта, ўқувчилар тафаккурини ошириш, уларнинг мустақил фикрлашга интилиши ва нутқий гўзаллигига эришишда муҳим омилдир.

Раъно МАМАТҚУЛОВА,
РТМ етакчи методисти

Turkiyalik mutaxassislar Onado'li sarhadlarida turk islom davlatining maydonga kelishida, umuman, bu o'lkaning musulmonlashuvida qalandarlarning xizmatlari katta bo'lgan, deydilar.

Yassaviy uchun ishq vosita emas, maqsaddir. Ya'ni so'fiy shoir, muridlarini to'g'ri yo'lga boshlovchi murshid ishq orqali hech narsaga erishmoqchi emas.

AHMAD YASSAVIY

(1166-yilda vafot etgan)

Ahmad Yassaviy hazratlari turk dunyosining eng mashhur shaxsiyatlaridandir. Farididdin Attor uni «Piri Turkistoniy» («Turkiston piri») deb atagan edi. Buyuk Navoiy «Shayxul mashoyix» («Shayxlar shayxi») deb nomlaydi. O'z yurtida esa «Hazrati sultonim» deydilar. Yassaviyning hayoti va faoliyati haqidagi ma'lumotlar juda oz. Borlari ham rivoyat va afsonalarga qorishib ketgan. Uning ustiga Yassaviy ijodi O'zbekistonda mustaqillikdan keyingina o'rganilmoqda. Bu borada birinchi manba, tabiiyki, uning «Devoni hikmat» asaridir. Shuningdek, Yassaviy xalifasi Sulaymon Boqirg'oniyning «Hakim ota kitobi», Navoiyning «Nasoyim ul-muhabbat», Fazlulloh Ro'zbehxonning «Mehmonnomai Buxoro», Xizr ibn Ilyosning «Manoqibi hoji Bektoshi valiy», Avliyo Chalabiyning «Sayohatnoma», Husomiddin Bulg'oriyning «Tavorixi Bulg'oriya», Haziniyning «Javohir ul-abror» kitoblarida ham oz-ko'p ma'lumotlar berilgan.

Yassaviy haqidagi ma'lumotlarni birinchi marta to'plab, jiddiy tadqiq qilgan turkiyalik olim Muhammad Fuod Ko'pruluzoda bo'lgan edi. U 1918-yilda «Turk adabiyotida ilk mutasavviflar» degan kitobini e'lon qildi. Abdurauf Fitrat 1927-yilda Yassaviy va uning ijodiy qiyofasi haqida maqola yozdi. 1972-yilda esa, prof. E. Rustamovning «Ahmad Yassaviy hikmatlarida tarix va hayot sadosi» maqolasi («O'zbek tili va adabiyoti» jurnali, 4-5-sonlar) chop etilgach, sho'ro idoralari tomonidan muallif boshiga turli savdolar tushdi. 1991-yildan keyingina uning hikmatlarini va u haqdagi tadqiqotlarni nashr etish keng yo'lga qo'yildi. Hozirda Yassaviy ijodi birgina O'zbekiston yoki Qozog'iston emas, jahon turkologlari tomonidan keng miqyosda o'rganilmoqda.

Ahmad Yassaviy hozirgi Qozog'iston respublikasining Chimkent viloyatiga qarashli Sayram shahrida tug'ilgan. Sayram (Saryom) O'rta Osiyoning qadim shaharlaridan. Bir vaqtlar «Isfijob», «Madinat ul-bayzo» (Oq shahar) nomlari bilan mashhur bo'lgan. Tarixi miloddan oldingi zamonlarga borib taqaladi. Alisher Navoiy Ahmad Yassaviyning tug'ilgan yerini Yassi deb ko'rsatadi. Yassi bugungi Turkiston shahrining otidir. Uning Yassaviy taxallus nisbasi, ayrim she'rlarida bunga ishoralar borligi, ehtimol Navoiyni shunday fikrga kelishga undagan bo'lsa. Lekin Yassaviy hayoti va ijodini qiyoslab o'rgangan mutaxassislar uning Sayramda tug'ilgani haqiqatga yaqinroq, deb hisoblaydilar.

Tug'ilgan yili ham aniq emas. Manbalar uning Yusuf Hamadoniy qo'lida o'qiganligini tasdiqlaydi. Shunga qaraganda, Ahmad Yassaviy XI asrning ikkinchi yarmida tug'ilgan. Chunki Yusuf Hamadoniyning tavallud sanasi 1048-yildir.

Ahmad Yassaviyning otasi Ibrohim bo'lib, shayxlik martabasida edi. Uning hazrati Ali avlodlaridan bo'lganligini naql qiladilar. Onasi Oysha shayx Ibrohimning shogirdlaridan bo'lgan Musa shayxning qizidir. Ahmad oilada ikkinchi farzand bo'lgan. Opasining oti Javhari Shahnozdir. Juda yoshlik paytlarida ota-onasi vafot etib, yetim qoladi. Opasi bilan birgalikda Yassiga keladi. Arslonbob degan shayx qo'lida tarbiya topadi. Yosh Ahmadning Arslonbob bilan uchrashuvi voqeasi rivoyatlarga ko'milgan. Ularga ko'ra, Arslonbob payg'ambarimiz sahoblaridan[2] bo'lib, to'rt yuz yil yashagan. U Muhammad payg'ambarimizning Yassaviyga atab bergan va yuz yillar tishining kovagida asrab kelgan omonatlari — bir dona xurmoni yetti yashar Ahmadga topshirib, bolaning tarbiyasini o'z zimmasiga olgan.

Ma'lumotlarga ko'ra, Ahmad Yassaviy Arslonbob vafotidan keyin, taxminan 1110-yillardan boshlab, Buxoroda o'qiydi. Mashhur Yusuf Hamadoniydan tahsil oladi. Uning xalifasi (yordamchisi), izdoshi darajasiga ko'tariladi. Tarixga ko'ra, Yusuf Hamadoniy vafotidan keyin uning o'rniga birinchi xalifa shayx Abdulloh Barqiy ko'tariladi. U vafot etgach, ikkinchi xalifa shayx Hasan Andoqiy, uning o'limi (1160-yil) dan so'ng esa, uchinchi xalifa Ahmad Yassaviy irshod (rahbar)lik mavqeini egallaydi. So'ng bir «Ishorati g'aybiya» (ilohiy ishorat) bilan o'z o'rnini to'rtinchi xalifa Abduxoliq G'ijduvoniyga topshirib, Yassiga qaytadi va vafotiga qadar u yerda irshodlik maqomida bo'ladi. Ahmad Yassaviyning pirlik maqomi shu darajada yuqori ediki, xalq orasida: «Madinada Muhammad, Turkistonda Xoja Ahmad», degan naql paydo bo'ladi.

Ahmad Yassaviyning necha yil umr ko'rgani haqida turlicha fikrlar bor. Ba'zilar 63 yoshda vafot etgan desalar, ayrimlar bu sanani 73, yana birlari 85 deb ko'rsatadilar. Ko'pruluzoda 120, rus turkologi V. A. Gordlevskiy 125 deb belgilaydilar. Bunday xulosa chiqarishga uning hikmatlari ham ma'lum darajada asos beradi. Masalan, bir hikmatida shunday satrlar bor:

Eranlardan fayzu futuh ololmadim,
Yuz yigirma yoshga kirdim, bilolmadim,
Haq taolo toatlarin qilolmadim,
Eshtib, o'qub yerga kirdi Qul Xoja Ahmad.

Har holda buyuk so'fiyning 1166-yilda Yassida vafot etgani aniq, tug'ilgan yilini esa, aniqlash kerak. Qabri Yassi – Turkistonda. 1396-1397-yillarda Amir Temur uning qabrini ziyorat etib, ustiga maqbara qurdiradi. Maqbara hozir ham ulkan ziyoratgohdir.

Ahmad Yassaviy bir o'g'il, ikki qiz ko'rgani ma'lum. O'g'lining oti Ibrohim bo'lib, yoshlik paytlarida vafot etgan. Qizlari - Gavhari Shahnoz va Gavhari Xushnoz. Xoja Ahmad Yassaviyning hozirgacha yashayotgan avlodlari Gavhari Shahnoz nomli qizidan tarqalgan.

Yassaviy nomi turk dunyosida ikki jihatdan shuhrat topgan:

1. Pir, karomatlar ko'rsatgan avliyo.
2. Shoir, hikmatlar muallifi.

Alisher Navoiy u haqda shunday yozadi: «Xoja Ahmad Yassaviy Turkiston mulkining shayxul mashoyixidir. Maqomoti oliy va mashhur, karomoti matavoli (hayratlanarli) va nomahsur (chegarasiz) ermish. Muridu ashobi (do'st, suhbatdoshi) g'oyatsiz va shohu gadoning irodat va ixlosi ostonida nihoyatsiz ermish. Imom Yusuf Hamadoniyning ashobidindur... Va aning mazori Turkistonda, Yassi degan yerdaki, aning mavlid va manshaidur, voqe' bo'lubdur va Turkiston ahlining qiblai duosidur».

Rivoyatlarda uning dunyoning turli tomonlariga yoyilib ketgan to'qson to'qqiz ming muridi, o'n ikki ming yon-atrofida yuruvchi suhbatdosh do'stlari va ko'plab xalifalari bo'lgani naql qilinadi. Birinchi xalifasi Arslonbobning o'g'li Mansur ota, u o'lgach (1197), o'g'li Abdulmalik, so'ng uning o'g'li Tojxo'ja, Tojxo'janing o'g'li Zangi ota vaqti bilan irshodlik qilishgan. Xorazmlik Said ota (1218-19-yilda vafot etgan) uning ikkinchi xalifasi, Hakim ota (Sulaymon Boqirg'oniy) esa, uchinchi xalifasi edi.

Yassaviyning karomatlari haqida ko'plab rivoyatlar yuradi. Ularning birida Xizr bilan ko'p martaba suhbatdosh bo'lgani naql qilinadi. Xizr unga «har kun yetti iqlimni kezaman va har iqlimdan bir suhbatdosh izlayman. Lekin shu paytgacha, senday qobiliyatli va asl suhbatdoshga duch kelmadim», degan ekan. Bir kuni «shayx ul-mashoyix»ni juma namozida uchratmagan muxoliflari uning ustidan har xil ig'volar to'qib, yurt podshohiga chaqadilar. Podshoh taftish buyuradi. Tekshirib ko'rsalar, Ahmad Yassaviy ba'zan juma namozini Makkaga borib, o'qib kelar ekan... Bu xil rivoyatlar ko'p. Sohibqiron Temurning unga alohida muhabbat qo'yganligi bejiz emas. Uning farmoni bilan hazrat qabri ustiga gumbazining balandligi 30, aylanasi 40 gazlik ulkan maqbara qurildi. Unga vaqf yer ajratilib, daxlsiz deb e'lon qilindi. Jahongirning 1402-yilning boshida mashhur Rum safari oldidan Turkiston shayxlaridan tumor yozdirib ketgani tarixiy asarlarda naql qilinadi. «Voqeoti Temur» degan kitobda keltirilishicha, Anqara jangida buyuk jahongir piri murshidning:

Yaldo kechani sham'i shabiston etgon,
Bir lahzada olamni guliston etgon,
Bir mushkul ishim tushubdur, oson etgil,
Ey, barchani mushkulni oson etgon

satrlarini yetmish marta yod o'qiganligini aytgan ekan.

Buyuk mutasavvif. Ahmad Yassaviy turkiy xalqlar ichidan yetishib chiqqan birinchi so'fiydir, tasavvufning buyuk vakilidir. «Yassaviya» tariqatining asoschisidir. Tasavvuf esa, Sharq olamining keng tarqalgan falsafasidir. Tasavvufning asosida Allohni anglamoq yotadi. Alloh haqdir, haqiqatdir. Uni oddiy odamning jo'n aqli bilan anglash mumkin emas. Buning uchun ustoz, pir kerak. Chunki bu dunyoda o'z holingcha to'g'ri yo'lni topish g'oyat qiyin. Bu boradagi birdan-bir to'g'ri yo'l tariqatdir. Tariqat deganining o'zi ham «yo'l», «usul» degan ma'nolarni bildiradi. «Devoni hikmat»da o'qiymiz:

Tariqatga siyosatlig' murshid kerak,
Ul murshidga e'tiqodlig' murid kerak,
Xizmat qilib pir rizosin topmoq kerak,
Mundog' oshiq haqdin ulush olur ermish.

Tariqat shariatning davomidir. Yassaviy aytmoqchi, shariat imonning po'sti bo'lsa, tariqat uning mag'zidir. Shariat uning zohiri bo'lsa, tariqat botinidir. Birini ikkinchisisiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Shariat islomda rioya qilinishi lozim bo'lgan diniy qoidalar yig'indisidir. Tariqat shularni anglamoq yo'lidir.

Ahmad Yassaviy turkiy xalqlar orasidan chiqqan birinchi mutasavvifgina emas, yangi bir tariqatning asoschisi hamdir. Bu tariqat uning nomi bilan «Yassaviya» deb ataladi. Tariqat o'zining qoidalariga ega:

1. Murid o'z pirini barchadan afzal bilmog'i va unga o'z ixtiyorini to'la topshirmog'i lozim.
2. Murid o'z pirining barcha ramz va ishoralarini mukammal anglay olishi kerak.
3. Murid o'z pirining barcha so'zlari hamda ishlariga sodiq va fidoyi bo'lishi lozim.
4. Murid o'z pirining barcha topshiriqlarini chaqqon, sidqidil bajarib, uni hamisha rozi qilib yurmog'i shart. Chunki Alloh rizosi unga bog'liqdir.
5. Murid o'z so'ziga sodiq, va'dasida mustahkam bo'lib, piriga nisbatan ko'nglida biror shubhaga yo'l qo'ymasligi kerak.
6. Murid Alloh yo'lida butun molu mulkini, o'z piriga nisor etmoq uchun doimo tayyor turmog'i lozim.
7. Murid o'z pirining barcha sir-asrorini bilgani holda uni boshqalarga bildirishni xayoliga ham keltirmasligi, do'stiga do'st, dushmaniga dushman bo'lib yashamog'i shart.
8. Murid o'z pirining mushkulotlarini oson qilmog'i, pandu nasihatlarini bajo keltirmog'i lozim.

Pir (shayx) ham o'z navbatida shunga munosib bo'lishi kerak. «Piri Turkistoniy»ning «Faqrnoma» asarida bu borada shunday fikrlarga duch kelamiz: «Shayx uldurkim, niyoz (tortiq) olsa, mustahiq (muhtoj)larg'a, g'arib bechorag'a bergaylar. Agar olib, o'zi esa, murdor (harom) et yemishdek bo'lg'ay. Agar to'n qilib kiysa, ul to'n to'zg'uncha Haq taolo namoz, ro'zasini qabul qilmag'ay va agar olg'an niyozidin non qilib yesa, Haq taolo oni do'zaxda turluk azobg'a giriftor qilg'ay. Va agar andog' shayxga har kishi e'tiqod qilsa, kofir bo'lg'ay. Andog' shayxlar mal'un turur. Oning fitnasi Dajjoldin badtar, shariatda, tariqatda, haqiqatda, ma'rifatda murtad (dindan qaytishlik) turur. Ey tolib, agar haqni talab qilib topay desang, andog' pirga qo'l bergilkim, shariatda orifi billoh (Ollohni tanuvchi) bo'lsa, tariqatda voqifi asror (sirlardan xabardor) bo'lsa, haqiqatda komilu mukammal bo'lsa, ma'rifatda daryoyi ummon bo'lsa, saodat bo'lg'ay. Agar murid shariat ilmini bilmasa, shariat ilmini anga o'rgatg'ay. Agar tariqatda holi voqe' bo'lsa, tariqat ilmi birlan yo'lg'a solg'ay va haqiqat siridin muridga yo'l ko'rsatgay. Ma'rifatda jazabai haq paydo qilg'ay».

Yassaviy mutasavvif - pir sifatida ilm-fanga alohida e'tibor qildi. Prof. E. Rustamovning ma'lumot berishicha, Yassaviy o'z masjidi tepasiga «Talabul ilm farizatun ala kulli muslimin va muslimatin» («Ilm talab qilish har bir musulmon erkak va ayol uchun farzdir») degan hadisni yozdirib qo'ygan ekan. Tarixchi olimlar bu mashhur hadisni XV asrda Mirzo Ulug'bek ham Buxoroda qurdirgan madrasasi peshtoqiga yozdirganligini xabar beradilar.

«Yassaviya» tariqatining ikkinchi nomi «Jahriya»dir. «Jahr» — oshkor qilmoq, baland ovoz bilan o'qimoq degani. «Devoni hikmat»da shunday satrlarga duch kelamiz:

Mani hikmatlarim ko'plarg'a ayting,
Duo takbir qilib, rahmatga boting.
Agar hikmat o'qusa, ayuhannos,
Erur farzand manga ul tolibi xos.

Muallif «duo-takbir»ga, «Hikmatlarni ayuhannos o'qish»ga e'tibor qaratadi. Boshqacha aytganda, darveshlikni, qalandarlikni Allohni tanishdagi asosiy vosita deb biladi. Turkiston tarixidagi darveshlik - qalandarlik tarixi Ahmad Yassaviy nomiga borib bog'lanadi. Ular islom g'oyalari bilan sug'orilgan hikmatlarni dunyoning to'rt tomoniga yoydilar. Turkiyalik mutaxassislar Onado'li sarhadlarida turk islom davlatining maydonga kelishida, umuman, bu o'lkaning musulmonlashuvida qalandarlarning xizmatlari katta bo'lgan, deydilar. Ayni paytda, ular xalqimizning keng qatlamlari orzu istaklarini ifoda etdilar. Xususan, mol-dunyo, davlatu saltanat, kibru havo va manmanlikni tark etib, faqirona umr o'tkazishga so'zda va amalda harakat qildilar. Zamonida u davrning eng ilg'or harakatiga aylangan. Ularning atrofiga eng sog'lom kuchlar yig'ilgan. Masalan: 1898-yilgi Andijonda boshlangan milliy ozodlik qo'zg'olonining harakatlantiruvchi kuchlari qalandarlar edi. Ularning tilida faqat Allohning hamdu sanosigina emas, har qanday zo'ravonlikka qarshi isyon ham bor edi. Chor hukumati tomonidan 1898-yilgi qo'zg'olonda faol ishtirok etganligi uchun qalandarlikning rasman taqiqlanganligi ham bejiz emas.

Devoni hikmat. «Hikmatlar» Ahmad Yassaviy merosini jamlagan asarlaridir. Ular xalq orasida «Devoni hikmat» nomi bilan mashhur. «Hikmatlar»ga «Qul Xoja Ahmad», «Xoja Ahmad Yassaviy», «Ahmad ibn Ibrohim», «Sulton Xoja Ahmad Yassaviy», «Yassaviy miskin Ahmad», «Miskin Yassaviy», «Xoja Ahmad», «Ahmad», «Ahmadiy», «Qul Ahmad», «Miskin Ahmad» kabi taxalluslar qo'yilgan. Ahmad Yassaviyning bizga yetib kelgan asari «Devoni hikmat»dir. «Devoni hikmat» — hikmatlar to'plami demakdir. Devon «Faqrnoma» deb atalgan so'zboshi bilan boshlanadi.

«Faqrnoma» faqirlik ta'rifiga bag'ishlangan. Tasavvufda mol-dunyoga hirs qo'yish qattiq tanqid qilinadi, faqirlik ulug'lanadi. Faqirlik qashshoqlik, miskinlik emas. Bu tushunchalar bir-biridan farq qiladi. Faqir o'z kundalik tirikchiligigagina yetarli ozuqasi bor, muhtojligi yo'q kishi, lekin unda ortiqcha narsa bo'lmaydi. Qashshoqning esa, kundalik ehtiyojiga ham ozuqasi yo'q. Hazrati Muhammad tilidan aytilgan bir gap bor: «Al-faqru faxri» (Faqirlik faxrimdir). Rivoyat qiladilarki, payg'ambarimiz (SAV) me'rojga chiqqanlarida[1] Alloh taolo u kishiga faqir qiyofasida ko'ringan emish. Faqirlikning bunday ulug'lanishida ma'no bor. Mol-dunyoga hirs qo'yish, avvalo, uni harom-halol, qonuniy-qonunsiz yig'ishga yo'l ochadi. Bunda kimningdir haqqiga xiyonatga, zulm-zo'ravonlikka imkon qoladi. Ikkinchidan, bu mol-dunyo egasini kibru havoga, manmanlikka boshlaydi. Shu sababli, faqirlikka mumtoz adabiyotimizda alohida mavqe'-martaba berilgan. Bunda, shubhasiz, hadislarning ta'siri katta bo'lgan. Adabiyot ko'proq bu boradagi hadislarni sharhlash yo'lidan borgan. Mana bu boradagi ayrim hadislar: «har ummat uchun bir fitna sababi bor. Ummatimning fitnasi mol-dunyodir», «Faqirlar bilan birga o'tirib-turish kamtarlik va ustun bir fazilatdir», «Allohim, meni faqir o'laroq yashat va faqir o'laroq o'ldir» va hokazo. Xullas, «faqir», tasavvufda mol-dunyoga o'ch bo'lmaslik, zohiran yo'qsul hayot kechirish, Ollohga etishish uchun qilinadigan xatti-harakat va bosib o'tiladigan maqomlarni ifodalovchi atama bo'lib qoldi. «Faqrnoma» esa, mana shu maqomlarni o'zida aks ettiradi.

Tasavvufda muridning tilagi haqqa etmoq, Alloh vasliga erishmoqdir. Buning uchun solik, ya'ni tariqatning yo'liga kirgan kishi, boshqacha aytganda, faqir muayyan bosqichlarni bosib o'tishi kerak. Bular: shariat, tariqat, ma'rifat, haqiqat. Yassaviy «Faqrnoma»sida keltirishicha, ularning har birida o'ntadan, jam'i qirq maqom bor. Bu maqomlarning birinchisi musulmonlikning birinchi shartidan «haq taolo»ning birligiga, borligiga va zotiga imon keltirmoqdan boshlanib, qirqinchisi «hazrati rabbil izzatni topish» — Alloh visoliga yetishish bilan yakun topadi. «Faqrnoma»da shular haqida gap ketadi.

«Devoni hikmat» atamasidagi «hikmat» so'zi ham teran ichki ma'noga ega bo'lib, muayyan talqinni talab etadi. Ilohiyotchi mutaxassislarning aniqlashicha, «hikmat» Qur'oni karim oyatlarida payg'ambarimizning haq yo'lni ko'rsatuvchi va'zlariga nisbatan qo'llanilgan ekan. Lug'atlarda esa, **hikmat ilm va adolatni o'z ichiga oluvchi, borliq haqiqatini anglatuvchi ma'rifiy so'z, odat va axloqqa xos kalima, sirli sabab kabi ma'nolarni anglatishi aytiladi**. Shulardan kelib chiqib, ayrimlar uni «diniy-tasavvufiy — o'ziga xos so'z» deb ta'rif qiladilar. Xalq jonli tilida ham bu so'z juda ko'p uchraydi. Aksariyat hollarda tajribadan kelib chiqqan ibratli so'z ma'nosini tashiydi. Yassaviy hikmatlari islom g'oyalarini, birinchi navbatda shariatni targ'ib va tashviq qiluvchi she'riyatdir. Shariat esa, Qur'onga, hadisga tayanadi. Demak, bu she'rlar Qur'on va hadislarning o'ziga xos sharhlaridir.

Tasavvufning eng yuqori bosqichi - haqiqat. **Shariat** – shu yo'lning birinchi bosqichi. **Tariqat** undan keyin keladi. Shariatsiz tariqatga – Alloh tomon yo'l izlashga o'tib bo'lmaydi. Undan keyin **ma'rifat** – Allohni tanish bosqichi keladi. Nihoyat, orif inson **haqiqat**ga erishishi, ya'ni Yaratganning jamoliga yetishishi mumkin. Falonchi haqqa yetgan deyilsa, tariqatning oliy bosqichiga erishgan demoqchi bo'ladi. Bu bosqichlar o'zaro chambarchas bog'liqlikda. Shariat hali din, xolos. Unda talab qilingan narsalar ko'p emas: Allohni tanish, unga imon keltirish, namoz, ro'za, zakot, haj, amri ma'ruf (shariat buyurgani)ni bajarish, nahyi munkar (taqiqlaganidan tiyilish), hilm (muloyimlik), ilm olish. Tasavvuf tariqatdan boshlanadi. Tariqat deganining o'zi yo'l degani. Bu Allohni anglashning, uni qalb ko'zi bilan tanishning boshlanishidir. Bu tavba, pirga qo'l berish, xavf (qo'rquv), rajo (umid), tajrid (ortiqcha narsalardan xoli bo'lish), tafrid (uzlatga chekinish) kabilar orqali amalga oshadi. Hikmatlardan birida shunday deyiladi:

Tariqatga shariatsiz kirgonlarni,
Shayton kelib imonini olur ermish.
Ushbu yo'lni pirsiz da'vo qilg'onlarni,
Sarson bo'lib, aro yo'lda qolar ermish.

Devondagi bir qator hikmatlar muallifning tug'ilganidan oltmish uchga kirguniga qadar, ya'ni payg'ambar yoshiga yetgach, uzlatga chekinib, yer ostidan joy qilib tushib yotgunigacha bo'lgan hayotining tavsifiga bag'ishlangan. Ularni tasavvuf she'riyatining sir-asroridan bexabar o'quvchining birdaniga tushunib olishi qiyin. Masalan, unda shunday satrlar bor:

To'qqiz oyu to'qqiz kunda yerga tushdim,
To'qqiz soat turolmadim, ko'kka uchdim,
Arshu kursi poyasini borib quchdim...

Bir yoshimda arvoh menga ulush berdi,
Ikki yoshda payg'ambarlar kelib ko'rdi,
Uch yoshimda chilton kelib holim so'rdi..
.

To'rt yoshimda haq Mustafo berdi xurmo,
Yo'l ko'rsatdim, yo'lga kirdi, necha gumroh,
Qayga borsam, Xizr bobom manga hamroh...

Besh yoshimda belim bog'lab toat qildim...
Olti yoshda turmay qochdim xaloyiqdan...
Yetti yoshda Arslon bobom izlab topdi...
Sakkizimda sakkiz yondin yo'l ochildi...

Bu tarjimai hol ramziy, albatta. Muallif tug'ilish deganda qayta tug'ilishni, ya'ni tariqat yo'liga kirgan paytini ko'zda tutadi. Bu taxminan uning balog'at yoshiga to'g'ri keladi.

Bir qator hikmatlarida umrning qisqaligi, uni mazmundor o'tkazishga chaqirish aks etgan. Shoir mol-dunyoga hirs qo'yganlarni, aysh-ishratga berilganlarni tanqid ostiga oladi. Ayniqsa, u hukmdorlarga, davlatmandlarga shafqatsiz:

Dunyo meni mulkim degan sultonlarg'a,
Olam molin sonsiz yig'ib olg'onlarg'a,
Ayshu ishrat birla mashg'ul bo'lg'onlarg'a,
O'lim kelsa, biri vafo qilmas ermish.

Dunyoning adolati bor. Adolatli toshu tarozisi bor. Halollik bilan kelmagan mol-davlat vafo qilmaydi. Qanday kelgan bo'lsa, shunday ketadi. Harom, yolg'on jazosiz qolmaydi. Shu bois vijdon bilan halol yashash kerak. Dunyo moliga hirs qo'yib, boylik yiqqan kishi o'limtik bilan kun kechiradigan qushga o'xshashi poetik timsol bilan beriladi:

Dunyo mening deganlar, jahon molin olg'onlar,
Karkas qushdek bo'lubon ul haromga botmishlar.

Shariatni o'z manfaati yo'liga xizmat qildirmoqchi bo'lgan din ahli, garchi ularning og'zidan Alloh nomi tushmasa-da, o'zlariga do'zaxdan joy tayyorlaydilar:

Mullo, mufti bo'lg'onlar, yolg'on da'vo qilg'onlar,
Oqni qaro qilg'onlar, ul tamug'ga kirmishlar.

Yassaviy jamiyatning boshqaruvchi, o'zgalarning taqdiriga ta'sir ko'rsatuvchi qismidagi odamlarning halolligi, to'g'riligi o'ta muhim ekanligini, adolatsiz hukmdorlar jazosiz qolmasligini g'azal shaklida bitilgan hikmatida birma-bir ko'rsatib beradi:

Harom egan hakimlar, rishva olib yegonlar,
O'z barmoqin tishlabon qo'rqub-ko'rub qolmishlar.

Shoir oqibatni o'ylashga undaydi. Chunki kishi besh kunlik yolg'on dunyoda qanday yashamasin, nimalarga egalik qilmasin, oqibat qaro yer qa'riga hech narsasiz kiriladi:

Totlig'-totlig' yegonlar, turlik-turlik kiygonlar,
Oltun taxtda o'lturgonlar tufroq aro yotmishlar.

Yassaviy bugunni emas, ertani o'ylab ish tutish lozimligini esga soladi. Mutasavvif buni shunchaki o'git yo'sinida aytmaydi, balki ta'sirli va esda qoladigan shaklda ifoda etadi. Shoirning boshqa bir hikmati ham shunga hamohang tarzda bitilgan. Odam dunyo moliga aldanmasligi lozim. U o'zigagina tegishli bo'lgan ma'naviy jihatlarning yuksak bo'lishiga intilishi zarur:

Beshak biling, bu dunyo barcha eldan o'taro,
Inonmagil molingga, bir kun qo'ldin ketaro.

Hazrati Yassaviy kishini fikrga, insofga chorlaydi. Insofga kelmoq, vijdonga muvofiq yashamoq uchun o'ylab ko'rish, haq yo'lni nohaqdan ajratib olish lozimligini uqtiradi. Buning uchun odam juda bo'lmasa, o'z yaqinlari taqdiriga nazar tashlashi, ulardan xulosa chiqarishi lozim:

Oto-ono, qarindosh, qayon ketti, fikr qil,
To'rt ayog'lig' cho'bin ot bir kun sanga yetaro.

Valiy shoir o'z qarashlarini bayon etibgina qolmay, balki fikrlarining esdan chiqmaydigan, xotiraga mixlanib qoladigan, kutilmaganda yodga tushadigan shaklda ifodalanishiga ham e'tibor qiladi. Buning uchun g'oyat musiqiy tarzda tugallanuvchi qofiya, to'r oyoqlik yog'och ot singari she'riy unsurlardan ustalik bilan foydalanadi. Shoir odamlarga mohiyatni izlash, unga yetishishga urinish lozimligini ko'rsatadi:

Dunyo uchun g'am yema, haqdin o'zgani dema,
Kishi molini yema, sirot uzra tutaro.

«Oqni qaro qilish» rostni yolg'onga, haqni nohaqqa chiqarishdir. Undaylarning joyi - «tamug'» (do'zax). «Kishi molini» yesang, birovning haqiga xiyonat qilsang, oxiratda javobi bor. «Sirot», ya'ni (qil ko'prik)da tutadi. G'azalning keyingi bayti haqqoniyligi, musiqiyligi, yuqumliligi bilan kishini o'ziga rom etadi. Yolg'on dunyoning qiyofasini, uning tinimsiz xiyonatlarini bilib turgan solik — «G'arib bosh»ga berilgan taskin juda ishonarli:

Ahli ayol, qarindosh hech kim bo'lma udur yo'ldosh,
Mardona bo'l g'arib bosh, umring yeldek o'taro.

Hikmatlarning talay qismi ishq va oshiq haqida. Bu yerdagi ishq va oshiqning mazmuni tasavvufning mohiyatidan kelib chiqadi. Bu ishq Allohga bo'lgan ishqdir. Bu ham asli Qur'onga borib taqaladi. Qur'on oyatlaridan birida «Biz hammamiz Allohdanmiz va unga qaytguvchimiz» deyiladi. Demak, tasavvuf she'riyatidagi hijron tasviri Allohdan ayriliqni ifoda qiladi. Ishtiyoq va intilish unga yetishish shavqini anglatadi. Ishqsizlik, Allohni tanimaslik sifatida baholanadi:

Vodarig'o, ishq yo'lida jonni bermay,
G'avvos bo'lib, daryo ichra guhar termay,
Haqdin o'zga maqsadlarni yiroq solmay,
Tong-la borsa, nadomatlar chandon bo'lur...

Demak, shoir fikricha, chinakam hayot oshiqona hayotdir. Qolgani — bekor. Ishqsiz kimsalarning «ham joni yo'q, ham imoni». Shu sababli Yassaviy hazratlari «Ishq yo'lida fano bo'lay haq biru bor» tarzida boshlanadigan hikmatida Alloh taologa «har ne qilsang, oshiq qilg'il, parvardigor» deb yolvoradi:

Ishq bozori ulug' bozor, savdo - harom,
Oshiqlarg'a sendan o'zga g'avg'o - harom,
Ishq yo'lig'a kirganlarga dunyo - harom,
Har ne qilsang, oshiq qilg'il, parvardigor.

Yassaviy uchun ishq vosita emas, maqsaddir. Ya'ni so'fiy shoir, muridlarini to'g'ri yo'lga boshlovchi murshid ishq orqali hech narsaga erishmoqchi emas. Unga Allohga bo'lgan muhabbatning o'zi kifoya:

Ishq dardini talab qildim, darmoni yo'q,
Ishq yo'lida jon berganning armoni yo'q,
Bu yo'llarda jon bermasa, imkoni yo'q,
Har ne qilsang, oshiq qilg'il, parvardigor.

Butun umrini Alloh belgilagan yo'ldan yurishga bag'ishlagan, necha minglab kishilarning haq yo'lni tanib olishiga sabab bo'lgan pir o'zidan, qilgan ishlaridan qoniqmaydi, o'zini nihoyatda nuqsonli, gunohlari ko'p kimsa deb hisoblaydi:

Oshiqlikni da'vo qilib yurolmadim,
Nafsdin kechib, men amrini qilolmadim,
Nodonlikda haq amrini bilolmadim.
...

Chin dunyodan, uning egasi bo'lmish Yaratgandan bexabar hayot kechirish «g'aflat»da yashamoqdir. G'aflatda yashagan kishini «g'ofil» deydilar. O'zlikni anglamoq esa, tasavvufga ko'ra pir vositasida, ilm va riyozat bilan bo'ladi. Bunga erishganlar «dono»dirlar. «G'ofil», boshqa bir so'z bilan aytganda, «nodon»dir. Riyozat maqsadga yetish yo'lida chekiladigan mashaqqatlardir. Nodon o'z nafsidan, huzuridan bo'lak narsani o'ylashga qodir emas. U – Yaratganga begona. Yassaviy oltmish uch yoshida uzlatga chekinganini dunyoda dono topmaganligi, nodonlar bilan yonma-yon yuirishni istamagani bilan izohlaydiki, bu shoirning mazkur masalaga alohida e'tibor berayotganligidandir:

Yer ostig'a qochib kirdim nodonlardin,
Ilkim ochib, duo tilab mardonlardin,
G'arib jonim yuz tasadduq donolardin,
Dono topmay, yer ostiga kirdim, mano.

Hikmatlarda qattiq tanqid qilinadigan narsalardan biri nafsdir. Inson tan va ruhdan tashkil topadi. Nafs tanning o'z huzur va ehtiyojini aql nazoratisiz qondirish istagidir. Shuning uchun xalqda: «*Mening nafsim balodur, yongan o'tga solodur*», degan gap bor. Nafs kishini insonlikdan chiqarib, hayvonlikka boshlaydigan illatdir. So'fiylikning eng muhim odoblaridan biri nafsni jilovlash edi. Shu sababli hikmatlar orasida bu mavzuga katta o'rin beriladi:

O'qituvchiga yordam

Nafsim mani yo'ldin urib xor ayladi,
Termulturib xaloyiqqa zor ayladi.
Zikr aytturmay, shayton birla yor ayladi,
Hozirsan deb nafs boshini yanchdim mano.

Nafs — insonning eng katta dushmani. Uni engmaguncha insonlikni ta'min etib bo'lmaydi. Nafs — zolim. Shoir uni shunday talqin qiladi. Bu da'voda asos bor. Tanning o'z huzur-halovati yo'lidagi intilishi egasining ruhiyatiga jabrdir, albatta. Shunday paytda: «Alloh degil» deydi muallif. Agar sen nafsingga itoat etmasdan, Allohga bo'ysunsang, u, albatta, madadkor bo'ladi, chunki u hamma narsaga qodir:

Zolim agar jafo qilsa, ollo degil,
Ilking ochib, zore qilib, bo'yin sung'il,
Haq dodingga yetmas bo'lsa, gila qilg'il,
Haqdin eshitib, bu so'zlarni aydim mano.

Hikmatlar orasida ko'p uchraydigan obrazlardan biri «tufrog'»dir. U ham ramz darajasiga ko'tarilgan. Qadim sharq falsafasiga ko'ra dunyoning asosida to'rt narsa (unsur): tuproq, suv, shamol, olov yotadi, degan tushuncha bor. Buni arablar «anosiri arbaa», forslar «chor unsur» deydilar. Tuproq haqidagi gaplar shunga borib taqaladi. Shular asosida insonning paydo bo'lishi haqidagi rivoyat dunyoga kelgan.

Xudo farishtalarga debdi: tuproqdan odam yasab, jon kiritib, o'z o'rnimga xalifa qilib qo'yaman. Farishtalar dod solibdilar: zinhor unday qilmang, ular nafslariga banda bo'ladilar. Xudo parvo qilmabdi. Azroilga tuproq keltirtirib, suvga qo'shib, loydan odam yasabdi. Olov bilan quritib, shamol bilan yo'lga solibdi. Shunga ko'ra, inson vujudi yuqoridagi to'rt narsadan tarkib topgan. Binobarin, insonning deyarli butun mohiyati mana shu to'rt narsa bilan chambarchas bog'liq bo'larmish, ya'ni **tuproq** sabr-toqat, kamtarlikka, **suv** quvonch, g'ayratu shiddatga, **havo** beqarorlik, besabrlikka, **olov** nafs, kibr, hasad, qiziqqonlikka moya emish. Insonning insonligini ta'min etmoq uchun bosh mezon mo'tadillikdir. Mo'tadillik esa, tuproqdandir. Bu falsafa islomdan ham o'rin oldi, xususan, tasavvufda keng yoritildi. Quyidagi to'rtlikka bu fikr yaqqol ifodasini topgan:

**Bo

Bunday holatlarni birgina O'zbekiston Milliy universitetida emas, Abdulla Qodiriy nomidagi Toshkent madaniyat instituti va Toshkent davlat moliya institutlari markaziy (ilmiy) kutubxonalarida ham ko'rish va kuzatish mumkin.

Xalqimiz 1930—1960-yillar ichida mustabid hokimiyatning mohiyati va asl maqsadini chuqur tushunib oldi. Bu siyosat millatlarning o'ziga xosligini yo'q qilish siyosati ekanligi ayon bo'ldi.

Munosabat

КУТУБХОНА ТАЛАБАНИНГ КЎМАКЧИСИ

Қадимдан қутубхоналарнинг маълум таъсири остида мутафаккирлар, давлат арбоблари етишиб чиққан. Қутубхона ҳар доим халқ маънавиятининг асоси бўлиб келган.

Хўш, бугунги кунда уларнинг фаолияти қандай, қандай муаммоларга учраяпти, китобхонларни қанчалик даражада ўз бағрига олаяпти, деган саволлар ҳар бир китобхон ва зиёлиларни қизиқтириши табиий.

Ҳозирда республикамизда минглаб оммавий, илмий ва махсус турдаги қутубхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг бир қанчасини шахсий қутубхоналар ҳам ташкил этади.

Қутубхона деганимизда, аввало, илм дунёси жамланган маскан, қатор-қатор пештахталардаги минглаб китоблар кўз ўнгимизга келади. Қутубхона мунтазам равишда босма асарларни, адабиётларни, қўлланмаларни ўзида сақлаш, тарғиб қилиш ва китобхонларга етказиш билан шуғулланади. У оммонинг маданий-маърифий саводхонлигини оширишда фаоллик кўрсатади. Айниқса, ҳозирги ахборот технологиялари ривожланаётган бир даврда инсон маънавияти юксалишида китоб ва қутубхонанинг ўрни беқиёс. Ёшларнинг жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражада етарлича билим, таълим-тарбия олишлари бевосита замонавий қутубхоналар фаолияти билан ҳам боғлиқ. Шу сабабли республикамизнинг Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари қутубхона фаолиятларини изчил такомиллаштириш мақсадида бир талай дастур ва қонун-қоидалар ишлаб чиқилмоқда.

Албатта, бу дастурларнинг асосий мақсади, қутубхоналарнинг иш фаолиятини мустаҳкамлаш, китобхонларга қулай шароит яратиш, уларни кўпроқ китобга ошно қилишдан иборат. Келинг, келажагимиз эгалари таҳсил олаётган таълим даргоҳларининг қутубхоналари фаолияти билан танишайлик.

Мамлакатимиздаги олий ўқув юртларининг сардори бўлмиш Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий қутубхонаси ўз мавқеи ва салоҳиятига эга. Лекин бу қутубхона талабаларга қай даражада кўмакчи, ёрдамчи бўлаяпти, у ёшларнинг замонавий таълим олишларида ҳақиқатан ҳам тўлиқ ахборот манбаи бўла олаяптими?

— Университет илмий қутубхонаси бундан бир неча йил илгари 14та факультет қутубхоналарига бўлиб юборилган эди. Бу эса талабалар билан ишлашнинг қулай усули бўлиб, қутубхона иш фаолияти талабалар ҳаётига кириб бориб пухта билим олишларига замин яратишига олиб келди, — дейди илмий қутубхона бош директори Р.Асқарова. — Қутубхонадаги 3 млн.дан ортиқ адабиётлар мутахассислик йўналишлари бўйича бўлиниб, илмий қутубхонанинг марказий қироатхонасида ижтимоий-сиёсий фанларга оид адабиётлар қолдирилган.

Албатта, бу каби ишлар талабаларнинг чуқур билим олишлари, етарлича кўникма ҳосил қилишлари мақсадида амалга оширилган. Энг асосийси, қутубхона компьютер технологиялари ривожланаётган бир пайтда замонавий технологияларни ўзида акс эттирганлиги билан ажралиб туради. Жумладан, қутубхона янги ўқув йили бошланиши арафасида университет маблағи ҳисобига замонавий услубда таъмирдан чиқарилди. Талабалар ва ўқитувчиходимларга мўлжалланган Ресурс маркази очилиб, компьютер, нусха кўчирувчи аппарат ва резограф каби жиҳозлар билан таъминланди. Компьютерларнинг интернет тармоғига уланиши, китобхон-талабаларнинг дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиб туришларини таъминлади. Мустақиллик йилларида чоп этилган 12 мингдан зиёд ўқув адабиётларининг рўйхатлари "irbis" дастурига киритилган бўлиб, китобхон ана шу адабиётлардан керагини дастурдан топиб, фойдаланиш имкониятига эга.

Бундан ташқари, талабаларга янада қулайлик туғдириш мақсадида, қироатхонага 2000 йилда университет ректорининг буйруғи билан керакли дарсликлар, маъруза матнлари очиқ фонд шаклида чиқариб қўйилди. Натижада талабалар дарсликларни буюртмасиз ҳолда ўқиш имкониятига эга бўлдилар. Жорий йилда худди шундай очиқ фонд профессор-ўқитувчилар ва ходимлар учун ҳам очилди. Албатта, булар қутубхонанинг ютуқлари. Бироқ бу қутубхона муаммо ва камчиликларидан ҳам холи эмас. Бу хусусда китобхон нима дейди?

— Бизга яратиб берилган шароит ва қулайликлардан мамнунмиз. Асосий мақсадимиз пухта ва пишиқ билим эгаллаш, — дейди талабалардан бири. — Шундай экан, китобхонга барча адабиётлар етарли бўлиши керак. Қутубхона очиқ фондидаги дарслик ҳамда маърузалар матнлари кам, баъзи пайтларда бир нусхасини ҳам тополмай қоламиз. Аввалги чиққан адабиётларни олишда каталог шифрларини шу ердаги қутубхонадан эмас, балки илмий қутубхонанинг заҳиралар фондидан ёзиб келамиз. Қанча машаққат билан топиб келамизу каталогларнинг нотўғрилиги туфайли керакли адабиётларни ололмай қайтамиз. Шу сабаб кўпинча бошқа қутубхоналарга боришимизга тўғри келади.

Кундузги бўлимларда ишлайдиган айрим ходимлар турли хил баҳонаю сабабларни рўкач қилиб, керакли китобларни топиб беришга оғринишади.

Албатта, китобхон ҳақ. Улар келажакда юртимиз номидан жаҳон мамлакатлари билимдонлари билан техника-технология, илм-фан соҳасида бемалол беллаша олишлари лозим. Бунда эса қутубхона ишларини тўғри йўлга қўйиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Аслида қоида ва дастурларда белгиланишича, очиқ фондда маърузалар матнлари ҳамда дарсликлар камида 10 та нусхадан иборат бўлиши керак. Негаки, бир вақтнинг ўзида бир неча нафар талаба бирданига фойдаланишлари мумкин. Каталогларга келадиган бўлсак, бугунги кун талаби шундан иборатки, қутубхонадаги барча адабиёт ва дарсликлар комьютер дастурига киритилиши керак. Бу эса китобхонларнинг билим олиш сифат даражасини янада оширади. Китобларни бир зумда топиб олишларига ёрдам беради. Каталог ҳам албатта қутубхонанинг ўзида бўлиши лозим. Энг асосийси, шифрлар нотўғри бўлмаслиги керак. Ходимларнинг муомала маданияти ҳам қутубхона фаолиятининг жуда нозик кўринишларидан бири саналади.

Ўйлаймизки, мутасаддилар бу ҳолатларни эътиборсиз қолдирмайдилар.

Дилмурод СОДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири

ИНСОН ШАХСИЯТИ ЦИВИЛИЗАЦИЯ БОСҚИЧЛАРИДА

Жаҳон ҳамжамиятида, кейинги 10-15 йилда давлат мустақиллигини эълон қилган мамлакатлар ичида Ўзбекистон ўзига хос таълим тизими билан ҳам ажралиб туради.

Таълимнинг ўзбек моделида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари алоҳида ўрин тутади. Бу тизим ҳозиргача, айтиш мумкинки, МДҲ доирасида ягонадир.

Албатта, ҳуқуқий асослар ва ташкилий тузилмалар қанчалик муҳим бўлмасин, белгиловчи вазифа тегишли ўқув воситалари, биринчи навбатда, дарслик ва қўлланмаларни яратиб, ўқувчилар қўлига етказишдан иборат. Яқинда профессор Н.Жўраев ва доцент Ш.Азизов муаллифлигида яратилган "Ижтимоиёт асослари" (Шахс ва жамият) қўлланмаси бу йўналишдаги эътиборга молик иш бўлди.

"Ижтимоиёт асослари" янги турдаги таълим муассасалари — академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун дарслик вазифасини ўтайди. "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тузилмавий туб ўзгаришлар билан бир қаторда, ҳозирги ёшларнинг шаклланиши ва баркамоллашуви, Ўзбекистонда таълимнинг ривожланиши ва такомиллашуви учун янги методологик ёндашувларни тақозо этмоқда. "Ижтимоиёт асослари" китоби ана шу борадаги янгича ёндашувнинг маҳсулидир.

Қўлланма уч бўлимдан иборат бўлиб, "Шахс" деб номланган 1-бўлимда инсоннинг умумий тавсифига ўзаро муқобил турли ёндашишлар сиқиқ ва мантиқан изчил берилган. Инсон ҳақидаги тарихан биринчи маълумот динда илгари сурилганига эътибор қаратилиб, унинг асосий жиҳати яратилганлик, яъни, бунда яратувчи Худо тамойили эканлиги кўрсатилган.

Инсонга илмий ёндашиш — бу унинг келиб чиқиши — антропогенез тамойилига таяниб, икки позицияда ифодаланган. Антропогенезнинг биринчи, яъни анъанавий таълимотлари тадрижийликнинг турли йўналишларини — ламаркизм, дарвинизм, меҳнат, (Ф.Энгельс), "умумкоинотий" (В.И.Вернадский), "тадрижийлик-коинотий-насроний" (Тўяр де Щарден), коинотий (Н.Т.Бехтерева, Э.Фон Денике), аномал ҳодисалар назарияларини ўз ичига олади. Китобда буларнинг барчаси асосий жиҳатларга кўра ҳамда бири иккинчисидаги камчиликларни бартараф этишга уриниш эканлиги далиллар билан кўрсатилган.

Иккинчи ёндашув — ноанъанавий таълимотларда кейинги ўттиз йил давомида антропогенезга доир илгари сурилган К.Прибрам ва Д.Бом томонидан асосланган Қувват-ахборот, Геккел, Гексли ва Фохтнинг 150 йил аввал илгари сурилган, лекин ҳозирги вақтда янгиланган турли вариантларда мунозарали бўлиб келаётган оқсил назарияси, Л.Мэмфорднинг маданият, Л.Маклюэнинг ўзаро муносабатлар, Н.Пригожиннинг синергетик назариялари ўрин олган. Муаллифлар буларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида тўхталади.

Қўлланмада антропогенез социогенгезсиз юз бермаслиги таъкидланиб, унинг мазмунида, инсон қайси тадрижий босқичларни босиб ўтгани, унинг ижтимоий шаклланиш механизми қандай кечгани ва ниҳоят, Ер юзи минтақаларида кишилар тарқалишининг шарт-шароити нималардан иборатлиги ва бу жараён қандай кечганлиги масалалари алоҳида ўрин тутиши кўрсатилади.

Бўлимнинг сўнгги боби инсоннинг шахс мақомини ёритишга бағишланган. Унда инсоннинг индивид ва шахс босқичлари кўриб чиқилган.

"Жамият" деб номланган бўлимда социум, жамият ҳамда ижтимоий жараён масалалари ечимига тўхталинади. Бу қисмда "социум" каби ноанъанавий (бу тушунча ўзбек ўқувчилари учун шундай, европаликлар учун эса кейинги ярим асрда одатий бўлиб қолган) ҳамда "жамоа" ва жамият атамаларининг тушунчавий мақоми кўрсатилган. Жамиятнинг назарий тавсифи ва асосий соҳалари махсус кўрилган. "Ижтимоий институт" тарзида муайян тартиботга кўра амалда бўлган ҳамда зарур вазифаларни бажаришга йўналтирилган муассасалар ва ташкилотлар табиати ҳам баён қилинган.

Кишилик жамиятининг динамик ҳолати, бошқача айтганда, ижтимоий жараёнлар масаласи шу турдаги китоблар ичида муаллифлар томонидан ўқув адабиётига биринчи марта киритилганига эътибор бериш керак. Бунда тарих, унинг маъноси ва табиати, ижтимоий жараёнларни ифодалаган социум дунёсининг функционал ҳолати, ижтимоий тарихнинг йўналганлиги муаммоси ёритилган.

Ўқув қўлланманинг "Цивилизациялар — ижтимоий-маданий жараён" деб номланган III бўлимида "цивилизация" атамаси ва тушунчаси, унинг шаклланиш механизми ва таснифи, цивилизация ва маданият нисбати, қадриятлар масаласи ёритилган. Олинган натижаларга асосланиб, Жаҳон ва Ватан тарихи ҳамда ҳозирги давр таҳлил ва талқин этилади. Бунда Шарқнинг турли цивилизацияларга бешиги эканлиги очиб берилади, исломий цивилизация, унинг суфийлик маънавияти ёритилади ва Ғарб мамлакатларидаги цивилизациявий ривожланиш мулоҳаза этилади.

Муаллифлар Турон — Мовароуннаҳр — Туркистон — Ўзбекистон ижтимоий-маданий ўтмишининг цивилизациявий тавсифига алоҳида тўхталади.

Китобда Россия-Совет мустамлакачилиги табиати ва қолдирган ҳалокатли асоратлари очиб берилади.

Ўзбекистон мустақиллигининг тикланиши янги цивилизациявий босқич сифатида қаралиши ҳам муаллифлар томонидан етарли асосланган.

Қўлланмани глобализация ва ягона жаҳоний цивилизация шаклланиши масалаларига бағишланган боб якунлайди. Унда ҳозирги глобал муаммолар, улар ҳал этилишининг минтақавий ва халқаро шарт-шароитлари баён қилинади. Келажак цивилизацияси ахборот технологиясига асосланиши мулоҳаза этилади.

Назира АБДУАЗИЗОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази бош илмий ходими, тарих фанлари доктори

Fikr

ИГНА БИЛАН ЙИҚҚАНИМИЗНИ ПАНШАХА БИЛАН СОВУРМАЙЛИК

Мустақиллик миллатимиз олдида катта имкониятлар очди. Ўтган ўн икки йил мобайнида ҳаётимизнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар юз кўрсатди. Халқимиз мустақил равишда ақлзаковати, миллий манфаатлари, бошқа халқлар билан ҳамкорлик анъаналари ва бой қадимий меросига суянган ҳолда ўз давлатини яратмоқда.

Мулоҳазаларимизни узоқ тарихдан бошлашимиз тасодифий эмас. Чунки урф-одат, анъана, расм-русумларни фақат халқ ўтмишини чуқур ва синчковлик билан таҳлил қилибгина холисона баҳолаш мумкин.

Анъана, урф-одат ва расм-русумлар жамият ҳаётининг таркибий қисмидир. Улар турмушнинг изчиллигини таъмин этади, ўтмишни ҳозирги кун ва келажак билан боғлайди. Уларда халқ онги, унинг ҳаёти, турмушни оқилона ташкил этиш йўллари мужассамлашади. Анъана, урф-одат ва расм-русумлар ниҳоятда секин ўзгаради, бойийди. Чунки бу борадаги тўсатдан бўладиган инқилобий силжишлар асрлар давомида халқ ўз ақл-заковати билан яратган ва мустаҳкамлаб бораётган миллий ҳаёт иморатини ларзага келтириб, шикаст етказиши мумкин. Ана шу боис, асрлар давомида халқимиз анъана, урф-одат ва расм-русумларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлган. Уларга нисбатан қўлланган "эскирган", "ўтмишнинг сарқити" каби тушунчаларни жамият ҳаёти ва ижтимоий фанларга истибдод тузуми киритди. Бу сиёсат охир-оқибатда жамиятда анъаналаримизда бўҳрон ҳолати юзага келишига сабабчи бўлди.

Ҳозирги кунда жамиятимизда анъана, урф-одат ва расм-русумларни қайта кўриб чиқишга, уларни ихчамлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ана ўша бўҳрондан чиқишга қаратилган. Бу бўҳроннинг сабаби ва илдизларини аниқлаб, билиб олмоқ учун ўзбек халқининг ўтган XX асрдаги тарихига кўз ташлаш лозим.

Маълумки, иккинчи жаҳон урушидан аввалги йилларда тўй-томоша ва турли маъракаларда асрлар давомида шаклланган қонун-қоида, урф-одат ва расм-русумларга риоя қилинар, ҳар бир киши ўз имконияти, эл-юртдаги мавқеи ва ўрнига қараб тўю томошасини ўтказарди.

Бу соҳада вазият урушдан кейин, айниқса, 50-йилларнинг ўртасидан ўзгара бошлади. Ва кейинги деярли қирқ йил давомида анъаналар, урф-одатлар ва расм-русум масалаларига озмиқўпми эътибор қаратилиб, мақолалар ва рисолалар чоп этилди, улардаги фикр, мулоҳаза ва тавсиялар маъқулланди. Лекин, афсуски, ҳеч нарса ўзгармади, десак бўлади. Ҳол-аҳвол қандай бўлса, шундайлигича қолаверди. Балки, бундай дейиш, яъни "ҳол-аҳвол қандай бўлса, шундайлигича қолаверди" дейиш камдир, етарли эмасдир. Қайтанга йил сайин анъаналар, урф-одатлар ва расм-русумларнинг сони, салмоғи ва кўлами ўсиб бормоқда, десак тўғри бўлар. 20-йилларнинг охири 30-йилларнинг ўрталаригача одатга биноан тўйда, йигирма ва йил—хотира ошида ўттиз кило гуруч дамланарди. Ўртача рақам шундай эди. Бировлар беш-ўн кило ортиқ дамлар, бировлар имкониятига қараб камроқ дамлаши ҳеч кимни ҳайрон қолдирмасди. Демак, тадбирга ўрта ҳисоб билан 250—300 киши таклиф қилинар эди. Энди-чи? Эндиликда беш юз кишилик тадбир кичик деб ҳисобланади. Ўртача рақам минг атрофида ва ундан ошиқ, десак ҳақиқатдан узоқлашмаймиз.

Миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз ва расм-русумларимизнинг кейинги ярим аср ичида танқидий нуқтагача кўтарилиб кетишининг ўз сабаблари бор, деб ўйлайман.

Биринчи сабаб, истибдод тизими йилларида амалга оширилган сиёсат билан боғлиқ. Истибдод тизимининг стратегик мақсадига биноан, собиқ иттифоқдаги юздан ошиқ миллат ва элатлар қўшиб юборилиши ва ягона "совет халқи"ни юзага келтириши зарур эди. Бу бирлик мамлакат аҳолисининг 52 фоизини ташкил қилувчи рус маданияти, тили ва фани асосида яратилиши керак эди.

Иккинчидан, 1937 йилдан бошлаб шимол, Узоқ Шарқ ва Кавказдаги камсонли миллатлар ва элатлар лотин алифбосидан кириллчага кўчирила бошланди. 1938 йил 13 февралда истибдод тузуми раҳбарияти "Республикаларда рус тилини мажбурий ўқитиш тўғрисида" ярим махфий қарор қабул қилди. Барча республикаларда бу қарорни бажариш қаттиқ назорат остига олинди, рус тилини ўқитишга тегишли ишлар биринчи даражали вазифа деб қаралди.

Бу борадаги ягона бир қадам—1941-1945 йиллардаги уруш даврида собиқ совет армиясидаги барча миллий қўшилмалар, дивизиялар, полклар ва ҳарбий бригадалар тарқатиб юборилди. Шундай йўллар билан совет қўшини миллатларни аралаштириб, қўшиб юбориш, аскар ва зобитларни ўз миллатидан, миллий рухдан, миллий тилдан, миллий онгдан узоқлаштиришнинг кучли, самарали воситасига айлантирилди. Бу омилнинг таъсир кучи нақадар жиддийлигини шундан ҳам билса бўладики, 1941—1945 йилларда совет армияси сафларида мамлакатдаги юздан ошиқ миллат ва элатларнинг 18 ёшдан 50 ёшгача бўлган энг фаол, навқирон ўғлонлари хизмат қилар, улар марказлаштирилган рус тилидаги ягона ҳарбий тарғибот ва ташвиқот тазйиқида эди.

Урушдан сўнг "совет халқи"ни шакллантириш сиёсати давом эттирилди. Шу мақсадда барча республикаларда миллий руҳ, миллий менталитет ва миллий маданият, адабиёт ва санъатнинг кўзга кўринган вакиллари саралаб, қамоққа олина бошланди.

Халқимиз 1930—1960-йиллар ичида мустабид ҳокимиятнинг моҳияти ва асл мақсадини чуқур тушуниб олди. Бу сиёсат миллатларнинг ўзига хослигини йўқ қилиш сиёсати эканлиги аён бўлди. Юқорида санаб ўтилган тадбирлардан ташқари шуни ҳам қўшиб ўтмоқ зарурки, астасекин барча мажлислар, конференциялар, тантаналар, митинглар, сессияларда миллий тилларда сўзлаш норасмий равишда тақиқланди.

Табиийки, бундай шароитда миллатимиз ўзлигини сақлаб қолиш йўлларини излашга мажбур бўлди. Бундай йўллардан бири ва асосийси, миллий анъаналар, урф-одатлар ва расм-русумлар эди. Тўю томоша, маъракаларда қавми-қариндошчилик, ёру биродарлик, ошна-оғайничилик ҳар томонлама намоён бўлар эди. Биз, ўзбеклар бир жойда йиғилиб, отамлашар, қучоқлашиб кўришар, ҳол-аҳвол сўрашар, миллат эканлигимизни, бирга эканлигимизни, миллатимиз тили, урф-одатлари, анъаналари ва расм-русумларига содиқ эканлигимизни намойиш қилар эдик.

Урушдан кейинги даврдан бошлаб мустақилликка бўлган тарихий паллада миллий анъаналаримизда бизнинг миллий менталитетимизнинг ўзига хос томонлари ёрқин намоён бўлди: биз бошбошдоқлик, митингбозлик каби норозиликни билдириш йўлларини танламадик, андишали, мулоҳазали, сабр-тоқатли бўлдик. Охир-оқибатда қийин ва оғир тарихий синовдан муваффақиятли ўтдик ва мустақилликка ўз миллийлигимизни тўла сақлаб етиб келдик. Маълум тарихий давр ва муайян тарихий шароитда миллий анъаналаримизга, урф-одатларимиз ва расм-русумларимизга содиқлик бизнинг ҳаётимизда бетакрор ижобий роль ўйнади, бизга қалқон бўлиб хизмат қилди.

Мустақилликка ўтган деярли ярим аср давомида миллий анъана, урф-одат ва расм-русумларимизнинг кўпайиб ва дабдабали бўлиб кетишининг яна бир сабаби шундан иборатки, XX аср давомида ҳаётимизга Янги йил байрами, 8 март байрами, туғилган кун, мактабга бориш, ўрта мактабни битириш, олий ўқув юртига кириш, олий ўқув юртини битириш, ҳовли тўйи, ҳарбийга кузатиш каби анча-мунча янги маросим ва тантаналар келиб қўшилди.

Мустақиллик шарофати билан бизнинг ҳаётимизда янги давр, янги талаб ва эҳтиёжлар пайдо бўлди. Президентимиз юртимиз, халқимиз олдига олижаноб мақсад қўйди: Ўзбекистонни давримизнинг илғор давлатларидан бирига айлантирмоғимиз даркор. Бунинг шартларидан бири анъаналаримиз, урф-одатларимиз ва расм-русумларимизнинг сони, сифати ва салмоғини диққат билан таҳлил қилиб, уларни ихчамлаштириш, оқилона белгиланган меъёр ва андозаларга мослашдир. Бундай ишни амалга ошириш ўз олдига истиқболли вазифаларни қўйиб, ишонч билан олға қадам боса ётган миллатимизнинг муҳим вазифаларидан биридир. Тежамкорлик ва маблағни оқилона сарфлаш миллат ривожининг зарурий шартларидан биридир. Тежамкорлик — замонавий турмуш тарзи яратишнинг, ўзимизни ва фарзандларимизни шинам кийинтириш, яхши билим бериш, вақтида сифатли овқатлантиришнинг зарурий шартидир. Тежамкорлик ва меҳнат ҳар бир янгилик яратишнинг заминидир. Биз, ўзбеклар игна билан йиғамиз, паншаха билан совурамиз. Тўйларимиз ва улар қатори бошқа турли анъаналаримиз тараққиётимизга, турмушимиз тўкин бўлишига тўсқинлик қилмаслиги лозим. Токи, турмушдаги ҳар қандай тадбир мамлакатимизни ривожланган мамлакатлар қаторига кўтаришга хизмат қилсин. Дабдабабозлик ўтмиш сарқити каби ортимизда қолсин.

Кўчқор ХОНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Tadbir

АҲАМИЯТЛИ АНЖУМАН

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида ўзбек миллий уйғониш адабиётининг истеъдодли вакили, шоир Тавалло таваллудининг 120 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирни университет ректори, академик Тўрабек Долимов кириш сўзи билан очар экан, барчани шоирнинг 120 йиллик таваллуд куни муносабати билан табриклади. Шунингдек, тадбирда профессор Бегали Қосимов, филология фанлари доктори Наим Каримов, профессор Мухтор Худойқулов ва доцент Н.Жабборовлар иштирок этиб, қатнашчиларни Тавалло ҳаёти ва ижодига оид янги тўпланган маълумотлар билан таништиришди.

Намоз ТОЛИПОВ,
ЎзМУ ўзбек филологияси факультети 3-курс талабаси

«ҲИНД СЕҲРГАРИ» 750 ЁШГА ТЎЛДИ

Xabar

Шарқнинг буюк мутафаккири Алишер Навоий ўзига устоз деб билган ва унинг ижодига юксак баҳо берган Хусрав Деҳлавий таваллудига 750 йил тўлди. Шу муносабат билан Низомий номидаги ТДПУда Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти билан ҳамкорликда конференция бўлди. Мазкур тадбирни университет проректори, профессор Самихон Аширбоев олиб борди.

ЎзФА вице-президенти Тўра Мирзаев сўзга чиқиб, шоирнинг ижодий мероси ҳақида, олиб борилаётган илмий тадқиқотлар тўғрисида фикрларини баён этди.

Шундан сўнг адабиётшунос олимлар Ҳамиджон Ҳомидов, Абдуқодир Ҳайитметов, Боқижон Тўхлиев илмий маърузалари тингланди.

Конференцияда Президент девони ходими, шоир Носир Муҳаммад, Эрон элчихонаси вакили, доктор Вафо-ийлар ҳам сўзга чиқиб, Хусрав Деҳлавий ижоди, унинг авлодларга қолдирган бой мероси ҳақида қимматли маълумотлар келтиришди.

Тадбир сўнгида университет талабалари Деҳлавий газалларидан намуналар ўқишди.

Зоҳид ШАКАРОВ,
ТДПУ 1-курс магистранти

КАМОЛОТГА ЭЛТУВЧИ ПИЛЛАПОЯ

Сўнгги йилларда миллий педагогикамизда кичик ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришнинг педагогик ҳамда психологик асосларини чуқурлаштиришга хизмат қиладиган илмий қарашлар вужудга келди. Бошланғич синфлар учун яратилган «Одобнома» ўқув дастурида кичик мактаб ёшидаги болалар билан ишлашнинг педагогик йўналишлари ўз ифодасини топган.

Бошланғич таълимнинг илмий-амалий йўналиши замонавий педагогика назариясига таянади. Шу жумладан, таълим тизимига "Одобнома" фанининг киритилиши шахс камолотига, баркамол инсоннинг шаклланиб, ривожланишига самарали таъсир кўрсатади.

Мазкур синфларда таълим ва тарбиянинг мазмуни, шакл ва усуллари, умуминсоний қадриятлар, халқимизнинг миллий тарбия анъаналари, маданият ва фан бобидаги кўп асрлик тажрибаларга асосланган фикрлар, алломаларимизнинг фалсафий-педагогик қарашлари одоб сабоқларининг мазмунини бойитишга, ўқувчилар томонидан ўз аждодлари ким эканлигини билишга, уларнинг асарларидаги ҳикмат дурдоналарини севиб ўрганишга имкон бермоқда.

Ўқувчилар фаолиятида муҳим бўлган "Одобнома" фанининг ўқув дастури ва дарсликларини яратишдек хайрли иш амалга оширилди. Дарсликларнинг методологик тузилиши умумий ўрта таълим стандарти талаблари билан уйғунлашган.

Зеро, ёшларимиз онгига она-Ватанга муҳаббат, аждодларимизнинг маданий мероси ва халқимизнинг бугунги бунёдкорлик фаолиятига ҳурмат туйғуларини сингдириш муҳим масаладир. Уни ҳал қилиш мақсадида мумтоз асарлар, халқ ҳикматлари, ҳадислар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан баҳраманд этиш «Ободнома» сабоқларига киритилди.

Шўролар даврида, болаларга миллий ахлоқ-одоб ҳамда нафосат меъёрларини сингдириш вазифаси бу тизимдан ташқарида қолиб, интизом, ўз-ўзини идора қила билиш, бурч ва масъулиятни ҳис этиш каби зарур сифатлар анча сусайган эди. Мамлакатимизда истиқлол шарофати билан таълим тизимида ҳам янгиланишлар содир бўлди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниши натижасида бошланғич таълим умумий ўрта таълимнинг таркибий қисми сифатида шаклланди ва мустаҳкамланди. Ўқитиладиган предметларнинг мазмуни ҳам консерциал асосларга таянган ҳолда қайта ишланди. Янгича ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ривожланаётган ҳозирги даврда кадрлар тайёрлаш тизимининг пойдевори бўлган бошланғич таълим ўқувчиларда комил инсон сифатларини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Ta'kid

Болаларда билимга бўлган қизиқишни уйғотиш уларда истак ҳиссини пайдо қилади. Бу ҳис-туйғу уларни кўпроқ ўқишга, ўрганишга, воқеа-ҳодисаларнинг туб моҳиятини англашга ёрдам беради. Психолог олимларнинг илмий хулосаларига кўра, билиш фаолиятига бўлган онгли интилиш шаклангандагина таълим ишлари муваффақиятли равишда амалга ошади.

"Одобнома" дарслиги ва ўқув қўлланмаларда берилган хилма-хил асарлар мазмунини болалар томонидан осон ўзлаштириш, матн мазмунини тушуниб ўқиш, сўзлаб бериш орқали болаларда инсоний фазилатларни пайдо қилишга имкон яратилади. Шахс ривожланишининг дастлабки босқичи бошланғич таълим тизимида амалга оширилади.

Кичик ёшдаги болалар фаолиятини эзгуликка йўналтиришда одоб сабоқлари — "Одобнома" дарслиги етакчи восита бўлиб, болалар томонидан ўзлаштириладиган ҳар бир асар унинг қалбида яхши из қолдириши, эзгуликка бошлаши, уни руҳлантириши ва фикрлашга даъват этиши лозим.

Таълим-тарбияни инсонпарварлаштириш асосида таълим тизими кенг дунёқарашли ва маърифатли, ақл-идроки мукаммал, маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол, руҳан тетик ёшларни тарбиялашга қаратилган.

Ёшларнинг борлиқни энг олий қадрият сифатида идрок этиши, ўзлаштириши ва чуқур англаб етишини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Зеро, Президентимиз айтганларидек: "Келажаги буюк давлат энг биринчи навбатда бўлажак фуқароларнинг маданияти, маълумоти, маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур».

Барчамиз ушбу даъватни амалга оширишга масъул бўлмоғимиз керак.

Қумри АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари доктори, профессор,
Ситорахон РАҲМОНБЕКОВА,
аспирант

"Зарафшон" киноконцерт залида "Севинч" вокал гуруҳининг кам таъминланган оила фарзандлари, етим ва ногирон болалар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун хайрия концерт дастури бўлиб ўтди.

Шу билан бирга ушбу гуруҳ ўзининг 5 ёшини ҳам нишонлади.

«СЕВИНЧ» 5 ЁШДА

Концерт дастурида гуруҳнинг биринчи битирувчилари ҳам иштирок этди ва устозлари Хуршида Ҳасанова ва Саодат Музаффароваларни дилдан табриклашди. Шунингдек, кечада "Севинч"ни табриклаш учун "Аъло" гуруҳи, Манзура, Азиз Ражабий, Фирдавс каби хонандалар ҳам ўзларининг қўшиқлари билан иштирок этишди.

Маъмурахон РАМАЗОН қизи,
ЎзМУ журналистика факультети 2-курс талабаси

ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ ИСТИҚБОЛИ

Қўғирчоқлар ҳаракати орқали ёш авлоднинг мурғак тасаввурида Ватан, миллат тушунчалари шаклланади. Хўш, миллий қўғирчоқ театримиз бу борада қандай ишлар қилмоқда? Нималарга эришилди? Тўрт кун мобайнида Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси томонидан ўтказилган "XXI аср Ўзбекистон қўғирчоқ театр санъати истиқболи" мавзусидаги I республика семинар-кенгашида шу каби масалалар кўрилди.

Семинар-кенгаш доирасида республика Қўғирчоқ театри биносида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ўтказилган матбуот анжуманида "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, театр ижодкорлари уюшмаси раиси, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент Омонулла Ризаев, санъатшунослик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Муҳсин Қодиров, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқарма бошлиғи Эсон Ўринов, санъатшунослик фанлари номзоди, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Ҳамидулла Икромов ҳамда бошқа маданият ходимлари ўз маърузалари билан қатнашдилар.

Семинар қатнашчиларига тўрт кун давомида турли вилоят қўғирчоқ театрлари репертуаридаги спектакллар намойиш этилди ҳамда бу спектакллар муҳокама қилинди.

Аброр УМАРҚУЛОВ,
Музроб МУРОДОВ,
ЎзМУ талабалари

Nahotki, psixologik-pedagogik ko'rikda maktabga psixologik jihatdan tayyor, deb topilgan bola ikki chorakdan keyin o'qishga moslasha olmasa? Bunday holatda mazkur viloyatlardagi hududiy tashxis Markazlari faoliyatiga qanday baho berish mumkin?

O'z sevgan kasbini tanlagan inson, albatta, orzu qilgan yutuqlariga erishadi.

МАКТАБДА ОЛТИ ЁШЛИ ЎҚУВЧИ:

у таълим-тарбия жараёнига мослаша олияптими?

Tahlil

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу эҳтиёжлар ўз моҳияти билан муайян билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга, теварак-атрофдаги воқеликни ўзлаштиришга эмас, кўпроқ "ўқувчи бўлиш" истагини акс эттиради. Шу эҳтиёжлар замирида ўз сумкасига, дарс тайёрлаш бурчагига, китоб қўйиш жавонига эга бўлиш истаги, катталардек ҳар куни мактабга қатнаш туйғуси ётади, холос. Умуман олганда, бу ёшда бола ҳали ўқишнинг туб моҳияти ва вазифасини тўлиқ англамайди. Мактабга боргандан сўнг унинг ўқувчилик сафига қабул қилиниши, отаонасининг ҳар куни мактабга кузатиб қўйиши, кутиб олиши, (эътибор беринг, боғчага қатнаётган вақтидаги олиб бориб қўйиш, олиб келиши эмас), айнан кузатиб қўйиш ва кутиб олиш, ўқитувчилар ва катталарнинг унга самимий тилаклари, синфдошлари билан саф тортиб юришлар, танаффус вақтидаги ўйинлар, ўқитувчининг уй топшириқлари, унга битталаб сўзма-сўз тушунтиришлари болани ўзига "ром" этади.

Кўп вақт ўтмай булар аста-секин бола учун ўз аҳамиятини йўқота бошлайди. У энди ўқишнинг ақлий меҳнат эканлигини, диққати, иродасини ишга солиши кераклигини, айрим ҳолларда ёқтирмаган иши билан ҳам шуғулланиши кераклигини, бундан ташқари, ўз хулқини идора этиши, хатти-ҳаракати учун жавоб бериши лозимлигини англай бошлайди. Шу ҳолатда ақлий меҳнат кўникмасига эга бўлмаган боланинг ўқишдан кўнгли совийди, унда умидсизлик ҳисси пайдо бўлади. Натижада бола мактабда ўқув фаолиятига тўлиқ мослаша олмай қолади. Кузатишлардан маълумки, мактабга уйдан келган болаларга нисбатан мактабгача таълим муассасаларидан келган болаларнинг ўқиш фаолиятига мослашуви анча силлиқ ва осонроқ кечади. Уйдан келган болаларда муқим ўтириб ақлий меҳнат билан шуғулланиш малакаси сустроқ шаклланганлиги, уларни мактабга тайёрлашда тизимли ва мақсадли ёндашилмаганликнинг оқибати ҳисобланади.

Маълумки, ҳар бир бола ўзига хос ва бошқалардан фарқ қиладиган хусусиятларга эга. 6-7 ёшга бориб бола юраги 4-5 баравар катталашади, бош миясининг вазни эса, тахминан 1350 граммга етади. Бу ёшда скелет суяклари жадал такомиллашиб, таянч-ҳаракатланиш аппарати мустаҳкамланиб боради ва бола турли-туман мувофиқлашган ҳаракатлар қилиш имкониятига эга бўлади. Худди шундай марказий асаб тизимининг функцияси такомиллашади, шартли тормозланиш ривожланади. Олти ёшда организмда бу ўзгаришлар интенсив кечади, бу даврда сут тишлар доимий тишлар билан алмашинади. Шунинг учун ҳам олти ёшли болани мактабга қабул қилишда, энг аввало, унинг жисмоний ривожланиш даражасининг таълим талабларига мос эканлигини ҳисобга олиш керак. Акс ҳолда, соғлом бўлмаган болага ўқув юкламалари кўплик қилиб, унинг ақлий ёки жисмоний зўриқишига сабаб бўлади. Бундай зўриқишлар оқибатида болалар турли касалликларга чалиниб, жисмоний ва психик ривожланишида нуқсонлар пайдо бўлади.

Тиббий кўрик хулосалари асосида мутлақ соғлом деб топилган ва олти ёшдан мактабга қабул қилинган 2-синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланиш даражаси ва саломатлиги ўрганилганда, уларнинг 20 фоиздан ортиғи у ёки бу касалликка чалинганлиги маълум бўлди. (1-жадвал.)

Жадвалдан кўринадики, 2001-2002 ўқув йилида мактабга олти ёшдан қабул қилинган 102 минг 622 нафар 2-синф ўқувчиларидан 100 минг 104 нафари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилган. Уларнинг 77 минг 945 (77,8 фоиз) нафари соғлом деб топилган бўлса, 22 минг 158 (22,2 фоиз) нафари у ёки бу касалликка чалинган. 2002-2003 ўқув йилида ҳам 2-синфда ўқиётган 106 минг 186 нафар ўқувчининг 104 минг 276 нафари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, шундан 86 минг 941 (83,3 фоиз) нафари соғлом, 18 минг 826 (16,7 фоиз) нафари эса касал деб топилган. 2002 йилда 2518 нафар бола, 2003 йилда эса, 1910 нафар ўқувчи тиббий кўрикдан ўтказилмай қолиб кетган.

Шу ўринда савол туғилади. Нега мутлақ соғлом деб мактабга қабул қилинган олти ёшли бола 2-синфга келиб касалликка чалинди? Бунга ким сабабчи? Олти ёшли болаларни тиббий, психологик-педагогик ташхисдан ўтказиш комиссиялари хулосаларими ёки фарзандининг тезроқ мактабга боришини истаган ота-онанинг ножўя "хоҳиш-истаги"ми? Балки ўқитувчилар олти ёшли боланинг ўзига хослигини ҳисобга олмай, унга ортиқча ақлий зўриқиш бериб қўйишаётгандир?

Республика миқёсида олти ёшдан мактабга қабул қилинган болаларнинг касалланиш даражаси бироз пасайган (2002-2003-йиллар давомида жами болалар сонига нисбатан 22,2 фоиздан, 16,2 фоизга камайган) бўлса-да, уларнинг у ёки бу касалликка чалиниши Қорақалпоғистон Республикасида (45 фоиз), Қашқадарё (39,8 фоиз), Бухоро (35 фоиз), Хоразм (31,2 фоиз), Жиззах (23,2 фоиз) вилоятларида кўплигича қолмоқда.

Эътироф этиш лозимки, ота-оналар, педагоглар болаларни эрта ёшидан мактабга беришнинг фойда ёки зарари тўғрисида ўйлаганда, инсон миясининг ривожланишининг ўз нейрофизиологик қонунияти борлигини алоҳида эътиборга олишлари лозим. Мия қуввати ҳар бир ривожланиш босқичи учун тегишли даражада тақсимланган. Агарда бу қувватни шу ёш даврига хос бўлмаган маълум бир психик жараённи ривожлантиришга сарфласак, билингки, шу қувват тегишли бўлган жойда танқислик ҳосил бўлади. Бу ўз-ўзидан боланинг морфологик, физиологик ёки психик ривожланишида салбий бурилиш ёки психик нуқсонни пайдо қилади. Таниқли нейропсихолог А.Сменовичнинг таъкидлашича, 2-5 ёш даври болада сенсомотор ва эмоционал ҳиссий жиҳатларнинг кучли ривожланиш даври ҳисобланади. Агар сиз шу ёшда болани ўқиш, ёзиш, санашга ўргатиб, унинг билиш жараёнини зўриқтирсангиз, билингки, эмоционал ҳиссий ривожланиш учун зарур бўлган мия қувватининг танқислашувига сабаб бўласиз. Бунда боланинг эмоционал-ҳиссий жараёнларининг кечиши ёки соматик (тана) ривожланишида камчилик содир бўлади. Бундай энергия тақсимланишининг мажбуран бузилиши 7-8 ёшли болаларда қўрқув, агрессивлик ёки гиперфаоллик ҳолатларига олиб келади.

Кўплаб ота-оналар болаларини мактабга беришда у саноқни, ҳарфларни ўқишни билса кифоя деб ўйлайдилар. Лекин улар боланинг мактабга тайёргарлиги асосий мезони бўлмиш — билиш жараёнларининг қай даражада ривожланганлигини билмайдилар, бунинг моҳиятини тушунмайдилар. Психологиянинг асосий қонуниятларидан бири — бу ҳар қандай тараққиётнинг кўргазма-образлиликдан абстракт-мантиқийликка қараб боришидир. Агар биз болага у ўқишга ақлий, маънавий-руҳий жиҳатдан тайёр бўлмай туриб, ҳарф ва рақамларни ёзиш, ўқишни ўргатсак ривожланиш қонуниятини тескари ўгириб қўямиз. Психолог олимларнинг таъкидлашича, психика ва эволюцион тараққиёт қонунлари ҳам физик қонунлардек бузилмас ҳамда универсалдир.

Маълумки, мактабга олти ёшдан қабул қилинган болаларни ўқув фаолиятига мослаштириш учун ўқитувчилар, мактаб психологлари турли тадбирлар, жумладан, "Психологик саломатлик мактаби" коррекцион-ривожлантириш машғулотларини ўтказадилар. Шунга қарамасдан, афсуски, минглаб болаларнинг мактабга мослашиши оғир кечмоқда (2-жадвалга қаранг).

Ҳар ўқув йилининг иккинчи чораги сўнгида, олти ёшдан қабул қилинган болаларнинг ақлий ривожланиш ва мактабга мослашиш даражасини ўрганиш мақсадида қайта психологик-педагогик ташхис ўтказилади. (2-жадвал.) Натижаларнинг икки йиллик қиёсий таҳлилларига эътибор берсак, 2001-2002 ўқув йилида мактабга қабул қилинган олти ёшлиларнинг 90,4 фоизи, 2002-2003 ўқув йилида эса 92,1 фоизи ўқув фаолиятига ижобий мослашган. Кўриниб турибдики, республика бўйича олти ёшлиларнинг мактабга мослашув кўрсаткичлари олдинги йилга нисбатан 1,8 фоизга ўсган бўлса-да, буни ижобий баҳолаш қийин. Чунки шу йиллар давомида олти ёшдан мактабга қабул қилинган 17 минг 956 нафар болалар ўқув фаолиятига мослашмаган ёки мослашуви секин кечган. Айниқса, икки йилда олти ёшдан қабул қилинган 306 нафар боланинг мактабдан чиқарилиши ўта ташвишли ҳолат.

Жадвалдан кўринадики, ўқув фаолиятига мослашмаган ёки мослашиши секин кечаётган олти ёшдан мактабга қабул қилинган болалар салмоғи Андижон (24,9 фоиз), Сирдарё (20,2 фоиз), Хоразм (14,2 фоиз), Навоий (11,6 фоиз), Тошкент (11,5 фоиз), Бухоро (8,9 фоиз) вилоятларида республика бўйича умумий кўрсаткичдан ҳам кўп. Бу олти ёшли болаларни мактабга қабул қилиш бўйича ўтказилган психологик-педагогик ташхиснинг самарадорлиги ҳам паст эканлигидан далолат бермайдими? Нахотки, психологик-педагогик кўрикда мактабга психологик жиҳатдан тайёр, деб топилган бола икки чоракдан кейин ўқишга мослаша олмаса? Бундай ҳолатда мазкур вилоятлардаги ҳудудий ташхис Марказлари фаолиятига қандай баҳо бериш мумкин? Шу ўринда 2001-2002 ўқув йилида Фарғона вилоятида 214 нафар, Бухоро вилоятида 27 нафар, 2002-2003 ўқув йилида эса, Бухоро вилоятида 42 нафар, Сурхондарё вилоятида 17 нафар олти ёшдан қабул қилинган боланинг мактабдан чиқарилиши ташвишли ҳолат эканлигини таъкидлаш лозим.

Ўтказилган қайта ташхис хулосаларидан маълумки, мактабга мослашмаган болаларда билиш психик жараёнлари, майда қўл моторикаси ва кўрув-ҳаракат координациясининг етарли даражада ривожланмаганлиги, мантиқли фикр маҳсулдорлигининг пастлиги, мотивация ва иродавий жиҳатларининг тўлиқ шаклланмаганлиги, хатти-ҳаракатнинг ихтиёрий бошқарувидаги муаммоларнинг мавжудлиги, уларнинг муваффақиятли ўзлаштиришларига салбий таъсир кўрсатади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтиш мумкинки, нейрофизиологик жиҳатдан ихтиёрий диққат ва ўқиш учун зарур бўлган кўплаб мияда кечадиган жараёнлар асосан 7-8 ёшда (ақлий ёши ўзиб кетган болаларда олти ёшда ҳам) шаклланади. Яъни шу ёшда мия 45 дақиқалик ақлий меҳнатга тайёр бўлади. Шунинг учун ҳам ота-оналар олти ёшли болаларини мактабга олиб келишдан олдин, шу омиллар ҳақида жиддий ўйлаб кўришлари керак.

Худди шундай, ҳудудий ташхис марказлари мутахассислари, тиббий ходимлар, мактабларда ташкил этилган психологик-педагогик ташхис комиссиялари аъзолари, ўқитувчилар ва мактаб маъмурияти ҳам мактабга жисмонан, ақлан, маънан ва психологик жиҳатдан мутлақ, ҳар томонлама тайёр бўлган олти ёшли болаларни танлаб, жалб этиш ҳамда уларни ўқув фаолиятига мослаштириш ишларига янада масъулиятлироқ ёндашишлари даркор. Зеро, олти ёшли болажоннинг мактабда муваффақият билан ўқиб кетиши катталарнинг хоҳиш-истаги билан эмас, унинг ўқишга тайёргарлик даражаси, имконият ва қобилиятига боғлиқ бўлади.

Йўлдош АСАДОВ,
Республика ташхис Маркази директори ўринбосари

Мактабга олти ёшдан қабул қилинган болаларнинг саломатлиги

(чуқурлаштирилган тиббий кўрик натижалари асосида)

1-жадвал

№	Вилоятлар	2001-2002 ўқув йили							2002-2003 ўқув йили					
		6 ёшдан қабул қилинган 2-синф ўқувчилари	Тиббий кўрикдан ўтган	Шундан				6 ёшдан қабул қилинган 2-синф ўқувчилари	Тиббий кўрикдан ўтган	Шундан			
				Соғлом деб топилган	фоиз	Касалликка чалинган	фоиз			Соғлом деб топилган	фоиз	Касалликка чалинган	фоиз
1	ҚҚР	7659	7659	5312	69	2347	31	7991	7991	4373	55	3618	45
2	Андижон	10913	10192	7239	71,5	2953	28,5	9892	9892	8041	81	1851	19
3	Бухоро	6820	6812	4012	58,9	2800	41,1	4148	4132	2694	65	1438	35
4	Жиззах	3437	3400	3023	88,9	377	11,1	3909	3892	2992	76,8	902	23,2
5	Қашқадарё	6478	6467	4572	70,6	1895	39,4	7167	7167	4572	70,2	2595	39,8
6	Навоий	2034	2034	1588	78	446	22	2198	2096	1763	84,1	333	15,9
7	Наманган	9924	9924	8852	90,1	971	9,9	10130	9836	8763	89	1073	1
8	Самарқанд	10636	9874	8127	82,3	1747	17,7	11651	11453	11360	98,2	93	0,8
9	Сурхондарё	6283	6281	4754	75,6	1527	24,4	6283	6265	6044	96,2	220	3,8
10	Сирдарё	2733	2567	1961	76,3	606	23,7	3374	3281	2926	89,7	355	10,3
11	Тошкент ш	11526	11320	10997	97,1	323	2,9	11392	11376	9171	80,6	2205	19,4
12	Тошкент в	9014	8092	7119	88	973	12	10859	10379	9951	82	1908	18
13	Фарғона	10030	9921	6172	62,2	3749	37,8	11529	11096	10562	95,1	544	4,9
14	Хоразм	5661	5661	4217	74,4	1444	25,6	5663	5420	3729	68,8	1691	31,2
	Жами	102622	100104	77945	77,8	22158	22,2	106186	104276	86941	83,3	18826	16,7

Мактабга олти ёшдан қабул қилинган болаларнинг ўқув фаолиятига мослашувининг қиёсий таҳлили

2-жадвал

№	Вилоятлар	2001-2002 ўқув йили							2002-2003 ўқув йили					
		Мактабга қабул қилинган 6 ёшли болалар сони	Шундан					Мактабга қабул қилинган 6 ёшли болалар сони	Шундан					
			меъёрда мослашган болалар		Мослашиши секин кечган ёки мослашмаган болалар		Мактабдан чиқарилган болалар сони		меъёрда мослашган болалар		Мослашиши секин кечган ёки мослашмаган болалар		Мактабдан чиқарилган болалар сони
			сони	фоиз	сони	фоиз	сони		сони	фоиз	сони	фоиз	сони
1	Андижон	9892	8308	84	1582	16	2	10371	7788	75,1	2583	24,9	—
2	Бухоро	4203	3741	89,6	435	10,4	27	5898	5463	92,6	435	8,9	42
3	Жиззах	2760	1730	62,8	1030	37,3	—	3471	3287	94,6	184	5,3	—
4	ҚҚР	7991	7040	88,1	951	11,9	—	4944	4762	96,3	178	3,6	—
5	Қашқадарё	7581	7445	98,2	136	1,8	—	8582	8381	97,6	199	2,3	2
6	Навоий	2198	1829	83,5	1030	37,3	—	2350	2076	88,3	274	11,6	—
7	Наманган	10130	10031	99	99	1	—	8675	8675	100	—	—	—
8	Самарқанд	11452	10140	88	1310	11,43	2	11457	10806	94,3	646	5,6	—
9	Сирдарё	2920	2459	85	461	15	—	3101	2472	79,7	629	20,2	—
10	Сурхондарё	6069	5203	85,7	—	—	—	4923	4620	93,8	286	5,8	17
11	Тошкент.ш	11066	10896	98,4	170	1,5	—	12311	11302	91,8	1009	8,1	—
12	Тошкент.в	10779	9463	87	1316	12,2	—	10440	9235	88,4	1205	11,5	—
13	Фарғона	11954	11153	94	587	5,7	214	12945	12165	94	780	6	—
14	Хоразм	4840	4453	92	387	8,1	—	5011	4296	85,7	715	14,2	—
	жами	103835	93891	90,4	8833	9,3	245	103429	95328	92,1	9123	8,8	61

Ta'kid

Экологик тарбиянинг миллий ва умуминсоний меъёрлари халқимизнинг маданий, маънавий ва маърифий дунёқарашлари, халқ оғзаки ижодининг ранг-баранг намуналари орқали ёш авлод онгига сингдириб келинмоқда. Афсуски, ҳали кўплаб ёшларимиз ушбу муаммога бепарволик ва масъулиятсизлик билан муносабатда бўлмоқдалар.

Экологик ҳолат кундан-кунга ёмонлашиб бораётганлигининг сабабларидан бири ҳам экологик муаммоларга кўплаб фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизнинг бефарқликлари, унинг моҳиятини тўла англаб етмасликлари ва тушунишни хоҳламасликларидир.

Бугунги кунда инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, инсоният учун фойдали бўлган табиий муҳитни сақлаб қолиш, инсон ва табиат муносабатларида мувозанатга эришиш муаммолари тобора долзарблашмоқда.

ЭКОЛОГИК САВОДХОНЛИК

у ёшлар онгига мунтазам сингдирилиши шарт

Маълумки, ҳозирда чучук сув ва унинг атрофида юзага келаётган муаммолар кўпчиликни ташвишлантирмоқда. Бундан ташқари, яна кўплаб экологик муаммолар, яъни хазонларни ёқиш, чиқиндиларни дуч келган жойга ташлаб, атмосферани ифлослантириш ҳоллари ҳам учрамоқда. Масалан, Қарши шаҳри мисолида олсак, жуда кўп ҳудудларда уйлардан чиққан ахлатларни дуч келган жойга тўкиш, дарахт баргларини ёқиб, атмосфера мувозанатини бузиш ҳоллари кўплаб учрамоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ёқилган дарахт баргларидан чиққан ифлос газ соф кислороднинг ашаддий душманидир. Мутахассисларнинг фикрича, бир кишининг тоза ҳавода тўйиб нафас олиши учун ўртача тўқсон квадрат метр дарахтзор бўлиши керак экан. Бизнинг шароитимизда эса, бу кўрсаткич 10—15 квадрат метрдан ҳам ошмас экан. Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш, экологик саводхонликни ошириш учун, аввало, оилада, болалар боғчалари, мактаб ва маҳаллаларда махсус ўқув курслари ташкил этишнинг ижобий самаралари тажриба майдончалари фаолиятидан маълум.

Табиий ресурсларнинг ҳам маълум чегараси ва чеки бор. Шу кунги илмий-техник, технологик ривожланиш машинасозлик, транспорт, енгил саноат, атроф-муҳит, табиат, ичимлик суви, иқлим софлигини сақлаш каби бир қанча долзарб муаммоларни юзага келтирмоқда. Шунинг учун ҳам табиатга, унинг неъматларига бўлган муносабатимизни ижобий томонга ўзгартирсак, чексизлик бир қанча чеклилик йиғиндисидан иборат эканлигини тушуниб етган, экологик муаммоларга онгли ёндашган, табиат ривожи ва инсон мавжудлигининг узоқроққа чўзилиши мумкинлигини уқиб олган бўламиз.

Табиатга, табиий муҳитга онгли ва соғлом тафаккур назари билан ёндашиш, уни келгуси авлодга соф ва борлигича етказиш инсониятнинг, жумладан, ҳар биримизнинг асосий бурчимиздир. Мамлакатимизда яшаётган барча фуқароларнинг—кексаю ёшнинг экологик саводхонлигини, экологик маданиятини шакллантириш ва такомиллаштириш давр талаби эканлигини ҳар биримиз онгли ва тўғри тушуниб, фойдали фаолият кўрсатишимиз зарур.

Бу фаолият нимадан иборат? Энг аввало, ўзимиз яшаб турган маҳалла, билим олаётган ўқув масканимизнинг ободлигига, кўркамлигига катта эътибор бериб, шунингдек, бу масканларни турли экологик муаммоларни юзага келтирувчи зарарли ҳолатлардан сақлашимиз, керак бўлса, кўз қорачиғимиздек асрашимиз шарт.

Оқолтин тумани марказидаги «Бобур» ва «Ҳамид Олимжон» кўчалари кесишган жойда тўпланиб қолган ахлат уюмлари. Бундай ҳолатларни кўп жойларда учратиш мумкин.

Алишер ОЧИЛОВ,
Қарши давлат университети Касбий таълим факультети ўқитувчиси

КУТУБХОНАШУНОСЛИК ҲАМ ИЛМ

Ўз севган касбини танлаган инсон, албатта, орзу қилган ютуқларига эришади. Кутубхоначилик соҳасининг дастлабки профессори бўлган Эргаш Йўлдошевни ҳам мактаб чоғларидаги қизиқишлари, китоб ўқишга бўлган ҳаваси Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига етаклаган эди. Институтни кутубхоначи-библиограф мутахассислиги бўйича тамомлагач, аввал Тошкент вилоят болалар кутубхонасида кутубхоначи, бўлим бошлиғи, директорлик вазифаларида ишлади. Сўнгра Тошкент давлат педагогика институтида, 1974 йилдан ҳозирга қадар Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида фаолият юритиб келмоқда. Талабалик давридаги изланишлари, Ленинград маданият институти аспирантурасида орттирган тажрибалари номзодлик диссертациясини ёқлашда ўз самарасини берди.

Эргаш Йўлдошев талабаларга таълим берар экан ўқитувчи, катта ўқитувчи, фан номзоди, доцент, профессор, кафедра мудири каби илмий даража ва лавозимларга эришди. Кутубхонашуносликнинг назарий ва амалий асосларини эгаллашга ҳаракат қилди. Жонкуяр педагог шу соҳанинг барча предметларидан маърузалар ўқиди, амалий машғулотлар олиб бориб, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларига раҳбарлик қилди. Чуқур илмий билим ва янги ахборот технологияларига асосланган ҳолда ўтиладиган дарс ва маърузалар талабаларда зўр қизиқиш уйғотди.

Кутубхонашунос олим шу соҳанинг биринчи профессори, назариётчи ва амалиётчиси сифатида жамоатчиликка танилди. Айниқса, унинг болалар китобхонлиги соҳасидаги изланишлари самарали бўлиб, тадқиқотлари нафақат Ўзбекистонда, балки ҳорижий мамлакатларда ҳам тан олинган. Ушбу мавзуга бағишланган "Кутубхонада болалар ўқишига раҳбарлик қилиш", "Кутубхонада болалар ўқиш маданиятини тарбиялаш" каби ўқув қўлланмалари, "Кутубхона ва ёш китобхон" номли монографияси диққатга сазовордир. Ушбу рисолаларда ёш китобхоннинг ўзига хос хусусиятлари, ўқиш, тушуниш имкониятлари ва уни кутубхонада такомиллаштириш усуллари батафсил баён қилинган.

Эргаш Йўлдошевнинг "Кутубхона фондини ташкил қилиш", "Хужжат фондлари" ўқув қўлланмалари, ўнлаб мақолалари Ўзбекистонда кутубхоналар фондини бутлаш, ташкил қилиш, бошқариш муаммоларига бағишланган. Шунингдек, унинг 70 босма табоқдан зиёд илмий мақолалари, услубий қўлланмалари, монографиялари нашрдан чиқарилган. Уларнинг кўпчилиги кутубхонада болаларга хизмат кўрсатиш, кутубхона фондларини ташкил қилиш масалалари ва муаммоларига бағишланган.

Камтарин олим умрининг 40 йилини кутубхоначилик ва ўқитувчиликка бағишлади. Касбдошлари ва талабалар орасида обрў-эътибор қозонди.

Сойибназар ДАВЛАТОВ,
Тошкент давлат маданият институти "Кутубхона ахборот фаолиятини бошқариш" факультети декани, доцент,
Абдурасул ЎРОЗОВ,
"Кутубхонашунослик" кафедраси ўқитувчиси

БОЛАЛАР ОРАСИДА ЖИНОЯТ

у қандай содир бўлади?

Ҳаёт мисоли турфа хил йўллардан иборат. Кимдир равон йўллардан эзгу мақсадлари сари одимлайди, кимдир бойлик изидан қувади ва кимнингдир йўллари нотекис ва вайрон бўлади. Ана шу паст-баланд йўл оралиғида жиноятнинг қабиҳ чангалига ёш болалар, вояга етмаганларнинг ҳам тушиб қолгани ачинарли ҳолдир. Хўш, мулоҳаза қилиб кўрайлик-чи, бунга сабаб нимада? Бу каби ҳолларнинг тагзамини нималардан иборат?

Жиноятчи, ўғри болалар қачон камаяди? Бугун биз фикр юритмоқчи бўлган масала айнан вояга етмаганларнинг жиноятга қўл уриши ва жиноятчиликка қарши курашиш хусусида. Ички ишлар бўлимлари ва Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари ўз фаолияти давомида қандай ибратли ишларни амалга оширмоқда, деган саволга аниқлик киритиш мақсадида Шайхонтоҳур туманида ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлимининг катта тезкор вакили, милиция капитани Баҳодир Файзиев билан суҳбатда бўлдик.

— Жиноят илдизини биз икки томонлама кузатишимиз мумкин. Биринчи навбатда тарбия, оилавий муҳит катта аҳамиятга эга. Айрим оилалар болаларини жуда эрка қилиб ўстиради. Халқимизда "Қуш уясида кўрганини қилади", деган мақол бор. Болани ғўдаклигидан тарбиялаш зарур. Тарбиясизликдан жиноят келиб чиқади. Бекорчилик эса жиноятчиликнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи иккинчи омил. Баъзи ўсмирлар ишлашни истамасдан жиноят кўчасига кириб қолишади.

— "Жиноятчилик" ҳамда "жиноят" сўзларини қўллаяпмиз. Сизнинг назарингизда кимлар жиноятчи бўлади?

— Қонунни билмаган, яхши тарбия кўрмаган ҳар қандай инсон жиноятчи бўлиши мумкин. Жиноятни тафаккури тор инсонлар содир этишади.

—Вояга етмаганларнинг жиноятга қўл уришларига сабаб нимада деб ўйлайсиз?

— Юқорида айтилганидек, авваламбор тарбиянинг нотўғри бўлиши ёки ёш боланинг етарли тарбия берилмаслиги оқибатида жиноят шаклланиб боради. Айрим болалар ўқишга бориш баҳонасида турли хил ишлар билан шуғулланишади. Ота-она бундан бехабар бўлади. Вояга етмаган болаларни доимий равишда ота-она назорат қилиб туриши зарур. Бефарқлик болаларни жиноят сари етаклайди. Шуниси ажабланарлики, кўп ҳолларда жиноятни содир этган болалар тўқ хонадонларнинг фарзандлари бўлиб чиқади.

— Жиноятчиликнинг олдини олиш ва бунга қарши курашиш учун нималарга эътибор қаратиш керак?

— Ўқув масканлари ҳамда мактабларда устозлар, ички ишлар бўлими ходимлари ўқувчиларга тушунтириш ишларини олиб бориш ва ўқувчиларга тушунтириш ишларини ўргатадиган жойларга кўпроқ жалб этиш зарур.

Айни пайтда мактаб ўқувчилари билан бўлимимиз ходимлари ҳам тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Олдимизга яна талай режаларни қўйганмиз.

Бола сув каби беғубор. Ниҳол мисол парваришга муҳтож. Болаларнинг баркамол инсон бўлиб вояга етиши учун эса, эътибор ва тарбия зарур. Шундай экан, уларни доимо назорат қилиб бориш уларга ғамхўрлик кўрсатиш ҳар биримизнинг ишимиз бўлмоғи лозим. Ана шундагина ўғри болалар камаяди.

Шаҳло АБДУРАҲМОНОВА,
Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг 1-курс талабаси, "Бунёдкор" клуби аъзоси

Har oyda bir marta chiqib turgan "Bir safda" jurnali ko'zi ojiz kishilarning chinakam yo'ldoshi va sirdoshi bo'lib qolgan.

Ikkinchi marta ajralgan Germaniyani birlashtirish esa federal-kantsler Gelmut Kol zimmasiga tushdi. U bu ishni qanday amalga oshirdi? Uning siyosiy faoliyati qanday kechdi? Shaxsiy hayoti-chi?

САДДАМ ҲУСАЙННИНГ ТАҚДИРИ

Ироқнинг муваққат ҳукумат раҳбарлари ўтган ҳафта АҚШ ҳарбийлари томонидан қўлга олинган Саддам Ҳусайн Ироқ халқига ўтказган зулмлари ва инсон ҳуқуқларини поймол қилгани учун жиноий жавобгарликка тортилиши керак, деб таъкидлашди. АҚШ президенти Жорж Бушнинг айтишича, Саддам Ҳусайн ҳаққоний жавобгарликка тортилади. АҚШ раҳбари суд жараёни қайси давлатда ва қай вақтда бўлишини ҳозирча ошкор этмаяпти. Аммо Ироқнинг муваққат ҳукумати раҳбари Абдул Азиз ал-Ҳакимнинг айтишича, Саддам Ҳусайнни Ироқ судьялари суд қилиши керак. Умуман олганда, Ироқнинг собиқ раҳбари Ироқ халқи олдида жавоб бериши шарт. АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельд, Саддам Ҳусайн БМТнинг Женева конвенциясида кўрсатилган ҳарбий асирларни қамоқда сақлашга доир ҳамма қонун-қоидаларга риоя қилинган ҳолда сақланади, деб таъкидлади.

66 ёшли Саддам Ҳусайннинг соғлиғи анча ёмонлашганга ўхшайди. Маълумотларга қараганда, Ироқнинг собиқ раҳбари ҳозирда мамлакатдан олиб чиқиб кетилган. "Ал-Арабия" телеканалининг хабар беришича, Саддам Қатарга олиб кетилган. АҚШ ҳарбийлари томонидан сўроққа тутилган Саддам Ҳусайн ўзини қатъий ва жиддий тутиб турибди. Унинг айтишича, Ироқда ҳеч қачон оммавий қирғин қуроллари бўлмаган.

Буюк Британия бош вазири Тони Блэр Саддам Ҳусайн ўз ватанида суд қилиниши кераклигини айтиб ўтди. АҚШ ҳарбийлари қўлга олиниш вақтида Саддам Ҳусайн ҳеч қандай қаршилик кўрсатмаганлигини ва унинг ёнидан тўппонча ҳамда 750 минг доллар пул топилгани ҳақида хабар беришган. Ушбу воқеаларни Ироқ халқи ниҳоятда мамнуният билан қарши олди, деб хабар беради "BBC" ахборот агентлигининг интернет сайти.

ИСТАМБУЛДАГИ ҚЎПОРУВЧИЛИКЛАРНИ ТАЙЁРЛАГАН ШАХС

Туркияда ноябрь ойидаги бир неча террорчилик хуружларига бош-қош бўлган шахс қўлга олинди. Полиция маҳкамаси ҳозирда унинг исми-шарифини эълон қилмай турибди. Текширувларга қараганда, айни шу одам бомбаларни тайёрлаган. Ана шу бомбалар икки яҳудий синогогалари олдида портлатилган. Кейинги икки портлашларни ҳам худди шу шахс тайёрлаган. Улар инглиз консуллиги ва инглиз-турк банки ёнида содир этилган эди. Умумий портлашлар натижасида 61 киши дунёдан кўз юмди.

Туркия оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, қўпорувчи мамлакатнинг Эрон ва Ироқ чегараси ёнида сохта паспорт ёрдамида чиқиб кетаётган пайтда қўлга олинди. Шу кунгача ушбу террорчилик хуружига алоқадор 30 киши қўлга олинган ва сўроққа тутилган, деб хабар беради "НТВ" сайти.

ИТАЛИЯДА НАМОЙИШЛАР

Италия шаҳарларида умумтранспорт ҳайдовчиларининг намойишлари ўтказилди. Автобус, трамвай, метро ҳайдовчилари 24 соат иш ташлашди. Норозиликлар Италия транспортчилари касаба уюшмаси томонидан ташкил этилди. Қатнашчилар ишлаш шароитларини яхшилаш ва маошларининг кўтарилишини талаб қилишмоқда. Вақтинчалик иш ташлаш натижасида кўплаб ишчилар ва хизматчилар ўз манзилларига етолмай хуноб бўлмоқдалар. Римда эса енгил автоуловларнинг кўпайиб кетганлигидан йўлларда тўсиқлар юзага келди. Бу ҳақда Россиянинг "1-канал"и интернет сайти хабар берди.

АФРИКА ВА ЕВРОПА БИРЛАШМОҚДА

Испания ва Марокаш Ўрта ер денгизи тагидан темир йўл туннелини қуришни режалаштирмоқда. Бу дунёда биринчи марта Европа ва Африкани бирлаштирадиган қурилма бўлади. Ушбу режалар ҳақида икки давлат раҳбарлари келишиб олишди. Туннел қурилиши ҳақидаги фикрлар 20 йил олдин гапирилган эди. Эндиликда икки давлат ўртасидаги дўстлик алоқалари тобора ривожлангани сари янги имкониятлар пайдо бўлмоқда, деб хабар беради "BBC" ахборот агентлигининг интернет сайти.

ГРУЗИЯ ВА РОССИЯ АЛОҚАЛАРИ

Грузия ва Россия ўз муносабатларини бир дақиқага ҳам тўхтатмасликлари керак, деган ғоя остида Грузиянинг ҳозирги раҳбари Нино Буржанадзенинг Москвага расмий сафари режалаштирилди. Бу ҳақда икки давлат раҳбарлари Бокуда бўлган учрашувларда келишиб олишди. Бокудаги икки раҳбарнинг қисқа учрашуви ниҳоятда катта аҳамиятга эга, деб ҳисобланмоқда. Ҳозирча Россияга Грузия ташқи ишлар вазири Тедо Жепаредзе ташриф буюрди, деб хабар беради Россиянинг "1-канал"и интернет сайти.

АФҒОНИСТОНДАН ХАБАРЛАР

16 декабрь куни Афғонистонда Қобул—Қандаҳор ўртасидаги янги йўл қайта тикланди ва фойдаланишга топширилди. Ушбу йўлнинг қайта тикланишига АҚШ ҳукумати ва Афғонистондаги АҚШ элчихонаси ҳомийлик қилди. Йўлнинг умумий узунлиги 482 километрни ташкил этади. Узоқ йиллар давом этган урушлар натижасида йўллар ишдан чиққан ва талабларга жавоб бермай қўйган эди. Таъмирланган йўлнинг очилишида Афғонистоннинг муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай қатнашди.

Қобул ва Қандаҳор автомагистрали ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган стратегик жабҳа. Афғонистонда бу қадар қурилишлар ва қайта таъмирлашлар ҳаракатлари бундан кейин ҳам жадал суръатларда олиб борилиши режалаштирилмоқда. Бу ҳақда "НТВ" каналининг интернет сайти хабар берди.

Интернет хабарлари асосида
Сарвар ФАЙЗУЛЛАЕВ тайёрлади.

ГЕЛЬМУТ КОЛЬ

Азиз муштарийлар, газетамизнинг ушбу сонидан бошлаб "Лидер" рукни остида дунё сиёсатчилари, раҳбарлари, президентлари, уларнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида маълумот бериб бормоқчимиз. Сизни қайси давлат раҳбарлари, дунёнинг қайси сиёсатчилари босиб ўтган йўл, уларнинг қандай жиҳатлари қизиқтиради? Сизлар қандай шахслар билан танишишни истайсизлар? Уларнинг қайси томонларига эътибор қаратишимиз лозим? Шу ҳақда мулоҳаза, таклиф, фикрларингизни кутиб қоламиз.

Иккинчи жаҳон уруши якунланиши билан Германия икки олмон давлатига айланганидан хабарингиз бор. Бу давлатлар қарийб ярим аср бир-бири билан алоқаларини узиб, ўртадан "Берлин девори"ни қуриб қўйганини немислар ҳозиргача ачиниш билан эслашади. Бундай бўлиниш XIX асрнинг ўрталарида ҳам Германия халқига раҳна солган эди. Бу бўлинишга нуқта қўйиш Бисмарк зиммасига тушганди. У 1871 йилда Германияни "темир ва қон билан" бирлаштирган эди. Иккинчи марта бўлинган Германияни бирлаштириш эса федерал-канцлер Гельмут Коль зиммасига тушди. У бу ишни қандай амалга оширди? Унинг сиёсий фаолияти қандай кечди? Шахсий ҳаёти-чи? Шу саволларга атрофлича жавоб топишга ҳаракат қилсак.

1980 йилнинг иккинчи ярмида Германия Федератив Республикасининг иқтисодий ривожланиши секинлашди. Бу 1981—82 йилларда унча узоққа чўзилмаган инқирозга алмашди. Ишсизлар сонининг 2,5 миллиондан ошиб кетиши, пулнинг қадрсизланиши 1982 йилда коалициянинг емирилишига олиб келди. Ва социал-демократ Гельмут Шмидт канцлерлик лавозимидан истеъфога чиқишга мажбур бўлди. Христиан демократлар иттифоқининг раҳбари Гельмут Коль янги федерал канцлер бўлди. Шундай қилиб, Гелмут Коль ҳокимиятни қўлга киритди. Шу ерда Гельмут Колнинг ҳаёт босқичлари ҳақида тўхталиб ўтсак.

Коль 1930 йил 3 апрелда Людвигсхалфенда католиклар оиласида туғилган. Иккинчи жаҳон уруши тугаши билан у армия сафига чақирилади. Бу вақтда у ўзининг йўналишини танлаб олган эди. У гимназияда таҳсил олди. Коль жамиятшунослик ва сиёсатшунослик университетлари ҳисобланган Франкфурт ва Гейдельберг университетларини тамомлаган. 1947 йил христиан-демократлар иттифоқи партиясига аъзо бўлиб киради (ХДИ).



1969—76 йилларда Рейнланд—Пфальц ҳудудига бошқарувчи(ҳоким) бўлиб кетади. У 1970 йилларнинг ўрталарида ХДИнинг лидерларидан бирига айланиб бўлган ва шу билан бирга бундестагнинг оппозициясига айланиб улгурганди. Шу зайлда 1982 йилда Коль канцлерлик лавозимини қўлга киритди.

Lider

Шу йили христиан ва эркин демократлар коалицияси муддатидан илгари парламент сайловларини ўтказди. Унда ХДИ ва ХСИ блоки энг кўп овоз (48,8 фоиз) ва ўрин (244) олди. Илк бор бундестагда "Яшиллар" партияси 5,6 фоиз овоз олиб, 27 депутат пайдо бўлди. Г.Коль ва унинг маҳкамаси ҳокимият тепасида қолди.

Бу вақтга келиб, ГФРнинг кўпчилик аҳолиси герман бирлигининг тикланишидан умидвор эди. Фақат у тинч йўл билан, ГДР ва тўрт буюк давлат розилиги билан амалга ошишини яхши тушунишарди. Аммо бундай истиқболга эришиш ушалмайдиган орзудек туюларди. 1980 йилларда бу икки олмон давлати ўртасида жуда катта тафовут пайдо бўлди. ГДР аҳолисининг ГФРга бўлган қизиқиши ортиб кетди. Лекин ГДРдан кетиш ман этилди. Кимки норасмий ҳолатда "Берлин девори"дан ошиб ўтса, уларга нисбатан қурол ишлатишдан ҳам тойишмасди. 1989 йилнинг кузида Шарқий Европа мамлакатларида коммунистик режимнинг емирила бошланиши билан ГФРга қочиш оммавий тус олди. 9 октябрда Э.Хонеккер ва унинг ҳукуматининг мажбурий истеъфосидан сўнг халқ нафрати "Берлин девори"ни бузиб ташлади.

Ана шундай ҳолатда Германиянинг ҳар иккала қисмини бирлаштириш ҳақида музокаралар бошланди. Бунинг бошида Гелмут Коль турарди. Бу иш муваффақиятли якун топди. 1990 йилнинг 3 октябрида Коль томонидан ягона герман давлати ташкил топганлиги эълон қилинди.

Германиянинг бирлашуви дунё аҳамиятига молик воқеа бўлди. Бу Коль учун катта обрў олиб келди. Шунинг учун бўлса керак, Колни биз бошда айтиб ўтган Бисмаркка ҳам тенглаштиришади. Колнинг Бисмаркдан фарқли томони шу бўлдики, у Германияни қон тўкишсиз, тинчлик йўли билан бирлаштирган. Яъни, Коль битта ҳам ўқ узмасдан Германияни бирлаштирди. 1990 йил декабрда бундестагга сайловларда 60 миллион сайловчи (48 миллион ГФРдан, 12 миллион ГДРдан) қатнашди. ХДИ, ХСИ 602 ўриндан 319 тасини эгаллаб, бошқарувчи коалиция мутлақ кўпчилик овозга эга бўлди. Социал-демократлар 239 мандат олишган бўлса, қолган ўринларни "Яшиллар" партияси эгаллади. 1993 йил 28 апрелда Президетимиз И.Каримов Германияга қилган расмий ташрифида Гельмут Коль билан учрашди, иккала давлат ўртасида иқтисодий-сиёсий ҳамкорлик ўрнатилди. Бу икки сиёсатчининг учрашиши Ўзбекистон ва Германия учун тарихий воқеа бўлиб қолди.

Гельмут Колнинг Германиянинг бошқа федерал-канцлерларидан фарқли томони шундаки, у дунёдаги каттакичик давлатлар билан бир хилда сиёсат олиб борди. Масалан, Коль бир вақтнинг ўзида ҳам НАТО билан, ҳам Россия билан бир хилда ҳамкорлик олиб борди. Бу Г.Колнинг рейтингини оширса оширдики, туширмади. Коль Германиянинг Европада ягона эканлигини кўрсатди ва халқаро нуфузини юқори чўққиларга олиб чиқди. Германия иқтисодини АҚШдан кейинги ўринга олиб чиққан шахс ҳам айнан Гельмут Колдир.

Шерзод АҲМАТОВ,
"Маърифат" мухбири

Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги қароридан сўнг барча жойларда бўлганидек, Фарғона вилоятида ҳам кўплаб спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Яқинда ўз фаолиятини бошлаган Фарғона шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежи ҳам қарорнинг амалда бажарилаётганига яққол намунадир. Таъкидлаш жоизки, 450 ўринли коллеж биноси қисқа фурсатда қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— 2003 йилда 3 миллиард 881 миллион 237 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш режалаштирилган, — дейди вилоят қурилиш бошқармаси бошлиғи М.Раҳматов, — ҳозиргача 3 миллиард 446 миллион сўмликдан зиёд иш бажарилди.

Биринчи навбатда ўқув биносининг қурилиши ниҳоясига етказилиб, йил охиригача 60х20 ҳажмдаги спорт биноси ҳам фойдаланишга топширилади. Унда 3 та залга эга бўлган теннис корти мажмуаси бунёд этилади. Шунингдек, ташқи ободонлаштириш ишлари ҳам якунланади. Қурилишнинг иккинчи навбати 2004 йилда давом эттирилади. Унда ёпиқ типдаги чўмилиш, сузиш ҳавзалари, очиқ типдаги стадион, ошхона ва ётоқхона қурилиши кўзда тутилган.

ФАРҒОНАДА СПОРТ КОЛЛЕЖИ ИШ БОШЛАДИ

Қурувчиларнинг қўли қўлига тегмайди. Кундан-кун чирой очиб бораётган биноларни кўриб, кўз қувнайди.

— 10 ноябрдан ўз фаолиятини бошлаган коллежимиз спортга иқтидори бўлган ўқувчи ёшлар учун мўлжалланган, — дейди коллеж директори, педагогика фанлари номзоди, спорт усталигига номзод О.Назиров. — Ўқувчиларга спортнинг 13 тури бўйича 17 йўналишда таълим берилиши кўзда тутилган бўлиб, бугунги кунда танлов асосида 300 нафар иқтидорли ўқувчи қабул қилинди. Уларга таълим-тарбия бериш учун вилоятимизнинг кўзга кўринган ўқитувчи ва спорт мураббийлари таклиф этилди. Келажакда республикамиз спортини жаҳонга танитадиган спортчиларни тарбиялаш энг олий мақсадимиздир.

Акрамжон ТУРСУНАЛИЕВ,
"Маърифат" мухбири

Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими қошидаги ихтисослашган 4-сон болалар — ўсмирлар гимнастика спорт мактабида акробатика бўйича Республика биринчилиги ва Халқаро биллур соврини учун мусобақа бўлиб ўтди.

Мусобақада Наманган, Андижон, Фарғона, Самарқанд вилоятлари ҳамда қўшни Қозоғистоннинг Чимкент, Олмаота, Павлодар, Петропавловск шаҳарларидан ташриф буюрган 95 нафар акробатчилар иштирок этдилар.

БИЛЛУР СОВРИН УЧУН БЕЛЛАШУВ

Қизиқарли кечган уч кунлик мусобақа якунига кўра, самарқандлик Нажибулло ва Ҳабибулло Бобомуродовлар эркаклар жуфтлик машқларида ғолиб чиқдилар.

Мусобақа сўнгида ғолиб ва совриндорларга вилоят халқ таълими бошқармаси, шаҳар халқ таълими бўлими ва ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

МУАЛЛИМ БОБОЛАР ДОНА СУРИШДИ

Ургут туманининг 1-ўрта мактабида вилоят халқ таълими тизимидаги ташкилотлар фахрийлари ўртасида шахмат бўйича биринчилик бўлиб ўтди.

Мусобақанинг очилиш маросимида Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлидинов, Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи М.Бобоёровлар иштирок этишди ва мусобақа қатнашчиларига омад тилашди.

Мусобақаларда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан келган фахрий шахматчилар биринчилик учун шиддатли кураш олиб боришди. Биринчи ўринни энг кўп очко тўплаган самарқандлик Ўроқ Суюнов эгаллади. Иккинчи ўрин пайариқлик Раҳмат бобо Довиров ва учинчи ўрин иштихонлик Муҳаммад бобо Абдураҳимовга насиб этди.

Чемпион ҳамда совриндорлар вилоят халқ таълими бошқармасининг қимматбаҳо эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

М.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

Futbol

ҚИТЪАДА «ЭНГ ЯХШИ...»ЛАР

12 декабрь куни Осиё Футбол конфедерацияси бош қароргоҳи жойлашган Куала-Лумпур шаҳрида "Осиё чемпионлар лигаси — 2004"га қуръа ташлаш маросими ўтказилди. Қуръа натижасига кўра, қитъамизнинг энг кучли 28 жамоаси 7 гуруҳга бўлиниб, беллашадиган бўлди. Гуруҳ ғолиблари тўғридан-тўғри чорак финалга йўл олишса, 8-жамоа — амалдаги чемпион БААнинг "Ал-айн" жамоаси уларга қўшилиб, ярим финал учун курашади.

ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ

Ушбу мусобақада Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси "А" гуруҳида "Зоб Аҳан" (Эрон), "Ал-Риффа" (Баҳрайн) ва "Қатар спортс клуб" (Қатар) жамоалари билан беллашса, Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси "Д" гуруҳида "Сепахан" (Эрон), "Ал-Араби" (Қувайт) ва "Ал-Иттиҳод" (Саудия Арабистони) жамоалари билан чорак финал йўлланмаси учун курашади.

Февралдан декабрга қадар ўтказиладиган Осиё чемпионлар лигасининг дастлабки тур учрашувлари 2004 йил 11 февраль куни бўлиб ўтса, финал ўйини 1 декабрга мўлжалланган.

10 декабрь оқшомида Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтган Осиё Футбол Конфедерацияси (ОФК)нинг навбатдаги йиғилишида қитъамизнинг 2003 йилги энг яхши футболчи, терма жамоа, жамоа, мураббий, энг ёш футболчи номинацияларида бўйича номзодлар аниқланди. Ўзбек футбол мухлислари учун аҳамиятли жиҳати шу эдики, сариқ қитъанинг энг яхши футболчиси номзодлигига асосий даъвогар сифатида мамлакатимиз миллий терма ҳамда Киевнинг "Динамо" жамоалари ҳужумчиси Максим Шацкихнинг номи ҳам тилга олинганди. Айнан шу оқшомда Европа чемпионлар лигаси гуруҳ босқичининг сўнгги учрашувини Валерий Лобановский номидаги стадионда Миланнинг "Интер" жамоаси билан дуранг ўйнаб (1:1), еврокубоклардаги ўйинларини тўхтатишга мажбур бўлган "Динамо" жамоаси (чунки Лондонда кечган "Арсенал" — "Локомотив" баҳсида туманли албеон вакиллари 2:0 ҳисобида зафар қучишиб, гуруҳда 1-ўрин билан кейинги босқичга чиққан, "Локомотив" ҳам ЧЛнинг кейинги босқичида ўйнаса, Киевдаги дурангдан сўнг "Интер" энди УЕФА кубоги бахсларида беллашувни давом эттирадиган бўлди) ҳужумчиси Максим Шацких Осиёда иккинчи сифатида тан олинди. Негаки, Эрон терма ва Германиянинг "Гамбург" жамоалари ўйинчиси Мехди Мехдавакия сариқ қитъанинг "2003 йилдаги энг яхши футболчиси", деган номга сазовор бўлди. "Йилнинг яхши жамоаси" номига сазовор бўлган БААнинг "Ал-айн" жамоасидан Осиё чемпионлар лигаси финалида мағлуб бўлган Таиланднинг "Бек теро Сасана" жамоаси ўйинчиси Тердсак Чайман эса, Максим Шацкихдан кейинги ўринни банд этди. "Энг яхши ёш футболчи" номига Япония вакили сазовор бўлган бўлса, "энг яхши терма жамоа" дея Ўзбекистон терма жамоасининг "Германия — 2006" йўлидаги рақибларидан бири — Ироқ терма жамоаси топилди.

Шер АЛИ

E'tibor

«БРАЙЛ» КИТОБЛАРИ КЕРАК

Халқимиз азалдан кўзи ожизларни "қори" деб эъзозлайди. Бу — бежиз эмас, албатта. Чунки уларнинг кўпчилиги Қуръони каримни ёд олиб, дунёни кўнгли билан кўрадилар.

Умуман, кўзи ожизлар ўқишга, ўқиганларини ёзишга ва шу ёзиш орқали дунёни "кўриш"га ўч бўладилар.

— Самарқанд вилоятидаги ягона кўзи ожизлар кутубхонасида 15300 та китоб бор, — дейди шу кутубхона мудираси Тожихон Охунова. — 685 нафар китобхонга эгамиз. Уларнинг барчаси китобга, айниқса, янги нашрларга жуда ўч. Афсуски, биз уларнинг истакларини доим ҳам қондира олмаймиз. Чунки Брайл алифбосидаги (кўзи ожизлар учун игна билан ёзилиб, бармоқ билан ўқиладиган китоб) китоблар китобхон эҳтиёжидан анча кам.

Мудиранинг таъкидлашича, кўплаб кўзи ожизлар ўқиб-ўрганишга, билим олишга чанқоқ бўлишади. Баъзилари бирор ҳунар эгаллашади. Шунда ҳам китобга, яъни ўқишга ташналик уларда сусаймайди. Бу ташналикни ихтисослашган кутубхона маълум даражада қондириб турибди. Лекин, барибир Брайл ёзувидаги китоблар нашрини кучайтиришдек муаммони кун тартибидан олиб бўлмайди. Аксинча, бу масалага мутасадди кишилар, корхона ва ташкилотлар эътиборини янада жиддийроқ қаратиш зарур.

Ҳар ойда бир марта чиқиб турган "Бир safda" журнали кўзи ожиз кишиларнинг чинакам ўйлдоши ва сирдоши бўлиб қолган. Қолаверса, кутубхона янги китоблар микрокассеталарини ҳам олиб турибди. Лекин жаҳон адабиёти дурдоналари билан кўзи ожизларни "аслида" таништирувчи Брайл китобларининг ўрнини улар тўла боса олмайдилар.

С.ҲУСАИНОВ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИНИНГ

барча факультетларида сиртқи таълим шаклларининг I, II, III, IV, V курсларида 2003-2004 ўқув йили қишки сессияси 2004 йил 2-12 январда ўтказилади.



«ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ ВА ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ»

республика илмий-амалий доимий семинарининг

ЭЪЛОНИ

Семинарнинг навбатдаги мажлиси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегия ва минтақаларо тадқиқотлар институти ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда ўтказилади.

Маъруза мавзуси:

"Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий кайфияти мониторинги".

Семинар мажлиси 2003 йил 25 декабрь куни соат 10.00 да ЎзФА президиумининг кичик мажлислар залида бошланади.

Манзил: ***Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 70-уй, ЎзФА президиуми.***
Алоқа телефони: 139—84—29, факс: 139—85—48.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий кенгаши томонидан етакчи мутахассис Набиев Сохибжон Абдуғаниевич номига берилган МКТ-58Д рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси таълим ва фан ходимлари Наманган вилояти касаба уюшма қўмитаси раиси Роза Деҳқоновага отаси **ТОШТЕМИР ОТА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Марказий қўмитанинг молиявий ишлар бўлими мудири Абдурашид Абдувоҳидовга отаси **МАҲКАМ ОТА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

"O'zagrosug'urta" давлат акциядорлик суғурта компанияси жамоаси Бошқарув раиси Пўлат Казиевга қайнонаси **ТУРСУНХОН ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Har qanday falsafaning ibtidosida hayrat yotadi, tadqiqot uning rivoji, bilimsizlik esa intihosidir.

Qarasa, oddiy pastkina uy, uning oldida katta gumbaz. U o'zicha o'ylabdi: «O'zi zo'rg'a yashar ekanu menga non berarmidi?»

«ЕР ОСТИ ЙЎЛАГИДАН ЎТИШГА ҚЎРҚАМАН»

Миатто

Шаҳримизда ер ости йўллари кўплаб жойларда қурилган. Улар шаҳар аҳолисининг транспорт серқатнов жойларида, чорраҳаларида йўлнинг у юзидан бу юзига ўтиш қулай бўлиши учун мўлжалланган. Хўш, ер ости йўллари аҳолининг талабини қай даражада қондираяпти? Бу йўлларнинг аҳволи ҳар жойда ҳар хил эканлигини кўрганмиз. Лекин кўплаб, айрим ер ости йўлларининг озодалигига кимлар эътибор беришади? Албатта, «Сизу биз-да» деб жавоб беришингиз мумкин. Баъзи бировлар эса «Эй, шуям муаммоми? Бунга ер ости йўли супурувчилари жавобгар», дея қўл силтаб кўя қолишади.

Ҳар якшанба куни Сирғали туманидаги ярмарка, яъни «Кўргазма» бозорига савдо қилгани тушиб, ортга қайтган пайтларим ҳар гал йўлим шу ерда жойлашган ер ости йўлига тушади. У ерга киришим биланоқ қандайдир бадбўй ҳид димоғимга урилади. Жиғибийрон бўлиб, шу ердан нафас олмай, бурнимни беркитиб, шошилганча ўтиб кетаман. Бундай қилиб нафақат мен, балки бошқа одамлар ҳам ўтишади. Ўтган-кетганларнинг айтишича, шу ерда садақа сўраб турадиган тиланчилар ифлос қилиб кетарканлар.

Энг ачинарли ҳол шуки, ёмғир ёки қор ёққан пайтлари ер ости йўли сувга лиқ тўлиб, оёқ босишингизга сувдан холи ери йўқлигидан кириб бўлмайди. Албатта, бундай аҳволдан кейин йўлнинг нариги юзидан айланиб, кесиб ўтишингиздан бошқа иложингиз қолмайди. Наҳотки, автомашиналар зув-зув қатнаб турганидан, гарчи светофорлар бўлса ҳам, бу жойдан тез-тез ўтиб туриш хавфлилигини билмасак?

Яна бир муҳим жойи, у ердан кечқурун ўтар экансиз, чироқ йўқлигидан йўлдаги ётган нарсаларни кўз илғамай, юрак ҳовучлаб ўтасиз. Ер ости йўлида қиларга иши йўқ, кўринишидан, турқиларидан кимлигини дарров билиб олса бўладиган безорилар сигарета чекиб ўтган-кетган қизларга гап отиб, йўл тўсиши ғазабингни қўзғатади. Шу маҳаллада истиқомат қилувчи қизлар эса «Йўлимни тўсишади» дея ҳатто ер ости йўлига тушишга ҳадиксираб туришади.

Устига-устак сотувчилар ер ости йўли ичида балиқ, жигар, товуқ каби аҳоли истеъмол қиладиган ва бошқа гўшт маҳсулотларини сотиб ўтиришганига нима дейсиз? Яна улар ўтган-кетганларга маҳсулотларини мақтаб, харидор чақиришади. Шу озиқ маҳсулотларига турли чанг-тўзон ўтириб қолишини била туриб, баъзи бир одамлар арзонлигиданми, шу ердан харид қилишганини кўриб, ёқа ушлад ҳайрон қоласан, киши. Яна шу сотувчилар ахлатни сотиб ўтирган жойига ташлаб кетганини кўриб, ичинг ачиб кетади. Уларнинг олдига бориб: «Хола, бу ерда сотмай, бозорга олиб чиқиб сотинг» дейишга юрак бетлаб айтсанг: «Сенинг ишинг нима?», дея бақириб, бири олиб, бири қўяди.

Наҳотки, бу номаъқулчиликларга чора кўрадиганлар бўлмаса? Кўзга ташланадиган мана шундай ерларни ҳеч бўлмаганда шу яқин атрофда яшайдиганлар ҳашар йўли билан тозалашса яхши бўларди.

Г.КУВОНДИКОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети 2-курс талабаси

КУНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

Дам олиш саҳифаси

ЎЗИНИ ЎРГАНГАН ФАЙЛАСУФ

Француз файласуфи Монтен(Мишел Эйкем) 1533—1592 йилларда яшаб ижод этган.

Ёш Монтен Тулуза дорилфунунида таҳсил олди. У, айниқса, файласуфлар Сенека ва Плутарх таълимотини қунт билан ўрганди. Файласуф ўзининг жуда бой шахсий кутубхонаси билан ном қозонган.

Монтен ўзининг бор қобилиятини энг кўҳна ва мустаҳкам илм—ўзини ўзи англаш илмига бағишлади. Файласуфнинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: «Мен ўзимни ўрганаман. Ана шу тадқиқотим мен учун ҳам физика, ҳам метафизикадир».

Монтен — инсон қалбининг хилват кенгликларини, феъл-атворининг ўзига хос қирраларини, унинг фавқулодда вазиятдаги хатти-ҳаракатларини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Уни олам унсурлари эмас, «шахс унсури», «хатти-ҳаракат узвлари мажмуаси», заковат туҳфаларию юрак сирлари қизиқтирарди.

Монтеннинг бизга қадар 3 китобдан иборат «Эссе» («Тадқиқотлар», 1580—1588 й.) асари етиб келган.

«Эссе» — лотинча сўз бўлиб «ўз устида тажриба ўтказиш» деган маънони англатади. Монтеннинг бу асари турли мавзулардаги фалсафий тадқиқотлар мажмуидан иборат. Бу асарда 3000 та иқтибос келтирилган: авлиё Павел насиҳатларидан 14 та, «Кўҳна Аҳд»дан 12 та, Инжилдан 4 та. Шунингдек, алломалар Экклезиаст, Вергилий, Гораций, Афлотун, Эпикур, Лукреций, Плутарх ва Сенека каби алломалардан олинган бир неча юзлаб иқтибослар ҳам ушбу асарда акс этган. Монтен асарларида қайси мавзуга мурожаат қилмасин, аввал ўз шахсий ёндашувини, кейин эса, мисолларни баён этади. Баъзан аксинча йўл тутади.

Монтен Бордо парламентининг маслаҳатчиси, кейинроқ эса, Бордо шаҳрининг ҳокими бўлиб хизмат қилган.

МОНТЕН ҲИКМАТЛАРИ

Бу оламнинг жамики доноликлари ва фикр-мулоҳазалари одамларни ўлимдан қўрқмасликка ўргатишга бориб тақалади.

...

Жоҳилликдан қутулмоқни истасанг, аввал унга иқрор бўл... Ҳар қандай фалсафанинг ибтидосида ҳайрат ётади, тадқиқот унинг ривожи, билимсизлик эса интиҳосидир.

...

Табиатда ҳеч нарса фойдасиз эмас. Ҳатто фойдасизликнинг ўзи ҳам фойдалидир.

...

Инсон қолган барча тирик мавжудотлардан баланд ҳам, тубан ҳам эмас.

...

Мўъжиза бизнинг табиат борасидаги билимларимиз етарли эмаслиги туфайли келиб чиқади. У табиатга хос сифат эмас.

...

Ҳақиқат ҳақида ўзганинг шоҳидлиги ёки бошқа бир одамнинг нуфузига қараб фикрлаш ножоиздир.

...

Мен ўзимга қарши чиқишим мумкин, лекин ҳеч қачон ҳақиқатга қарши боролмайман.

...

Ҳар қандай билим туйғуларимиз орқали эгалланади. Биз туйғулар измидамиз. Илм туйғудан бошланади ва у билан тугайди.

...

Инсон аслида ким бўлса ўшадир: у ўз тажрибаси доирасидагина фикр юрита олади; ҳарчанд уринмасин, фақат ўз қалбинигина била олади.

...

Илмга мойилликдан кўра табиийроқ интилиш бўлмайди. Идрок ожизлик қилгач, ундан кўра кучсизроқ восита — тажрибага суянамиз. Лекин ҳақиқат шундай улуғ нарсаки, унга етишиш йўлида ҳеч қандай воситага суянмаслик жоиз.

...

Биз отни эгар-жабдуғи эмас, кучи ва чопқирлиги учун мақтаймиз. Нима учун бир одамга баҳо беришда ҳам шундай йўл тутмаймиз? У бой-бадавлат бўлиши, ҳашаматли уйда яшаши, катта даромад ва обрў-эътибор соҳиби бўлиши мумкин. Лекин буларнинг барчаси унинг зоҳиринигина ўраб олган нарсаларидир. Унинг ботинида нима бор? Мушукни қопи билан сотиб олмайсиз, тўғрими? Ёки от сотиб олаётганингизда, албатта, унинг устидаги аслаҳа-анжомни олиб ташлаб, табиий ҳолатига назар ташлайсиз. Нима учун одамга баҳо беришда уни ўраб турувчи ташқи зийнатларни мустасно этмайсиз?

...

... Ўзини ўзи англаёлмаган бу одамларнинг Нил дарёсидаги кўтарилиш ва қайтиш сабаблари ҳақидаги фикрларига қандай қилиб ишонай?

...

Агар менга иккинчи бор яшаш имконияти берилса, аввал қандай яшаган бўлсам, яна шундай яшаган бўлардим. Мен ўтган умримга ачинмайман ва келажакдан қўрқмайман.

...

Донишмандликнинг энг муҳим белгиси — доимий хотиржамлик.

...

Ихтиёрни ўзда сақлаб қолмоқлик — дунёдаги энг улуғ неъмат.

...

Одамлар ўзлари яхши билмайдиган нарсаларга бошқа нарсалардан кўра кўпроқ ишонадилар.

...

Ким нима деса десин-у, аммо ҳатто эзгуликнинг замирида ҳам ҳузурланиш ётади.

...

Ҳаёт эзгулик ҳам, ёвузлик ҳам эмас. У эзгулик ва ёвузликни ичига олувчи бир омбордир. Уни ё эзгулик, ё ёвузликнинг омборига айлантирадилар.

...

Қўрқоқлик — шафқатсизликнинг онаси.

...

Ноўрин гўзаллик ўз қадрини йўқотади.

...

Кимнидир тасвирлашга ҳар қанча уринмайлик, барибир, доимо ўз-ўзимизни акс эттирамиз.

...

Ўзини ўз табиий моҳиятида муносиб намоён қилмоқ комиллик белгиси ва деярли илоҳий сифат белгисидир. Биз одатда ўзлигимиздан қочиб, бошқача одам бўлишга интиламиз ва аслида нималарга қодирлигимизни билолмай ўтиб кетамиз.

...

Ҳеч ким бор пулини ўзгаларга улашиб бермайди. Лекин ҳар бир одам вақти ва ҳаётини атрофидагиларга бўлишиб беради.

Биз шу қадар исроф қиладиган, бироқ хасислик қилсак, шунчалар фойдали ва мақтовга муносиб бўлган бошқа ҳеч нарса йўқ.

Йўлларнинг мингтаси мақсаддан узоқлаштиради, фақат биттаси мақсадга етказади.

«Ҳақиқат манзаралари» китобидан.

Tafakkur javohirlari

Xullas...

БЕШ ЙИЛДАН СЎНГ ҚАЙТГАН МУШУК

Ўз бошпанасини адашмасдан топиб келиш фақат одамзотга хос эмас экан. Тилсиз, онгсиз жонзотлар ҳам бунга қодир.

Бундан беш йил илгари Владимир Ильченко кўчада эгасиз юрган ёқимтойгина мушукни учратиб қолди. Уйига олиб кетди, парваришлади, турли машқларни бажаришга ўргатди. Эгаси уни қаерга кетмасин, ёнида олиб юрар, еру кўкка ишонмасди.

Қариндошларникидан биринкига меҳмонга борган Владимир Манясиз қайтишга мажбур бўлди. Қаёққа ғойиб бўлганини ҳеч ким билмайди, ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ. Украинадан Старий Осколгача бўлган масофа яқин эмас. Гапнинг индаллоси, хўжайин ақлли мушугини йўқотгани учун йиғлаб ҳам олди.

... Орадан беш йил ўтди. Ҳар замонда мушугини эсласа, юраги ўртанадиган Владимир энди ундан тамоман умидини узган эди. Кунларнинг бирида "лоп" этиб, миёвлаганча Маня кириб келса бўладими? Россия — Украина чегараси 600 километрлик масофа, қандай қилиб жонивор орадан шунча вақт ўтиб, ўз уйини топиб келди экан?

Ақлинг бовар қилмайди... Энди Маня яна ўз уйида эркаликларини давом эттирмоқда.

САРИҚ СОЧЛИЛАР ҲАФА

Германияда "Заковатнинг тест индекси" лойиҳаси доирасида тадқиқот ўтказилди. 100 минг киши қатнашган сўровнома натижаларида эркаклар аёлларга нисбатан юқорироқ кўрсаткичга эришди. Сариқ ва малла сочли аёлларнинг натижаси бир хил: 117 балл. Улар қора сочлилардан икки, оқ сочлилардан уч баравар камроқ ақлли экан. Энг паст кўрсаткич оқ сочлиларда бўлди. Тест саволларига жавоб беришда ўзини намоён этган немислар ақл-заковат бобида соч рол ўйнашидан лол қолдилар, деб хабар берилади "Ретсельхафте" феномене" журналида.

ЎЛИШНИ ИСТАБ, ОМОН ҚОЛДИ

Ўртача тезлик билан кетаётган поезд, турли ташвишдаги йўловчилар. Манзилга етиб олсалар бўлгани. Улар орасида ҳаётдан безган ва нариги дунёга кетишни истаб юрган 54 ёшдаги кишинёвлик киши ҳам бор эди.

Поезд эшигини очиб, ўзини локомотивдан анча нарига отган Михаил бироз беҳуш ётди. "Ўлдим шекилли", деб фикрлай бошлади, билдики, тирик қолибди. Орзусига зид равишда омон қолганидан худога шукр қилди шўрлик.

Ҳамма жойим бус-бутунмикан ишқилиб, суяк-пуягим шикастланмадимикан, дея бир амаллаб ўрнидан турди. У тирик қолганидан шу қадар хурсанд эдики...

Ўлишни истаган билан ажал келмаса, қийин. Ўлимини сунъий равишда ҳосил қилувчилар эса, Михаил амакига ўхшаб, тирик қолганидан худога шукр қиладилар. Ҳаёт шундайин ширин неъмат...

ana shunaqa gaplar

Қиш манзаралари

НОН—РИЗҚУ РЎЗИМИЗ

Нон—азиз. Ҳеч ҳам кўнгилга тегмайдиган бу неъмат билан боғлиқ ҳикматлар жуда кўп. Болалигимиздан бувиларимиз: «Нонни бир жойда ўтириб егин, ушоғи тўкилмасин. Босган одамнинг кўзи кўр бўлади», деб ўгит берарди. Бир умр қишлоқда, далада меҳнат қилиб яшаган, донни ўз қўлларида экиб, етиштирган нуроний отахон, онахонларнинг хатти-ҳаракатларини алоҳида эътибор билан кузатинг, улар нонни бир мўъжизадек қўлларига олиб, ушоғи ерга тушмаслиги учун эҳтиёт қилиб, синдириб ейдилар ёки дастурхонга ушоқ тўкилса, териб оғизларига соладилар. Чунки улар бир бурда қора нон учун ухламасдан навбатда туриб, ўзлари емай, болаларига едирган машъум уруш йилларини бошларидан кечирганлар. Шунинг учун ҳам улар биздан кўра кўпроқ нон қадрини биладилар.

Биз ҳам фарзандларимизга ҳар куни нонни эъзозлашни, уни увол қилмасликни тушунтириб боришимиз керак. Агар нон қотиб қолса, ташлаб юбормасдан, ундан егулик таом тайёрлаш мумкин. Фарзандларимизга уйда ҳам, мактаб-боғчаларда ҳам нон ҳақида ривоятлар, ҳикматлар билан тушунтирсак, бу тарзда тез англаб оладилар ва узоқ вақт ёдда сақлайдилар. Масалан, ривоят қилишларича, қадимда араб халқининг той қабиласидан Ҳотамтой деган бир одам ўтган экан. Қадимда одамларнинг егулик ҳеч нарсаси қолмаса, Ҳотамтойга борар экан. Бир куни бир одам Ҳотамтойнинг уйини қидирибди. Шунда йўловчига йўл кўрсатувчи уйининг олдида катта тупроқдан гумбаз бор, шундан топиб оласиз, деб унга тушунтирибди. Ҳотамтойни қидирган одам ўша ерни топиб келибди. Қараса, оддий пасткина уй, унинг олдида катта гумбаз. У ўзича ўйлабди: «Ўзи зўрға яшар экану менга нон берармиди?» Шунда бир нуроний чол: «Болам, бу гумбазнинг тагида ноннинг ушоғи йўқолган. Ҳотамтой ушоқни тополмаганлиги учун одамлар босмасин, деб шу гумбазни қурган, ушоқни эъзозлагани учун унга худойим туганмас давлат берди» деб айтибди.

Бу бир ривоят. Аммо бунинг замирида катта маъно бор.

ҚОТГАН НОНДАН ТАЙЁРЛАНАДИГАН ТАОМЛАР

Агар уйингизда гўшт бўлмаса, асло хафа бўлманг. Пиёз, томат, қотган нонингиз бўлса, уни талқон қилиб, озгина ёғга қизартириб олинг. Озгина сув солинг, тухум бўлса, уни ҳам чақиб, қозонга солинг. Кўкатлар солинг. Кейин тўғралган қотган нонни солиб, 5-10 минут қайнатинг. Жуда ширин, тўйимли шўрва тайёр бўлади.

***

Суви қочган нон бўлакларини доғланган ёғга солиб, енгил қовуриб оласиз. Ҳар бир бўлак нон юзига озгинадан тухумни чақиб, нон юзига суринг. Бир оз туз сепинг, сўнгра 10 дақиқа давомида газ духовкасида димлаб оласиз.

Саломатхон ҲАСАНОВА тайёрлади.

Энг, энг, энг...

ЭНГ УЛКАН ОКЕАН

Дунёда энг катта океан Тинч океани бўлиб, унга қуйилувчи денгизларни ҳисобламаганда унинг умумий майдони 166.241000 квадрат километрга тенгдир. Бу океанлар умумий майдонининг 45,9 фоизини ташкил қилади. Тинч океанининг чуқурлиги эса 4188 метр экан.

ЭНГ КАТТА ЧЎЛ

Энг катта чўл Африка қитъасининг шимолий қисмида жойлашган Саҳрои Кабирдир. Унинг умумий майдони 8.400.000 квадрат километр бўлиб, ер шарининг умумий қуруқлик майдонининг саккиздан бирига тенг келар экан.

ЭНГ КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА

Дунё мутахассисларнининг фикрича, энг кучли зилзила Чилида 1960 йили содир бўлган. 1976 йил 28 июль куни соат 3^{00} да Шарқий Хитойда бошланган зилзила 1977 йил 4 январь маълумотига кўра ҳалок бўлганлар сонининг ўзи 655.237 кишини ташкил этиб, яраланганлар, мажруҳ бўлганлар, вафот этганларга нисбатан 7 баробар кўп бўлганлиги қайд этилган экан.

ЭНГ КАТТА ДЕНГИЗ

Географ олимларининг тан олишларига кўра, бу Жанубий Хитой денгизидир. Унинг умумий майдони 2.974.600 квадрат километрни ташкил қилиб, Гиннеснинг «Рекордлар китоби»га киритилган.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.

ТОЛШИРИҚЛИ ЧАЙНВОРД



1. Исмдош ўзбек адиблари. 2. «Ўзбек тили ва адабиёти» қўлланмаси муаллифи, тилшунос олим. 3. Атоқли ўзбек шоири. 4. Бирор мамлакатга бориш учун паспортга ёзилган ижозат. 5. Математика бўлими. 6. Мусиқа асари. 7. Қитъа. 8. Алишер Навоий асарларидан фойдаланувчилар учун XVI асрда Туркияда тузилган изоҳли луғат. 9. Ўзбек халқ достони. 10. Танаси қаттиқ жануб дарахти. 11. Айлана ёйининг ўлчов бирлиги. 12. Муайян масалани ечишнинг математик усуллари мажмуи. 13. Публицистик асар. 14. Ашёларга ишлов беришда фойдаланадиган қаттиқ модда. 15. Қон томири. 16. Араб ҳарфлари асосидаги ҳисоб илми. 17. Машғулотга қатнов ҳисоби. 18. Ижтимоий ишлаб чиқариш қурилмалари. 19. Цирк санъаткори. 20. Чўт донаси. 21. Кўн саноати ва табобатда ишлатиладиган маъдан. 22. Табиат ҳодисаси. 23. Германиядаги шаҳар. 24. Саъдий Шерозий асари. 25. От-улов абзали. 26. Эркак исми. 27. Тақсимотда ҳар бир кишига тўғри келадиган улуш. 28. Мато жиҳози. 29. Миллий ширинлик. 30. Мезондан сўнг бошланувчи бурж. 31. АҚШ авиаконструктори. 32. Туйилган жўхоридан тайёрланадиган таом. 33. Қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш мажмуи. 34. Табобат соҳаси. 35. Кўчат тупини сийраклаштириш. 36. Ҳашарот. 37. Чок тури. 38. Қадимги Миср ёзуви. 39. Ёруғликнинг ҳаво ва сувдаги тезлигини аниқлаган француз физиги. 40. Ҳарбий унвон. 41. Ўчиш қурилмаси. 42. Жанубий Америкадаги чўл. 43. Бинокорлик ашёси. 44. Турбинанинг айланадиган қисми. 45. Ёзув қуроли. 46. Қишлоқ хўжалиги мутахассиси. 47. Жумбоқ. 48. Оила сардори. 49. Заргарлик ашёси, маъдан. 50. Қашқадарё вилоятидаги шаҳар. 51. Яқин Шарқдаги давлат. 52. Биринчи бўлиб космос ташқарисида бўлган фазогир. 53. Давлатнинг пул бирлиги. 54. Бирор нарсага нисбат берилмаган кўрсаткич. 55. Сув ости минаси. 56. Қуролярог. 57. Кўҳна пойтахт саройи. 58. Чавандозлик мусобақаси. 59. Меъдаости бези гормони. 60. Мусиқа ёзуви. 61. Сув йўли. 62. Халқ куйи. 63. Арктиканинг музлик қоплаган ўрмонсиз ҳудуди. 64. Кичик сайёра. 65. Сенегал пойтахти. 66. Қазилма маъдан. 67. Туркиядаги вулқон. 68. Чора, илож. 69. Қадимий пойтахт. 70. Фаолият. 71. Тўфонли уммон шамоли. 72. Араб алифбоси ҳарфи. 73. Ватанимиз ҳудудидаги энг катта вилоят. 74. Кўча ва ҳовли оралиғи. 75. Ўзбек маърифатпарвар шоири. 76. Вақт ўлчови. 77. Суғорилмайдиган деҳқончилик. 78. Башар.

Чайнвордни тўғри ҳал этган бўлсангиз, шакл айланаларидаги ҳарфларни қаторлар бўйича ўқинг. Бунда мумтоз шоир Абушукур Балхий ёзиб қолдирган икки мисра ҳикматни билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-129.
Тиражи 18064. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир:
Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Навбатчи:
Шерали НИШОНОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
(М) белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-57-89, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69 (факс).

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди —21.00